



Акром МАЛИК

ЖАНГЧИ

Тарихий-бадий қисса

<https://t.me/AkromMalik>

<https://www.facebook.com/akrom.malik2020>

Биринчи боб

Уй соҳибининг касали зўрайди. Йўталганда ўпкаси узилай дейди. Балғам қонга айланганда бека аҳволнинг оғирлигини аниқроқ ҳис этди. Тўққиз яшар ўғли касал отанинг атрофида зир югуради. Кир латта билан оғиздан отилган қон теккан лаб ва соқолни артади.

Қуёш куйдиради. Саҳро шамоли шаҳар бўйлаб қайноқ қумни кунда бир бор элайди.

Она ҳовлининг ўртасига тиз чўкиб қўлини кўтариб ўз худосига ёлворади:

- Эй қуёш! Эй оламнинг нури! Эй ҳаётбахш илоҳ! Чўлни қақратган сенсан, водийни яшнатган сенсан! Менинг камбағал эримга ёвуз худолар ҳужум қилди. У қон туфлаб, йўталапти. Ўзинг хизматкорларингга айт, эримни тузатишсин!

Қуёш эса қорайиб, юзлари сўлган, озғин ва қувватсиз аёлнинг дуоларини ижобат қилиш у ёқда турсин, эшитмагандек ёки энсаси қотгандек нурини янада қайнатиб сепеди. Аёлнинг аъзои баданига алангали сел ёғади. У эса эрим ўлса, қандай яшайман дер, кўпроқ тўққиз яшар ўғилчасининг қисматидан даҳшатга тушарди. Шунга бирдан эрини унутиб, ўғли ҳақида нола қилиб кетди:

- Эй қуёш! Фиръавннинг отаси! Эрим ўлса, боламни қандай боқаман? Мени ким хотинликка оларди? Чўри бўламанми? Болам қулга айланадими?..

Аёл куйиб йиғлади. Қуёш эса бирор марҳамат кўрсатгани унчалик шошилмаётгандек эди.

Бола онасига қараб, унинг офтоб нурида ҳалок бўлишини идрок этди.

- Она, юринг, юринг. Қуёшда ўтирманг! Отамга қаранг...

Она илтижодан тўхтаб, нурсиз кўзлари ила боласига назар солди: бола озғин, тилларанг сочи елкасига ўсиб тушган, бўз кўйлаги тиззасига тушган, ёғоч кавуш товончаларини ёрган, аммо юзи тоза эди.

- Она, қуёш сизни эшитмаяпти. Неча кундан бери ундан сўраяпсиз. Қаранг, қорайиб кетдингиз. Отам қимирламай қолди.

Аёл шошиб эрининг бошига борди. Бемор нафас олмаётгандек жим ётар, аммо пешонасини данакдек тер босган, соқоли оғзидан оққан қон билан бўялганди.

Аёл кўзага латта тиқиб, намлади, эрининг манглайига босди.

Гапиришга ҳоли йўқдек ёки гапиравериб ҳафсаласи пир бўлгандек бу ишни жим, сассиз бажарарди. Бола эса катта кўк кўзларини дам отасига, дам онасига қадаб, сўради:

- Она, отамни ким қутқаради? Қуёш худо бўлса ҳам, биз билан иши йўқ. Бирор яхшироқ худодан сўраш керакмикан дейман...

Она ўғилчасига маъюс кўзларини тикди, назарида, бу гапни айтишга бола ҳали болалик қиларди, бироқ эсини таниганидан бери оиласини қора ҳаётда кўраётган гўдақдан, албатта, шундай гап чиқиши табиий эди. Чунки бошга келаётган машаққатлардан қутқарадиган ҳамма кучлар уларни ҳар сафар умидсиз қолдирган. Бу ҳолда, бола фикри ҳам на қуёш, на ой, само, на чақмоқ, на бирор бут уларга ёрдам бера олмаслигини тушуниб бўлганди.

- Болажоним, бошқа кимдан кўмак сўраймиз? Бизга ким ёрдам беради?..

Бола жим бўлиб қолди.

Ташқаридан отнинг кишнагани, кимнингдир бўралаб бўкиргани эшитилди. Она қўрқувдан сапчиб туриб, айвонга отилди. Бола ҳам эргашди.

Эшик вазифасини ўтаётган буталар бойлами ерда ётар, бел бўйи кўтарилган деворнинг бир неча қадами ерга қулаган, ҳовлида эса уларнинг хўжайини бўлмиш Сақиф Ғобанинг икки навқари отда турарди. Навқарларнинг важдоҳати хунук эди.

- Ашиа, эринг қани?

Ашиа ранги докадек оқариб эгилди:

- Жанобим, эрим касал...

- Касал?! Нега ҳали тузалмади? Нега?

- Касали оғир, жанобим. Қон туфляптими?

- Қон туфляпти? - катта навқар сўкинди. - Одам бўлмайди, шекилли, бор, олиб чиқ!

Ашиа йиғлади:

- Жанобим, эрим ўрнидан туролмайди...

- Ўрнидан туролмайди? Сен судраб чиқ!

Ёш навқар отдан сакраб тушиб, кулбага кирди. Орқасидан Ашиа югурди:

- Улуғ Амон ҳақи, улуғ Ра ҳурмати, раҳм қилинг! Эрим ўлиб қолади!

Катта навқарнинг қаҳри қайнади:

- Муқаддас Амон ва Ранинг номини ҳаром тилиннга олма! Сенинг аждодларинг Мусо ва Ҳорунга эргашиб, уларни рад қилишган! Сенлар Мусо ва Ҳоруннинг худосига топингансанлар!

Ашиа ерга йиқилиб изиллади:

- Жанобим, биз тавба қилганмиз! Тавба қилганмиз! Амон, Рага қайтганмиз!

- Жанг қилиб юртларингни босиб олганимиздан кейинми? Алдаяпсан!

Ёш навқар уй эгасини ёқасидан судраб чиқди. Касалнинг йўталишга ҳам ҳоли қолмай, оғзидан қорамтир қон сизарди, навқар уни тупроққа белаб ерга отди.

Ашиа эрининг бошини қучоқлаб ўкраш аралаш нола қилди:

- Жанобим, подшоҳимиз Жолут бизни афв этдилар-ку! Сизлар асир эмассизлар, қул эмассизлар, дедилар-ку! Нега бизни бу қадар азоблайсиз!

Катта навкар жирканиб вишиллади:

- Подшоҳимиз Жолут марҳаматли, бироқ биз бунга рози эмасмиз. Сенлар кабиларни яшашга қўйиб берганимизга раҳмат де! Қани Мусо, қани Ҳорун! Сенлар Яҳудо болалари айтганини қилиб юрардинглар-ку!

Ашиа бошқа сўз айтмай эрининг бошини қучоқлаб фақат йиғларди. Бола эса қотиб турарди.

Катта навкар оти билан эр-хотиннинг бошига келди:

- Эй Ашиа, қоч!

- Нега, жанобим?

- Савол беряпсанми? - катта навкар қутуриб, шеригига буюрди. - Болани ол!

Ёш навкар болага қараб юрди. Ашиа додлаб, эрини ташлади ва ўғилчасига отилди. Катта навкар уй эгасини отда ўтирган кўйи найзасининг учи билан туртиб кўрди.

Бемор ингрангандек бўлди. Катта навкар найзасини даст кўтариб, беморнинг юрагига санчди: найза унинг кўкрагини тешиб ўтиб, ерга санчилди, қотил бир зарб билан найзасини суғуриб олди. Қора қон аввал булоқдек отилди, кейин жилғадек ёйилиб оқиб ерни қоплаб, кўлмакка айланди. Уй эгаси юзи, соч-соқоли қонга буланиб, икки марта қимирлади ва жим бўлди.

Ашиа боласининг маҳкам қучиб музлади. Боланинг нафаси қайтиб кетди.

- Она, она, отам... - дедию, ҳушидан кетди.

- Бир ҳафтадан бери касал! Фойдаси тегмайдиган ит бизга керакмас! Эй бева! Эрингни тез кўмиб, эрта тонгда боланг билан ишинга етиб бор! Йўқса, боланг ҳам, сен ҳам ўласан!

Ашиа унинг бирор гапини идрок этмас, ваҳшиёна товуш элас-элас қулоғига чалинар, у ўғилчамга найза санчилмасин дер эди, ҳолос.

...Ярим соатларда Ашиа ҳушига келди. Ўғилчаси отасининг бошида ўтирарди. Қўшнилари ҳамма воқеани кўрдилар, аммо ҳеч ким бу лаънатланган ҳовлига киришга журъат этмади.

Ашиа бир нафас ўйлади. Қўққис руҳида бир жасорат пайдо бўлгандек. Дам тафти пасайиб бораётган қуёшга, дам қон ҳалқоби ичида ётган эрининг мурдасига, мурданинг юзини силаётган боласига боқди-да, қаердандир қувват келиб, даст ўрнидан турди:

- Роқиб, ўғлим, менга ёрдам бер!

Роқиб онасига қараб, ундаги дадилликни сезгандек итоаткорлик билан унинг олдига келди.

Она-бола эшикни кўтариб, маййитнинг олдига қўйишди, биргалашиб мурдани эшик устига думалатиб чиқаришди. Ашиа эрининг кийимларини ечди, авратини тўрт қават латта билан ёпди, эрининг чап кўкси чуқур очилиб, таги кўринарди.

Катта хумни келтириб, она-бола ёғоч чўмичда жасад устидан аввал бир сидирға сув қуйиб чиқишди, сўнг Ашиа ўликни бошидан ювишга киришди. Роқиб сув қуйиб турди. Мурдани поклаганларидан сўнг, ҳовлининг ўртасини кавлашни бошладилар.

Қуёш ботди. Ой чиқди. Ашиа шошиб ишлар, Роқиб эса кўзи юмилиб, уҳлагиси келарди. Эрталабдан буён туз тотмаган бўлсалар-да, иштаҳалари таом истамасди.

...Роқиб уйғонганида онаси отасини ўзи кавлаган чуқурга қийналиб судрарди. Тун ярмига оққан, чигиртка чириллар, ой дум-думалоқ бўлиб, қизариб қараб турарди.

Роқиб тез бориб, онасига кўмаклашди. Аёл анча чуқур қабр қазган эди. Мурдани секин тушириш имконсиз эди, шунинг учун ўликни чуқурга ташлашди. Жасад юзи билан тушди. Ашиа қабрга кирди ва эрининг юзини тепага қаратди ва унга гапирди:

- Эй менинг бечора эрим! Биз Мусонинг йўлидан жон сақлаш учун воз кечгандик. Аммо хорландик. Мусо бизнинг аждодларимизни фиръавндан қутқарган эди, у бизга ўзимизни ҳимоя қилишни ўргатган эди, коинот биргина Илоҳ яратган деган эди, биз эса яшаб қоламиз деб ундан юз ўгирдик, яшаб қолдик, лекин таҳқирландик. Сизни итдек ўлдиришди. Эй менинг шўрлик эрим! Мусонинг гаплари ҳақ экан, буни бугун билдим.

Ашиа қабрдан чиқда ва уни тупроқ билан тўлдиришга киришди. У қабрга тупроқ ташларкан, гапирарди:

- Эй менинг жангда шараф-ла ўлмаган эрим! Сизнинг отангиз ҳам, менинг отам ҳам Яҳудо қавмининг аслзодалари эди. Бизни эса душманлар хорлади. Душманлар эмас, биз ўзимизни хорладик. Роқиб, болам, отангни кўм!

Роқиб ҳам тупроқ ташлай бошлади.

- Роқиб, ўғлим, сенга асл ҳақиқатни айтаман, - Ашиа ҳам ишлар, ҳам сўзларди. - Сен бизга ёрдам берадиган бошқа худо йўқми, деб бугун сўрагандинг, болам. Шундай Худо бор. Уни бизга Мусо деган бир пайғамбар танитган эди. Биз Мусога эргашиб, ўша якка Худога сиғинардик. Аждодларимиз сиғинарди. Мусо эса Худонинг гапларини бизга етказиб турарди. Мусо Худонинг бир Китобини ҳам олиб келди, аждодларимиз кўп осийлик қилишди, аммо Худо ҳам, Мусо ҳам кечирди. Мусонинг даврида

бизнинг бобокалонларимиз қавмнинг аслзодаси эдилар. Мусо аждодларимизни урушга чорлади, гоҳ уни рад қилишди, гоҳ қабул қилишди. Қабул қилишганида шу шаҳарни эгаллашди, биз шу ерда яшаб қолдик. Аммо Мусо, унинг укаси Ҳорун ҳам оламдан ўтгач, аждодларимиз бу йўлга тескари юришди. Худонинг Китобида айтилган ишларни бажаришмади, Худо бизни жазолаб, Балсисо қавмининг золим подшоҳи Жолутни устимизга юборди. Жолут бизни осон енгди. Биз аслзода эдик, отамни ўлдиришди, сенинг отанг ва мени тирик қолдиришди, чунки, биз Мусонинг йўлидан чиқиб, қуёшга сиғинишни бошладик.

Бироқ Жолут бизни аввал Мусо йўлида бўлганимизни унутмаган, агар Мусонинг йўлига қайтсак, қудратга келишимизни билади, шунинг учун тинимсиз бизни эзиб келяпти. Роқиб, болам, отангни хорлаб ўлдиришди, биз Жолутнинг Сақиф Ғоба деган саркардасининг қўлида ўн йил қул бўлдик, энди бундай бўлмайди, қочамиз!

Она-бола қабрни кўмиб бўлишди. Роқиб онасининг гапларидан карахт эди. У тинмай шивирлаётган онасини таний олмаётганди.

- Роқиб, эрйигит бўл. Мадяндан нариги томонларда Шамуил деган киши Мусонинг йўлига одамларни чақираётган экан, унинг олдига борамиз.

- Қачон, она?

- Ҳозир кетамиз.

Ашиа кулбасидан ихчам тугунча кўтариб чиқди ва ўғлини етаклаб, саҳро томонга югурди...

Тонгга яқин улар саҳрога кира бошлашди. Шаҳар тугаб, қақроқ дашт келди. Ашиа кунботардан чапга қараб юрарди. Энди унинг мадори қуриб борар, оёқлари чалишиб, йиқилай-йиқилай дер, Роқибга суяниб қоларди.

Орқадан отлар дупури эшитилди. Уларнинг қочгани фoш бўлгани аниқ.

Саноқли лаҳзаларда отлиқлар етиб келди. Энг олдиндаги отлиқ уларни қувиб ўтиб, қўлидаги қамчини аямай уларга қараб сермади. Қамчи Ашианинг юзига тегиб, из қолдирди, бурни қонади, аёл ҳушдан кетди. Роқиб онасини ҳимоя қилиш учун ўзини кейинги қамчига тутди. Бола ҳам зарбдан ўзини йўқотди. Отлиқлар уларни бир кишидан олиб, эгарга босиб, шаҳарга қайтдилар.

Иккинчи боб

...Роқиб кўзини очиб, елкасидаги аччиқ оғриқни ҳис этди. Бошини кўтарди. Улар шаҳарнинг маҳкама майдонида эдилар.

Атрофда одамлар кўпайиб борарди. Хизматкорлар майдоннинг юқори қисмига ўриндиқ ҳозирлашмоқда. Бу ерда она-болани суд қилишади.

Роқиб ҳушсиз ётган онасининг елкасидан оҳиста туртди:

- Она, турақолинг, она...

Ашиа кўзини очди ва сесканиб сапчиди. Аъзои вужуди қақшарди. Қуёш тиккалаб келмоқда. Аёлнинг оёғи кишанбанд этилганди. Қамчи зарбидан бирикки жойидан қон сизган, юзи шишган, чап кўзи буткул бекилиб қолганди. Ашиа боласини қучоқлади:

- Роқиб, соғмисан, болам?

- Она, юзингиз шишибди...

- Роқиб, эшит, болам, ақлли болам, ўзимнинг жасур ўғлим! - Ашиа ўғлининг қулоғига шошиб шивирлай бошлади. - Бизни судлашади. Сен кўрқма. Сен ҳеч нарсани билмайсан. Сен жим тур. Қандай ҳукм чиқарадилар, билмайман, аммо сен Мусонинг йўлини изла, болам. Мусо Аҳмад деган пайғамбар бутун инсониятни қутқаради, у кофирларни ўлдиради, золимларнинг додини бериб, мазлумга нажот бўлади, деган. Сен Аҳмад деган пайғамбарни эшитсанг, иккиланмай унга эргаш, хўпми? Илоҳий хушхабардаги одам шу бўлади. Наслимизнинг ягона вакилисан, сен ўлмаслигинг керак. Шайтонга алданган сулоламизни яна шарафлантиришинг керак!

- Қочоқлар ҳушига келди!

Икки навкар югуриб келиб, она-болани майдон ўртасидаги устунга боғлади.

Майдон одамга тўлди. Ҳамма она-боланинг тақдирига қизиқаётган эди.

- Булар муртад. Жолутнинг динидан Мусога қайтган!

- Шаҳардан қочишга қандай журъат этишди!

- Аҳмоқ хотин! Ўзингни ўйламасанг ҳам, болангни ўйласанг бўларди-ку!

- Итнинг боласи ит бўлади, оғайни. Болани қара, ҳалидан бўзрайиб турибди.

- Тўғри айтасизлар. Айниган наслдан хайр чиқмайди.

- Буларни тошбўрон қилиш керак!

- Осиш керак!

- Бошини чопайлик!

- Мегажин! Итвачча!

- Қочоқлар! Бизга хиёнат қилиб қочибсанлар!

Оломон ўз гапидан ўзи таъсирланиб, қутура бошлади. Асирлар билан уларнинг орасида ёғоч тўсиқ бўлмаса, она-болани бурдалашга тайёр одамлар ҳам топиларди.

Шу пайт ноғора чалинди, ортидан кимдир баланд овозда бақира бошлади:

- Эй инсонлар! Ер юзидаги энг адолатли подшоҳ Жолутнинг шаҳримиздаги мутлақ вакили, ҳокими олийимиз Сақиф Ғоба жаноблари келмоқда! У кишининг ёнида Осмон ва Ердаги уч юз олтмишта худонинг маслаҳатчиси, буюк донишманд, пуштипаноҳимиз коҳин Аврелий Астинос ҳазратлари!

Бу гаплардан кейин ноғоралар янада байрамона гумбурлади, Сақиф Ғоба ва коҳин Астинос савлат тўкиб отда майдонга кириб келдилар. Оломон

жунбушга тушиб, увулади. Одамлар Сақиф Ғобадек буюк саркардани, уч олтмишта худонинг маслаҳатчиси Астиносни бевосита кўраётганларидан шайтонлаб қолаёзди.

Кимдир сакрар, кимдир қўлини кўтарар, ҳамма оғзидан тупук сачратиб бақиради:

- О буюк Ғоба!
- О илоҳий Астинос!
- Мен ҳам кўрай, менга кўринмаяпти...
- Этакларини ўпа олсайдик...
- Этикларининг изи ҳам муқаддас!

Оломон ичидан бир-икки кампир чирқирарди:

- Эй муқаддас Астинос, худоларга айтинг, қизимга ўғил берсин!
- Ўғлимга бойлик!
- Менга чиройли хотин!
- Менга ҳашаматли сарой!

Шовқин оғушида Ғоба ва Астинос ўзлари учун ҳозирланган тахтга бориб ўтиришди.

Ғобанинг бош амалдори Тасмин қўлини кўтариб ҳайқирди:

- Жим бўл, халойиқ! Жим бўл!

Бир зумда ҳамма тинчланди. Майдонга сукут чўкди.

- Улуғ ҳоким Ғоба ҳамда худолар маслаҳатчисини шарафлашингиз жуда олийжаноб иш! Бироқ орангларда кимлардир ўз илтижоларини йўллаяпти. Бу ҳам жуда тўғри. Аммо...

Тасмин "аммо" дедию, овозига сирли, ҳокимона тус берди:

- Бугун майдонга хиёнаткорларни жазоламоқ учун йиғилдик. Адолат гуллаб яшнаган, худоларнинг бевосита ҳимоясида бўлган, ҳамма шод-хуррам яшаётган жаннатмакон шаҳримиздан қочишга журъат қилган хоинлар

оиласини жазолашимиз шарт! Сизлар эса худолар маслаҳатчиси илоҳий Астиносни ўз истакларингиз ила безовта қилмоқдасиз. Истакларни сўрамоқ учун муқаддас ибодатхона ҳадяларингиз ила боринг. Ҳадяларингиз худоларга маъқул келса, Астинос ҳазратлари тилагингизни уларга етказди. Тилагингизни ижобат қиладими, йўқми, кейин бу иш ҳам худоларнинг ихтиёрида қолади. Мени тушундингизми?

Оломон гувиллади:

- Ҳа, тушундик!

Тасмин ишини тугатиб, жойига қайтди. Ғоба қўлидаги ҳокимлик ҳассасини кўтариб, ўтирган жойида гап бошлади:

- Бизнинг шаҳримиз буюк шаҳар! Бу ерда ҳам бахтиёр! Худолар ҳам биз билан. Коҳин Астиноснинг ёрдами билан шахсан ўзим етмиш бешта худони саройимда қабул қилганман. Уларнинг ҳаммаси шаҳримизни қўриқлашга ваъда берди. Бу она-бола эса катта хиёнат қилдилар! Улар ярим кечаси қочиб кетишди. Аммо худолардан хабар келди. Навкарларимиз тутдилар. Энди уларни адолатли суд қиламиз. Қилмишларига жавоб бериб, муносиб жазо олишсин!

Ғоба Ашиага кўзларини қисиб қаради:

- Эй жиноятчи хотин! Кимсан, насабинг қандай, ўзингни олий ҳукм берувчиларга танит!

- Мен Ашиа, отам пайғамбар Ёқуб қавмидан Аслам, бобом шу шаҳарнинг ҳокими Муассардир.

Аёлнинг овози чақмоқдай янгради, оломондаги ғазаб сўнгандек бўлди, ҳатто ҳоким Сақиф Ғобанинг ҳукмрон саволи бу жавоб қаршисида сув чўккан тошдек чўкди. Ҳамма кишандаги аёл ҳукмдорлар оиласига мансублигини англаб етди. Ашиадаги шиддат айнан маликаларга хос эди. Роқиб эса бу ҳақиқатни энди эшитгани учун онасига ҳайратланиб қаради.

Ғоба зудлик билан вазиятни қўлга олди:

- Ҳокимият бобонг Муассардан сўнг қўлларингдан кетди, нега?

Биласанми?

Ашиа бу саволни кутган эди:

- Ичимиздан чиққан хоинлар сабабли бобом Муассарни душманлар мағлуб этди...

Ғоба аёлнинг сўзини бўлди:

- Муассар заиф эди. У қудрат нелигини билмасди! Заифлиги учун енгилди.

Ашиа жим бўлди. Ғоба аёлдан бирор эътироз бўлмагач, яна давом этди:

- Бобонг буюк подшоҳ Жолутнинг динига ўтди, қуёшга топинди, Мусонинг йўлидан чиқди. Бу унинг умридаги ягона тўғри иши эди.

Ашиа бир нуқтага тикилган кўйи ҳамон жим эди.

- Сен эса муртад бўлдинг. Бизнинг адолатдан қочдинг! Шаҳардан қочган хоиндир, хоинга эса ўлим!

Оломон шуни кутиб тургандек чувиллади:

- Хоинга ўлим! Ўлим! Ўлим!

Ашиа ҳокимга шундай қарадики, Ғоба нигоҳи унинг нигоҳига тушганда ичи титраб кетганини сизди. Ашианинг кўзларида Муассар кўрингандек бўлди.

Муассар Ғобага: "Эй чўрининг боласи! Мени сен сотдинг!" - дегандек бўлди.

Ашиа ҳокимга қараб ҳайқирди:

- Қадим қонунни унутдингми, Ғоба!

Аёлнинг овози ғайритабиий бир қаҳр билан янграб, оломоннинг шовқинини кесиб, кўпчиликнинг қулоғи етди. Одамларнинг шовури пасая бошлади.

Ғобанинг ўрнига Астонис сўради:

- Эй жиноятчи хотин, қандай қонунни айтяпсан?

- Эй қоҳин, қадимга қонунда ҳоқим ва унинг авлоди қатл этилмасин дейилган. Унутдингларми?

Ашиа ҳақ эди. У эски қонунни эслатди. Буни ҳеч ким инкор этолмасди. Ғоба терговни тўхтатишга, ҳукм беришга қарор қилди:

- Ҳукм!

Ҳамманинг вужуди қулоққа айланди.

- Ҳукмдорлар наслидан бўлган жиноятчи бева хотин Ашиа қуйидаги жиноятларни қилган: фаровон ва адолатли шаҳримиздан хоинларча қочди; буюк подшоҳ Жолут динига беҳурматлик қилиб, Мусонинг динини қўмсади; у ўз жиноятига боласини шерик қилди. Бу иши учун қатлга муносиб бўлса-да, томирида аслзода қони оқиб тургани учун уни тирик қолдираман: Ашиа шаҳар чўчқахонасида умрбод чўчқа боқади, ўғли эса Ваҳшийлар зиндонига умрбод муддатга қамалсин!

Ғоба ҳукмни тугатдию, ўрнидан турди. Ҳамма унга эргашди, оломон ҳам бир нарсаларни муҳокама қилиб тарқала бошлади.

Ашиа ўзи боғланган устунни йиқитгудек силтаниб қичқирарди:

- Золим! Эримни сенинг қотил аскарларинг ўлдирди! Ҳукмга рози эмасман! Боламини қўйиб юбор!..

Аммо унинг додини эшитадиган бирор одам йўқ эди.

Учинчи боб

Боланинг оёқ қўли кишанланди. Уни бир соқчи кўтариб от арава устидаги қафасга отди.

- Адо бўлдинг, болакай! Ваҳшийлар зиндонида бир кун ҳам, йўқ бир соат ҳам омон қолмайсан!

Арава юрди. Роқиб шаҳар бўйлаб кетаркан, томи лойсувоқ уйларга, пакана дарахтларга қарарди. Унинг ҳиссиётлари ўлгандек. У ўзини катта ишларга қодир сизди, бироқ ўша катта ишлар нима эканлигини билмасди. Ҳолбуки, уни Ер юзидаги энг ваҳший қамоққа олиб кетишмоқда. Арава ҳар силкинганда тупроқ, чангдан кирланган сочи юзини тўсади. Озғин елкаси чўккандек кўринади. Мовий кўзларининг тубида, ҳақиқатан, бир қайтмас қудрат йилтиллайди.

Кун оққанда шаҳарнинг шимолий қанотидаги машъум зиндонга етиб бордилар. Кечки салқин тушиб, шабада чўл янтоғининг ҳидини олиб келаётган эди.

Роқибнинг туз тотмагани ҳисоби бир кеча ва бир кундўздан ўтди. Энди унинг кўз ўнги жимирлади, мадори қуриди, хаёли сочилди, товушлар, ранглар аралашиб кетди, танаси тошдай оғирлашди, бола ўзини сувга чўкаётгандек ҳис этди. Иссиқ аллақачон унинг лабларини ёрганди. У кимдандир кўмак ўтингиси келди, лекин ўша кимдирни ҳали билмасди, қалби эса унга ҳақиқий ёрдам

берадиган қудратнинг борлигига гувоҳлик эълон этаётганди. Роқиб ҳушини йўқотди ва бирдан қушдай енгиллашди. Ҳавога кўтарилди. Атроф ям-яшил, ёруғ эди. Эгнида олтин нақш билан зийнатланган оппоқ либос. У бундай кийимни асло киймаган эди.

Роқиб қаерда эканлигини идрок этиб улгурмай ўзи томонга бир киши келаётганини сизди.

Бошини шошиб кўтарди, кокили кўзини тўсганди, чаккасига сурди ва рўпарасида баланд бўйли, соқол оқ ва узун, кексага ўхшаб таассурот уйғотса-да, жуда бақувват одамни кўрди. Бу одам чап қўлида жуда чиройли узун ҳасса ушлаб олганди, ҳасса худди барг чиқаришга ҳозир дарахт ниҳолига ўхшарди. Кишининг ўнг қўли мрамардек оқ эди, қўл нур сочарди. Қизиғи, буларнинг ҳаммаси бу Одамни янада кўркам кўрсатарди.

- Кимсиз? - деди Роқиб шошиб.

Одам унга жилмайди.

- Роқиб, - деди у. Афтидан, у болани жуда яхши танирди. - Ҳеч кўрқма! Бақувват бўл! Сира кўрқма! Ўлдираман дейишса, хурсанд бўл, дунёда ўлиб, қайта тирилганлар ҳам яшаб ўтишган. Номусингни йўқотма, ўғлим. Ҳеч кўрқма! Сенга ёрдам берадиган Зот бор, У зинҳор сени унутмайди.

- Хўп, аммо Сиз кимсиз? Мен Сизни аввал кўрмаганман!

- Мени кейинроқ танийсан. Яхши таниб оласан.

Одам бир зумда ғойиб бўлди.

Устига қуйилган бир челақ сув болани ўзига келтирди. Роқиб ўзини исқирт бир йўлакда кўрди. У ерда ётар, ердан эса сийдик ҳиди анқирди. Тепасида башараси чандиққа тўлган, кўса ва ҳўкиздай қўпол бир соқчи бор эди.

- Тур, чулдирвақи! Адо бўлдинг, тур, лаънати!

Роқиб ўрнидан турди, бошининг айланиши деярли камайган эди. Чандиқли кетига зарб билан тепди:

- Нимани кутяпсан, юр, ҳароми!

Йўлакнинг шифти баланд, кўринмайди, деворлардан харсанг тош бўртиб турибди, ҳар уч одимда машъала пориллайди. Ҳар ўн беш қадамда чап ёнда катта, бесўнақай эшиклар кўринади. Йўлак бўйлаб башарасини соч-соқол босган, баҳайбат соқчилар у ёқдан бу ёққа юради. Баъзилари елкасига ойболта ташлаб олган, баъзиларинг белида қилич, баъзилари камон билан қуролланган.

Йўлакнинг бошиданми, охириданми қандайдир итнинг хунук улиши эшитилади. Ит ё улияпти, ё ҳуряпти. Буни фарқлаш мушкул эди.

Шунчаки, бу ёқимсиз товуш йўлак бўйлаб тарқалиб, кўнгилга ваҳм солгиси келарди, гўё.

Соқчилар зиндонга ҳар куни тўққиз яшар маҳбуслар келадигандек, Роқибга қарамасдилар ҳам. Чандиқли эса турткиларди:

- Имиллама, ҳайвон! Тезлаш, лаънати!

Бола қанчалик тез юрмасин, оёғидаги кишан ҳам оғирлиги билан, ҳам шақирлаб қадам босишни азобга айлантирарди.

Ниҳоят, улар бир темир дарвоза қаршисида тўхташди. Чандиқбашара дарвозани қаттиқ урди. Бироз ўтиб, дарвоза очилди. Ичкаридан совут кийган, мўйлови узайиб, икки елкасига етган соқчи чиқиб келди:

- Ҳа, чандиқ!

- Маҳбус келди!

Чандиқ Роқибни ичкарига итариб юбориб, шарт ўгирилиб қайтиб кетди.

Темир дарвоза шарақлаб ёпилди. Ичкари зах, қўрқинчли эди, каламушларнинг ҳиди анқирди. Ўртада думалоқ оғир темир қопқоқ турарди, бешта соқчи эса хонани гир айланарди.

- Ечин!

Мўйловнинг овози мудҳиш эди. Роқиб орқасига тисланди:

-Нега?

Мўйлов қутурди:

- Ифлос, кийимингни еч!

Роқиб беихтиёр орқага қадам босиб, кети билан ерга ўтириб қолди.

Соқчилардан бири деди:

- Ҳей, мўйлов, аввал қўл-оёғини еч, овсар, кейин ўзи ечинади.

Мўйлов бу гапни айтган соқчига бўзрайиб қаради-да, белидаги калитларнинг бирини олиб, Роқибнинг кишанларини ечиб бир четга ташлади.

Бола кишан ўя бошлаган билагини силай бошлади.

Мўйлов буйруғини такрорлади:

- Ечин!

Роқиб унга тик қаради:

- Йўқ!

- Ҳўв ит, манаман деган каллакесар ҳам индамай ечинади, сен йўқ дейсанми!

- Нега ечинаман! Ечинмайман! - Роқиб қочмоқчи бўлди. Аммо уни боя мўйловга гапирган соқчи ушлаб олди. Унинг бурни қийшиқ эди. У қандайдир мулойим эди.

- Болакай, қоидаси шу, зиндонга кираётган одам тинтилади, бунинг учун кийимларни ечишинг керак. Ёмон нарса бўлмайди.

- Ёмон нарса зиндоннинг ичида бўлади! - кўзларини ёвузона ўйнатди мўйловли.

Роқиб аста кўйлагини ечди. Уни бурни қийшиқ соқчи тинтиган бўлди ва шерикларига деди:

- Зиндонни очинглар!

Тўрт соқчи бориб, зиндон қопқоғини кўтардилар. Таги кўринмас бир ўра пайдо бўлди. Бир соқчи арқондан ясалган нарвонинг бир учини ташқаридаги қозиққа маҳкамлаб, иккинчи учини ўра ичига ташлади.

- Туш, - деб буюрди мўйловли.

Роқибнинг юраги орқага тортди. Аммо миясида: "Зинҳор қўрқма, сенга ёрдам берадиган Зот бор, У сени унутмайди!" - деган бир нидо айлангандек бўлди. Дарҳол нарвонга оёқ қўйиб, зулматнинг ичига қадам босиб, шаҳдам туша бошлади. У пастлаб бораркан, атроф қоронғулашиб борар, нарвоннинг икки четини базўр топгандек маҳкам чангаллаб олганди. Роқиб қўлларини ҳам бу зулматда кўра олмаётган эди. У янада пастлаб, зиндон тубига яқинлашганини идрок этаркан, зулматдаги нарсаларни кўра бошлади.

Роқиб зиндоннинг қоқ ўртасига тушди. Оёғининг таги сомон эди. Пешоб ва одам ахлатининг ҳиди сезилди. Зиндоннинг туби анча кенг, текис эди. Девор ва ерга оловда пишган ғиштлар терилган. Йигирмага яқин маҳбус янги келганга қараб ўтирарди.

Роқиб уларнинг ҳаммасининг соч-соқоли ўсиб кетганлигини, эгниларида ранг қорайган, кирланган жулдур кийимлар борлигини билди. Бир бурчақда уч-тўрт, бошқа бир бурчақда яна уч-тўрт маҳбус тўпланиб ўтириб нималарнидир муҳокама қилар эдилар. Уларнинг ичида биттаси секин ўрнидан турди. Унинг башараси чўзинчоқ, соқоли учбурчак ўсган, боши эса кал, ўнг кўзи ўйиб олинган эди. Овози ҳирқираб манфур бир оҳангда янграрди:

- Маҳбуслар! Келишув ўша: бу менинг кўнгилхушим бўлади!

Ҳеч ким эътироз этмади, ҳамма бир нарсани кутар эди.

- Шабкўр!

Роқиб ортига қаради. Бир ўзи ўтирган маҳбус ўрнидан турди. - Шабкўр!
- унинг овози кескин янгради. - Бас қил! Бу бола!

Шабкўр ўзига гапираётган маҳбусга қараб илжайди:

- Эй Мусонинг тобеси! Зиндонда бола бўлмайди. Зиндонда ҳамма маҳбус!

У шундай дедию, Роқибнинг елкасига қўлини қўйиб, бош бармоғини унинг бўйнига ботириб, қийнай бошлади:

- Кимсан, маҳбус?

- Қўлингни ол!

Роқиб силтаниб Шабкўрнинг қўлидан чиқди.

- Қойил! Бу ипирисқи жуда жасур чиқди-ку!

Шабкўр Роқибни йиқитишга ҳаракат қилди, Роқиб бутун вужудини титроқ босганини ҳис қилди. Кўзини парда қоплагандек бўлди. Роқиб сакраб Шабкўрнинг бўйнига осилди.

Бу ҳужумни кутмаган Шабкўр мункиб орқага йиқилди. Боланинг ҳужумидан қутурган Шабкўр ётган жойида рақибини белидан ушлаб маҳкам сиқди.

Роқибнинг қовурғалари қисирлади, нафаси қайтди, жон-жаҳди билан Шабкўрнинг бўғзини тишлади. Тишладию, Шабкўрнинг кекирдагини тишлари билан қисқичдай қисди. Маҳбус қўли билан ерни икки марта урдию, ўзини ҳимоя қилишга ҳам мадори етмай типирчилади. Типирчилаш ҳам кўз юмиб очгунча рўй берди. Бу ҳолни кутмаган маҳбусларнинг ҳаммаси ўрнидан туриб кетди. Роқибни ҳимоя қилган қария маҳбус тошдай қотиб қолган болани Шабкўрнинг устидан олиш учун унинг елкасидан ушлади:

- Ҳой бола! Бўлди, тур!

Роқиб жавоб бермагач, уни даст кўтариб тортди. Боланинг оғзи қон, Шабкўрнинг бўғзидан ҳам жилғадек қон оқарди.

Роқиб турдию, ўқчиди, оғзидан бармоқдай келадиган эт отилиб чиқди. Бу Шабкўрнинг у тишлаб узиб олган кекирдаги эди. Қария маҳкум Роқибни етаклаб ўзи ўтирган жойга олиб борди.

Чириган сомонларни тўплаб, қалинроқ ўрин ҳозирлаган экан, Роқибни ўтқазди.

Бўғзи ингичка кўзасидан сув қуйиб, янгини юзини ювди.

Маҳбуслар Шабкўрнинг жасадига бир неча лаҳза қараб туришди-да, деворни тепа бошлашди. Бироз ўтиб, зиндоннинг оғзи очилди:

- Нима?

- Ўлик бор!

Тепадан аввал битта қоп келиб тушди, маҳбуслар Шабкўрнинг мурдасини қопга тиқишди, бу орада арқон ҳам тушди. Арқонга қопни маҳкамлаб бойладилар, қоп аста тепага кўтарилди.

Юзини ювгач, Роқиб сал тетиклашгандек бўлди. Қария сўради:

- Отинг нима, йигит?

- Роқиб.

Қария ўрнидан туриб, маҳбусларга қаради. Ҳамма у нимадир демоқчилигини тушунди.

- Бу йигитнинг оти Роқиб. Шу жуссаси билан Шабкўрни ўлдирди, у энди бедахл! Агар ким унга яна ҳужум қилса, аниқки, менинг қўлимда ўлади!

Ҳеч ким эътироз билдирмади. Зотан, уларга бош бўлиб турган бузуқи Шабкўр ўлди, Мусонинг тобеси чол бўлса-да, унинг жангчи эканлигини ҳамма билади,

янги маҳбус бола кўрингани билан, озғин туюлган билан ҳеч нарсадан қайтмаслигини, одам ҳам ўлдиришини исботлаб улгурди.

Роқиб эса нафасини ростлаб, нима содир бўлганини эслашга тиришарди, қорни эса беҳад оч эди. Қария буни сезгандек деди:

- Роқиб, бироздан кейин кечга емак тарқатишади.

Тўртинчи боб

<https://t.me/AkromMalik>

<https://www.facebook.com/akrom.malik2020>

Қария гапини тугатмасидан зиндон қопқоғи кўтарилди ва тепадан арқонга боғлаб осилган сават тушиб келди. Роқиб ўрнидан туриб, деворга суянди.

Сават ерга тушди. Ичида арпанинг кепегидан ёпилган чақалоқнинг муштидан бироз каттароқ қоп-қора кулчалар бор эди. Маҳбуслар ўз улушларини ола бошлашди. Қария ҳам ўзи ва Роқиб учун икки дона кулча олди. Ўзининг сопол япалоқ косасига кўзасидан сув қуйиб, кулчаларни сувга ташлади.

Маҳбуслардан бири узун, оғзи ингичка ёғоч челакни иккинчи марта тушган арқонга боғлади. Роқиб бу нима, дегандек Қарияга қаради.

- Нажосатимиз, - деди Қария хотиржам. - Ҳар кунни бир марта тепага чиқариб юборамиз.

Сувдаги арпа нони ҳам ивиди. Қария сувни ичди ва ярмини қолдириб, Роқибга узатди:

- Ич, ноннинг таъми бор.

Роқиб сувни ичиб, ҳақиқатан, унда ёқимли таъм борлигини билди.

Ўзига берилган кулчани еб бўлгач, Роқиб ерга ҳолсиз чўзилди. У ўзининг кечаги ҳолига бегона эди. Ёхуд болалик унинг учун мозийга айланди, у, айна маҳал, болалик учун ёт одам эди. Ичига бир баҳайбат одам кириб олди, гўё. Бу одам тўққиз яшарлик жисмга сиғмаётгандек эди.

Кўксини найза тешган отаси, девдай вазоҳат билан қабр кавлаётган онаси, ҳоким Сақиф Ғоба, унинг вазири Тасмин, қоҳин Астинос, эс-ҳуш ёки умуман, ақл ва инсонийликни йўқотган оломон, тушида кўринган ҳассали, қўли оқ, бақувват одам, зиндон ва тишлаб ўзиб олгани кекирдак таъми хаёлида қуюндай айланди. Кўзи юмилдию, дарҳол ухлаб қолди.

Ухладию, яна туш кўра бошлади. У бир матонинг устида ўтириб, бошини ерга қўйди. Бошини ерга қўйдию, ўзини қушдай сизди. Қаршисида англаб

бўлмас бир Қудрат турар эди. Бу Қудрат Роқибга чексиз салимият, қандайдир хотиржамлик ато этди, бироқ бу хотиржамликнинг моҳиятини у кўра олмади. У ўз тепасидаги бу Жалолиятни кўзлари ила кўришни истаса-да, таърифсиз ҳадик бунга йўл қўймади. Негадир, кўнгли тўлдию, йиғлай бошлади...

Роқиб уйғонди. Ўнгида ҳам кўзидан ёш оқарди. Зиндондаги зулмат ўша-ўша эди. Кимдир хириллаб, кимдир пишиллаб ҳуррак отарди. Бир бурчақда бир маҳбус тиззасини қучоқлаб ниманидир ўйлайди.

Қария эса пешонасини ерга қадаган. Роқиб сапчиб кетди: у тушида ана шундай ҳолда эди-ку!

Роқиб бу бир ибодат эканлигини англади. Шунчаки, Қариянинг кимга ибодат қилаётгани сирли эди. Роқиб тушида кимга ибодат қилган бўлса, Қария ҳам ўша Зотга сиғинаётгани шубҳасиз эди.

Буни ҳозироқ сўрашни истади, аммо қандайдир куч, балки жисмидаги чарчоқ кучи уни яна уйқуга тортди.

...Кимдир уни оҳиста туртганини сезиб, Роқиб тезда уйғонди. Зиндон тўйнуғидан Мўйловли бақирарди:

- Янги келган! Ҳей чурвақа! Чиқ! Тез чиқ!

- Сени чақиришяпти, чиқақол, - деди Қария. Ўртада арқон нарвон осилиб турарди. Роқиб тезда нарвон томон юрди. Ичида нимадир шувиллаб ўтди.

Қария унга шивирлади:

- Қўрқма, Роқиб!

Йигит зиндон тўйнуғидан чиқди. Ўша хона, суюги бузуқ соқчилар, бурни қийшиқ соқчи кўринмасди. Мўйловли Роқибни бир қўли билан бўғиб, вишиллади:

- Сен Шабкўрни ўлдирдингми? Шунақа зўрмисан?

Роқиб силтанди. Аммо Мўйловли уни томоғидан чангакдай қисиб, оёғини ердан узиб даст кўтарди:

- Энди итдай ўласан! Итдай ўласан, итвачча!

Роқиб нафаси бўғилиб, типирлаб қолди. Мўйловли уни темир эшик томонга улоқтирди:

- Ташқарига чиқ, хоинвачча!

Роқиб ўқчиб, йўталди. Томоғи қаттиқ оғриди. Кекирдагининг ичидан нимадир шишиб, нафас олишига қўймасди. Оғзини каппа-каппа очиб нафас этаркан, ўша шиш оғрирди. Йигит то ўзига келгунча Мўйловли келиб биқинига тепди:

- Тур!

Биқинидаги оғриқдан Роқибнинг кўзидан ўт чақнаб, қандай учиб оёққа турганини сезмай қолди. Ҳарқалай, оёққа туриб, темир эшикни пайпаслаб, ташқарига чиқишга интилаётганини идрок этди. Ташқаридан кимдир шарақлатиб қулфларни ечди, темир эшик оғир ғижирлаб очилди.

Бу орада Роқибнинг қўли ва оёғини кишанлашди, Мўйловли қиличининг сопи билан йигитнинг елкасидан ниқтади:

- Юр, эшак!

Роқиб оқсоқланиб юра бошлади. Кишан энди унинг тўпиғини шилди. У қаттиқ ачишишда териси кўчаётгани сезди. Аммо у ҳозир тўхтаб, оёғига қарай олмайди, юриши керак, тўхтаса, бошидан қамчи ёғилади. Шунинг учун, оғриққа қарамай тезроқ юришга уринди. Йўлакнинг охиридаги темир эшикдан ичкари кирдилар. Хонанинг остию усти тошдан иборат эди, аммо ўнгдаги эшик яна бу ерда яна бир хона борлигини билдирарди.

Рўпарада ёғочдан ясалган қўпол курси кўзга ташланди.

Мўйловли Роқибнинг тиззасининг орқасидан тепди:

- Тиз чўк, маҳбус!

Роқиб тиззалади. Тиззаси ерга қаттиқ теккани учун азоб берди.

Ёндаги эшик очилиб, ичкаридан яна бир соқчи чиқди. Унинг соғути сиёҳ рангда эди, сочи ҳам орқага таралган, кўзи мисрликларникидек катта, ранги қорамтир эди, қадам босишида чап оёғи калталиги билинди.

У қўлида дастаси фил суюгидан, ўзи от ёлидан тўқилган бурама қамчини буклаб ушлаб олганди. Мўйловлига буюрди:

- Чиқ!

Мўйловли қисқа таъзим қилдию, тезда ташқарига ғойиб бўлди.

Оёғи калта Роқибнинг қаршисига келиб юзига тикилди. Роқиб беихтиёр нигоҳини ерга қаратди. Калтаоёқ қамчининг дастаси билан йигитнинг иягидан кўтарди:

- Кўзимга қара, қотил!

Роқиб унга қарар-қарамас юзига

қамчи тегди. Иккинчи зарба сонига тушди. Тиззалаб туришнинг ҳам имкони қолмади: йигит ғужанак бўлиб йиқилди. Бели, елкаси, курак ва думбасидан тинимсиз қамчи ёғила бошлади. Роқиб тишини тишига босиб, нафасини ютди, қамчининг ҳар зарби қиличнинг тиғидек тегар, танасини қиймалагандек туюларди. Ҳар зарб йигитнинг қувватини сўрди. Роқибда ғужанак бўлишга ҳам мажол қолмади, у ҳушини йўқотди.

Қамчи унинг гўштини титиб чиқарган эди, кийими қон шимиб, энди томчилади.

Калтаоёқ маҳбусга диққат билан қаради, унинг буткул ҳушдан кетганини билгач, ўзи чиққан эшикни қамчи дастаси билан урди. Ичкаридан ёши эллиқдан ошган, паканадан келган, аммо бақувват, кучли эканлиги япалоқ юзидан сезилиб турган бир одам чиқди. У Ваҳшийлар зиндонининг хўжайини эди.

- Хўжайин, қотил беҳуш, - Калтаоёқ бошини эгиб Хўжайинга хабар берди.

Хўжайин Роқибни тегиб, чалқанча ағдариб юзига қаради.

Узун сочлар маҳбуснинг юзини тўсганди.

- Ичкарига кирит.

Калтаоёқ Роқибни судраб Хўжайиннинг хонасига олиб кирди. Сўнг амр кутиб мўлтиради:

- Сен чиқ. Чақирсам, кир.

- Бош устига, Хўжайин.

Калтаоёқ чиқди. Хўжайиннинг хонаси кенг, аммо беҳашам эди. Деворга тақаб ўтириш учун тош курсилар терилган, ердан икки қарич юқорида эса Хўжайин учун ўрин бор. Деворга ойболта, бир неча тур қилич, ёй ва найзалар осилган. Киришнинг чап томонида девор ўйиб токча ясалганди, токчада пиширилган гўшт, яна бир қанча таомлар, мевалар кўзга ташланади. Хўжайин токчадаги сопол кўзани олиб, Роқибнинг бошига келди. Маҳбуснинг юзига кўзадан бироз сув тўкди. Сўнг жилдиратиб сув қуя бошлади.

Роқиб оғзи, бурнига сув киргач, ҳушига келди. Сув муздай эди, танасига бироз енгиллик берди.

Йигит шошиб турмоқчи эди, оғриқдан ғайриихтиёрий ингради. Думбаси кесилиб, бир парчаси осилиб қолгандай эди. Аъзойи бадани ғижимланган каби қақшарди.

Қаршисидаги одам ҳамдард каби қараб турса-да, бу турқда зулмнинг совуқ нафаси уфурарди. Ўликнинг кўзидек йилтираётган кўз, ялпайган бурун, дўрдайган лаб, кенг елка, пакана бўй бир қарашда манфур, бир қарашда мудҳиш эди.

- Тура оласанми, Роқиб?

Қизиқ, овоз фавқулодда ғамхўр янгради.

Роқиб қийналиб оёққа қалқди. Аммо боши айланди. Ўқчиди. Томоғидан қон таъми келди.

- Истасанг, ўтириб ол, истасанг, туравер. Аммо сен билан гаплашадиган гапимиз кўп.

Роқиб кишанни шилдиратиб тош курсилардан бирига етиб бориб, аста ўтирди. Қиймаланган орқа билан ўтириш азобли бўлса-да, йигитга тик туришдан кўра шу ҳузурли эди.

- Нега сени қамашди, Роқиб?

Йигит савол берувчига қаради. Синчиклаб қаради. У қаршисидаги одам унинг зиндонга ташланиш сабабини билмаслиги мумкин эмаслигини аниқ англади. Бу савол, шубҳасиз, бир мазаҳ ёхуд таҳқирдан, ёхуд бир кизбдан белги эди.

- Билмадим, - деди Роқиб ҳорғин.

Хўжайин токчага бориб, ханжарини қиндан суғурди, пиширилган гўштдан бир парча кесиб, ханжарнинг учига қадаб, Роқиб қаради:

- Ейсанми?

Роқиб Хўжайиннинг муддаосини била олмаётганди. Бу таклиф, суҳбатнинг бу услубидан қандайдир хатар шабадасини ҳис этди:

- Йўқ.

Хўжайин гўшт бўлагини оғзига солиб, чайнай бошлади:

- Майли. Зиндон зиндон-ку, зўр ошпазим бор. Фақат менга овқат пиширади. Сен эса рад этдинг, - Хўжайин токчадаги бошқа неъматлардан шошмай, навбати билан тотиниб, гапда давом этди.

- Роқиб, агар менинг саволларимга тўлиқ, тўғри жавоб берсанг, бу зиндон сенга яхши маконга айланади. Она сути оғзидан кетмаган, десам, Шабкўрни бўғизлаб қўйибсан. Майли, бу бошқа масала. Айтганча, яраларинг оғримаяптими?

Роқиб индамади.

- Соқчиларим ҳам ваҳший. Маҳбусларим ҳам ваҳший. Сени ёмон уришибди. Табибимни чақирайми? Жароҳатларингга қараб қўяди.

- Керак эмас, - деди Роқиб.

- Адашасан, керак, - деди Хўжайин қатъий. - Ярани ўз ҳолида қолдирсанг, йиринглайди, қуртлайди, чирийди. Тирик одам қуртлаб, чириб кетса, бу жуда ёқимсиз-да. Сен эса, табиб керакмас, дейсан. Овқат емайман, дейсан. Менга қара, аёл билан бўлганмисан? Йўқ?! Ҳамма саволимга йўқ, дейсан. Бирор нарса борми, ахир? Ха-ха-ха. Энг ашаддий каллакесаримнинг қотили турмуғи турмаган бола бўлса-я! Ажаб дунё! Роқиб, менга қара, икки йил, узоғи икки йилда аёл хоҳлаб қоласан. Мен сенга жононларни топиб бераман. Ишонасанми? Зиндонда яшаб, кўчадаги зодагондан кўпроқ имкониятларинг бўлади. Сенда келажак бор. Нега индамайсан? Тилингни ютганмисан?

- Менга ҳеч нарса керак эмас...

- Гапларимни ўйлаб кўр! Жуда шошқалоқ экансан!

- Мен ростан ҳам, нега қамалганимни билмайман...

- Билишинг шарт эмас.

- Отамни ўлдиришди...

- Хўш?

- Онамни қамашди...

- Нега?

- Билмайман...

- Билмайсанми? - Хўжайин Роқибнинг

пешонасига келди. - Билишинг шарт эмас! Яна айтаман: билишинг шарт эмас! - қўққисдан ниманидир эслагандек Хўжайин бошқа савол. - Ёки онанг сенга у-бу нарса дедими? Масалан, Мусо ёки Ҳорун ҳақида?

Роқиб Хўжайинга талмовсираб қаради:

- Ким Мусо? Ҳорун-чи?

Хўжайин Роқибнинг алдамаётганини билиш учунмикин, унинг юзига қаттиқ тикилди. Сўнг хотиржам бўлгандек деди:

- Ҳа, яхши. Онанг ҳеч нарса айтмадимми, демак, билишинг шарт тугул, нега зиндонга тушганингни билишинг мумкин эмас. Бу таъқиқланган! Сен зиндондаги ҳаётни ўйла, бола! Умрбод зиндонда сенга жаннат яратиб бераман, бунинг учун сендан бир нарсанигина сўрайман. Агар айтганимга рози бўлсанг, Шабкўрни ўлдирганингни ҳам кечираман.

- Шабкўрнинг ўзи менга ташланди.

- Бу менга қизиқ эмас. У ўлган! Сен ўлдиргансан! Сенга ташланган бўлса, менга айтишинг керак эди. Мен орани ажрим қилардим. Сен муаммони ўзим ҳал қиламан деб, қамоқ қоидасини бузгансан!

Роқиб ланж бўла бошлади. Хўжайиннинг эзмалиги кўнглини айнитди.

- Ва, - Хўжайин эзувчи оҳангда яна давом этди. - Ва Шабкўрни ўлдирдинг!

Бунинг учун сени осийш керак.

Роқиб жим ўтираверди.

- Аммо сен менга бўйсунсанг, айтганимни қилсанг, зиндон сен учун жазо эмас, мукофотга айланиши мумкин.

Роқиб, ва ниҳоят, Хўжайин кутган саволни берди:

- Нима қилишим керак?

- Қойил! Бунинг эртарақ сўрашинг керак. Сени бир чол кутиб олди. Ҳимоя қиляпти. Ўшага яқинроқ бўл. Нима деса, менга айтганини етказиб тур. Бўлди. Ишинг беш! Келишдикми?

Роқиб айтажак жавоби ҳамсўхбатига мутлақо ёқмаслигини билиб, деди:

- Йўқ. Мен бу ишни қилмайман.

Хўжайин тарсаки еган одамдай бақрайиб қолди. Тишлари ғижирлади.

- Сен ит яхшиликни билмас экансан. Бу ерни Ваҳшийлар зиндони дейишади. Итвачча!

Хўжайин қутуриб кетди, у ёш болага шунча овора бўлгани ва бу қадар безбетлик ила йўқ деган жавоб берилиши унда чексиз таҳқирланиш ҳиссини уйғотди.

Югуриб келиб, Роқибнинг кўкрагига тепди. Маҳбус "ҳиқ" дедию, олдига мункиб, беҳуш йиқилди.

Хўжайин уни ўлдиришни истарди, бироқ ўз соқчилари олдида кучини бир ўсмирга кўрсатди, деган гапга қолишни истамасди, шунинг учун куч билан ғазабини босди, бориб эшикни очди. Нариги хонада калтаоёқ ростланди:

- Буюринг, Хўжайин!

- Анави итни олиб чиқ! Қаттиқ урибсан, яна ҳушидан кетди.

...Зиндоннинг қопқоғи очилди. Маҳбуслар тепага қарашди. Туйнукдан арқон билан боғланган қоп туша бошлади. Қария ниманидир сезгандек, қопнинг ерга тушишини кутиб турди. Қоп ерга тушиши билан ичини очди: Роқиб юзи моматалоқ, кийимлари қон бўлиб, икки букилиб ётарди.

- Роқиб! Роқиб! - Қария йигитни авайлаб қопдан чиқара бошлади. Туйнукдан эса соқчилардан бири бақирди:

- Қопни тезроқ бўшат! Тепага чиқариб юбор!

Қария Роқибни эҳтиётлаб сомонни қалинлаштирган ўринга ётқизди. Яна уч-тўрт маҳбус ёрдамлашгани етиб келди.

Қария Роқибнинг кийимини ечиш имкони йўқлиги учун секин йиртиб олди. Роқибнинг кўкрагида этик изи бор эди. Қовурғалари кўкимтир тусга кирган.

Йигитни ёнбошлатишди: орқаси тарам-тарам қон. Қария Роқибнинг иштонини сал туширди: думбаси тилиб ташлангандек эди, қон сизаётган эди.

- Яшамайди, - деди маҳбуслардан бири. У қуруқ ёғочдек озғин эди. Иягида уч-тўртта туки узун эди. - Болани адо қилишибди.

Қария унга шаҳд билан бурилди:

- Умрни бергувчи Аллоҳ! Аллоҳ хоҳласа, яшайди!

Бу гапни эшитган маҳбуслар чўчиб кетишди:

- Ҳой чол, яна Аллоҳ дейсанми! Бу зиндонда бу сўзни айтиш мумкин эмас!

Қария ишингни қил дегандек ўгирилдию, Роқибнинг жароҳатларини авайлаб юва бошлади. Юваркан, пичирларди:

"Оламларнинг Роббиси бўлган ягона Аллоҳ! Сен Иброҳим, Ёқуб, Юсуф, Мусо ва Ҳорун пайғамбарларнинг Илоҳисан! Сенга иймон келтирдим! Сен юборган Тавротга иймон келтирдим ва эргашдим. Банданг Роқибга шифо бер!"

Бешинчи боб

...Сақиф Ғоба бу гапни айнан коҳин Астиносдан кутмаган эди.

- Коҳин ҳазратлари, сиз уч юз олтмишта илоҳимизни рад этмоқчимисиз?

Бу илоҳларни топиш, уларни номлаш, одамлар эътиқодини қозониш учун сизнинг аجدодларингиз қанча азият чекдилар! - ҳоким бўғриқиб кетди.

Астинос қўлида бир хилда кесилган тахта саҳифаларни кўтариб фикрини тушунтиришга ошиқди:

- Ҳоким жаноблари, Мусо ўз илоҳидан келтирган китоб жуда мукамал, деяпман, холос. Бу китобда бутун коинотни якка бир илоҳ яратганлиги исботланган. Ўша илоҳга ибодат қилишга мажбурлигимиз айтилган...

- Мажбурмиз?! Ҳйлаб гапиряпсизми, коҳин! - ғазаб билан ҳайқирди ҳоқим. - Сиз мажбурдирсиз, мен мажбур эмасман! Мен ўз илоҳларимдан воз кечмайман. Уларга ота-боболарим сиғиниб келдилар. Бу илоҳлар ёрдамида салтанатга эришдим. Қудратга келдим. Энди шунча ҳоқимиятни Мусонинг китобига ишониб, якка илоҳ топширайми?

- Зинҳор, ҳоқим жаноблари, зинҳор! - Коҳин шошиб қолди. - Фикримни англатормадим, чоғи. Мусо одамларга ўқитган бу китоб жуда хавфли. Подшоҳимиз Жолут уни таъқиқлаб тўғри қилганлар. Акс ҳолда, бу китоб бизни йўлдан оздиради.

- Шундай. Шунинг учун, улуғ подшоҳимиз бу масалада бир қанча режа тузган. Яқинда Мусонинг ҳамма издошларини тиғдан ўтказамиз - Бобил ҳукмдори Намруд, фиръавн Рамзес бошлаган, аммо охирига етказмаган бир ишни подшоҳимиз Жолут тугаллайди.

- Худоларимиз қўлласин!

Сақиф Ғоба ўз гапидан ўзи завқланиб ўрнидан туриб, қасрининг энг муҳташам хонаси бўйлаб жўшиб юра бошлади:

- Мусонинг издошлари ўлгач, подшоҳимиз Жолутнинг худо эканлиги тасдиқланади. У киши уч юз олтмиш биринчи, яъни раҳбар худо бўлиш арафасида турибди.

- Шундай! Шундай!

- Подшоҳимиз Мусонинг барча издошларини қама, унинг Шамиул деган ўринбосарининг бошини узган куним ҳаммасини битта майдонда ёқаман, деди.

Коҳин тинимсиз Сақиф Ғобанинг гапини маъқулласа-да, унинг ичидаги тийиб бўлмас хавотир юзида ҳам кўринарди.

- Ҳазрат, бу узун режа. Мусонинг изидан юрганларни буткул йўқ қилиш билан қирқ йилдан буён машғулмиз. Бироқ айтарли натижа кўрмадик. Биз

уларнинг сонини ҳар йили ҳисоблаймиз. Қатл этамиз, қамаймиз, бироқ уларнинг адади қамаймайди. Қатағон ва қатл мақсадга эришмоғимизда етарли бўлмаяпти.

- Рамзес иккинчининг даврида Яҳудо қавмининг ўғиллари сўйларди, қизлари қолдириларди, ҳоким жаноблари, - деди коҳин. - Мусо уларни осмондан ваҳий олиб келяпман, деб ишонтирди. Ёқуб болалари унга эргашди. Бу улар устида зулмни кўпайтирди, холос. Мусо бу қавмни акаси Ҳорун билан қирқ йиллаб тарбиялади. Қулликда ҳимматни унутган, пасткашлик, осийлик ва кизбни одат этган бу қавмнинг ўнгланишига ишонмаганлар кўп эди. Бироқ ишнинг охирида улар ҳаммадан афзал бўлди.

- Бу билан нима демоқчисиз, ҳазрат? - ҳокимнинг энсаси қотди.

- Демокчиманки, бу қавм билан курашмоқда эҳтиёт лозим. Йиллаб бир марра учун курашамиз. Аммо йўлнинг охирида биз ютқазамиз. Улардан олиб қўйганларимиз ортиғи ила уларда қолганини кўрамиз.

Ҳоким асабийлашиб, ўрнидан турди. Шу қадар асабийлашдики, бармоқлари титради.

- Шунча курашларинг бекор, барибир мағлуб бўласан, деяпсизми?

- Тоғлар худоси билан қасам, зинҳор! Мени янглиш тушундингиз, жаноб ҳоким! - шошиб овозини кўтариб юборди Коҳин. - Жамики худолар уларни ер билан яксон қилсин! Уларнинг якка худо бизнинг уч юз олтмиш худомизга бас кела олармиди?

Бу гап Сақиф Ғобага анча маъқул келди.

- Бу гапингиз тўғри, ҳазрат, - деди ҳовуридан тушиб. - Сиз Яҳудо болаларини фақат мақтадингиз. Уларнинг қалбида бизнинг йўлга муҳаббат борлигини ҳам унутманг!

- Унутиб бўларканми! - деди Коҳин.

- Мусо бу аҳмоқларни фиръавндан қандай қутқаргани ёдингиздами?
Денгизнинг ичидан олиб ўтди, дейишади. Бироқ Мусо ўз

худоси билан гаплашгани тоққа кетди. Ўттиз кунда келаман, деб, қирқ кун қолиб кетди. Шунда булар нима иш қилди? Ҳатто, Мусонинг акаси ҳам бирор нарсани эпллмади!

- Уларнинг қилган бу иши - бизнинг ғалабамиздан дарак! - деди ишонч билан Коҳин.

- Айнан тўғри! Бузоқнинг ҳайкалини ясаб, унга ибодат қилишди! Қандай ҳам яхши иш бўлди бу! Осмондаги якка худосини қўйиб, бузоққа топинган бу қавм, албатта, бизнинг мулк бўлади! Ва бўлди ҳам!

- У ҳолда, хавотирга ўрин йўқ, ҳоким жаноблари! - уни қувватлади Коҳин.

- Бу борада подшоҳимиз Жолут менга сўянади. Режанинг бир қисми шуки, Мусо издошларининг ичидан яна бузоқпарастларни топишимиз керак. Улар ўз худосининг ёнига бир шерикни қўйсалар, бас, кучлари қирқилади!

- Шубҳасиз, салтанатни икки подшоҳ бошқарса, халқ пароканда ва хор бўлгани каби, - деди Коҳин.

- Ҳа. Бу ишни сиз қиласиз, ҳазрат. Худолар билан бамаслаҳат бир иш қиласиз.

- Бажонудил! Ишимнинг тартиби

қандай? - қизиқди Коҳин.

- Нима учун Мусо келтирган китобни ўқидингиз, биласизми?

- Шубҳасиз, биламан. Душманнинг заиф ерини шу китобдан топиш учун ўқидим.

- Топдингизми?

- Китоб мукаммал. Ундан бир хато топмадим. Ҳолбуки, мен Навоҳодунасар миххатларини, Ҳаммурапи қонунларини, фиръавнларнинг

йилномаларини ўқиганман. Ҳар қандай китобдаги ёлғонни, заифликни унинг ёзилиш услубидан биламан. Мусонинг Китобида эса бир ёлғон тополмадим...

- Жуда тез енгиласиз, бу ёмон, - ҳоким яна бироз қизишди. - Унда китобни ёлғон билан бойитинг!

- Яъни... - Коҳин ҳокимнинг асл мақсадини тушунмай қолди.

- Тавротнинг баъзи оятларини олиб ташлаб, ўрнига ўзингиз ёзинг! Ёза олмасангиз, қадим миххатлардан кўчиринг, хуллас, Тавротни ўзимизга мосланг!

Астинос бу талабни, ҳатто, тушида ҳам тасаввур қилмас эди. Энди чиндан қўрқиб кетди. Тавротнинг ортидаги Буюк Жалолиятни у ҳис қила бошлаган эди. Ҳар қандай ишни гуноҳ эмас, деб ҳисобла

са ҳам, Тавротни ўзгартиришни тўғри иш, дея олмасди. У Тавротни Мусога берган худо уни ўзгартирган одамни аёвсиз жазолашига ишониб бўлганди. Шунинг учун, нафасини ютиб, жим туриб қолди.

- Нега жимсиз? Ё бўйин товлайсизми? - ҳоким таҳдидли савол берди.

- Бўйин товламайман, ҳоким жаноблари! - деб юборди Коҳин ранги бўзариб. - Аммо Тавротни ўқиган одам мен ёзган оят ва асл оятни тезда фарқлаб олади... Чунки бу Китобнинг услубида ёзиш инсоннинг қўлидан келмайди...

Сақиф Ғобанинг тахтига бир шоҳона қилич суюб қўйилганди. Ҳоким Коҳиннинг бу жавобидан қониқмади, аммо боягидек қизишмади, бориб қилични олди, қинидан чиқарди. Ўйнатди. Ва Коҳинга савол берди:

- Сизнинг ишингиз нимадан иборат, ҳазрат?

- Халқнинг додини худоларга етказиш...

- Бизнинг додимиз-чи? Ҳокимлар, ҳукмдорларнинг доди қаерда қолади? Шу аҳмоқ халқни боқиш учун, душманлардан қўриқлаш учун қон тўкяпмиз, қон ютяпмиз, тўғримиз?

- Минг марта тўғри.
- Ибодатхонангизга ўлжаларнинг сарасини беряпмиз, тўғрими?
- Тўппа-тўғри!
- Ибодатхона ертўлаларини олтинга тўлдириб олдингиз, тўғрими?
- Ҳа...
- Ўзига ўзи алжирайдиган, баданига эчкининг қонини суриб, сасиб юрадиган художўйларингизни кимнинг ҳисобидан боқяпсиз?
- Ҳокимият ҳисобидан...
- Ҳокимият? Қандай ҳокимият? Мен ҳокимиятман! Менинг ҳисобимдан бадбўй ва тентак художўйларингизни боқяпсиз!
- Биламан...
- Ибодатхонангизни тўлдириб турган тош санамларингиз сиз учун уруш қилса, бўлмайдими? Ўшалар сизларга овқат берсин! Ҳозир бошингизни чопсам, анави энг баланд ҳайкалингиз, оти нима эди? Ўша келиб сизни ҳимоя қилсин!
- У тош ҳайкал...
- Худо эмасми ўша тош ҳайкал?
- Худо, албатта...
- Нега унда қўлидан бир иш келмайди?
- Тош ҳайкаллар худоларнинг сиймоси... Худолар бошқа жойда яшайдилар...
- Худолар ўз сиймосини ҳамма бандаларига кўрсатаверса, қадри ҳам йўқ экан-да!
- Ундай деманг, ҳоким жаноблари... Шак келтияпсиз... - Коҳиннинг овози шу нуқтада йиғламсираш аралаш титраб чиқди.

- Шак келтирмаяпман, ҳазрат, - деди безрайиб ҳоким. - Ўша худоларингиз худо бўлса, биз ҳам худо бўлишимиз керак. Айниқса, подшоҳимиз Жолут худоликка ҳақли! Чунки у сизларни ҳам, худоларингизни ҳам боқяпти, қўриқлаяпти!

- Албатта, албатта.

- Мен ҳам Жолутдан кейинги кичик худоман. Шунинг учун, амримизни бажаринг: Тавротни ўзгартиринг, ҳазрат! Ҳар бир оятидаги бирор сўзни ўзгартиринг!

Коҳин ранги оқарган кўйи орқага тисланди:

- Айтганингиздек бўлади, ҳоким жаноблари...

Коҳин саройни паришонҳол тарк этди. Сақиф Ғоба ўз ишидан жуда ҳузурланди. Коҳинни қай тариқа ер билан яксон қилганини эслаб, илжайди.

"Мана шу қудрат, дейилади!"

Ўзидан ўзи қониқди. Кимдир қулоғи тагида шивирлаб, уни янада тўлқинлантирди:

"Сен чинакам худосан! Ҳатто, коҳинни лол қилдинг!"

Сақиф Ғоба бу гапни маъқуллаб бош силкиди.

У бу овозни ўз хожаси Муассарни Жолутга тутиб берганидан буён аниқ эшитиб келмоқда. Даставвал, бу овозни бир хаёл деб ўйлаган Ғоба кейинчалик овозни ҳақиқатан эшитаётганини идрок этди. Овоз эгасини кўришга қанчалик уринмасин, буни уддалай олмади. Бир куни овоз эгасидан исмини сўради. Бир неча марта сўрайвергач, овоз: "Қувиллиб, ўз ҳаққини талаб қилаётган бир буюкман", - деб жавоб берди.

Ғоба ҳайрон бўлиб, "Унда сенинг исминг Қувилганми?" - деди.

"Ҳозирча Қувилган", - дедию, овоз бу масалада бошқа гапирмади.

Ғоба ҳам у билан ортиқ қизиқмади. Энг муҳими, Қувилган уни кўп мақтарди, айниқса, Мусо ва унинг издошларига қарши курашишга чорларди.

Айнан у Ашианинг қочганини айтди, Ашиа ва унинг боласига жазо беришни сўради.

"Зиндонда болани, чўчқахонада аёлни зўрлашни буюр!" - деб ўргатди. Ғоба Қувилганнинг айтганини қилди.

Тавротни ўзгартириш ҳам Қувилганниг ғояси эди. Ғоба Қувилганнинг ҳар маслаҳати уни кучга тўлдираётганига ишонарди.

Ҳозир ҳам Қувилган Ғобани тўхтовсиз олқишлаб, уни қанотсиз учираётганди. Ғоба ўзи эшитаётган бу овоз ташқариданми, ё миясининг ичиданми, қаердан келаётганини идрок этолмасди. Бу уни кўп қизиқтирмасди ҳам.

Қувилган Ғобани не қадар мақтаса, шу қадар қўрқитарди. Бу қўрқув охири кўринмайдиган зулматдан иборат бўларди. Қувилган Ғобанинг миясида: "Агар айтмаганимни бажармасанг, ана шу тубсизликка чўкасан!" - дерди.

Ғоба бу тубсизликдан қочарди, шунинг учун саройни ҳашаматга тўлдирди, деворларга ўз куч-қудратини акс эттирувчи суратлар чиздирди, шоирларга ўзи ҳақида мадҳия дostonлар ёздирди, саройда жуда катта базмлар уюштирарди, ранго-ранг кийимлар киярди, раққосаларни кўпайтирарди, бу нарсалар қуршовида гўё ўзини фалакларда учгандай сезарди, бу нарсаларни йўқотса, ҳалок бўладигандек даҳшатга тушарди. Ўша даҳшатдан қутулиш учун ўзини яна шовқин ичига урарди. Аслида, бу нарсаларнинг ҳаммаси Қувилганнинг йўриғи эди.

Тасмин кирди.

- Ҳоким жаноблари, зиндонбоши киришга изн сўраяпти.

- Чақир!

Ғоба боланинг тақдирига қизиқаётганди. Зиндонбоши кирди.

- Гапир. Буйруғимни бажардингми? - деди Ғоба.

- Маъзур кўргайсиз, - зиндонбоши тиз чўкди. "Ер ўпишни ҳам жорий қилишим керак", - деб ўйлади Ғоба. Уни тиз чўкиш қониқтирмасди. Бироқ ер ўпиш Жолутнинг ҳузуридаги махсус таъзим, бошқалар буни талаб қила олмайди.

- Нима бўлди?

- Бола чайир экан. Ёллаган одамимни ўлдириб қўйди.

"Аҳмоқ! Бир ишни эплломайди булар, - ичида энсаси қотди Ғобанинг. - Болани шу ҳолда қолдирсаммикин? Нимасидан хавфсирайман? Шу қадар эзганим ҳозирча кифоя. Ундан яна бошқа мақсадларда фойдалансам бўлар, балки... Қолаверса, эрта тонгда подшоҳ ҳузурига отланишим керак".

- Ақлларинг йўқ, - Ғоба қошини чимирди. - Болани ўз ҳолига қўй. Зиндонда у ким билан яқин бўляпти?

- Мусонинг жангчиларидан бўлган чол уни ҳимоя қиляпти.

Бу хабар Ғобага ёқмади.

- Қайси чол?

- Байтил Мақдис жангида Мусо лашкарида қатнашган. Ўшанда бу чол олти ёш бўлган. Подшоҳимиз Жолут амри билан Мусонинг жангчилари асир олинганда, қатл этилганда, тузоққа туширилган. Йигирма беш йилки, зиндонда.

Сақиф Ғоба ўйга чўмди. Қувилганнинг овози миясининг ичида жаранглаб кетди: "Иккаловини шу ҳолда қолдир. Қатл осон иш. Уларни хорламоқ керак. Таҳқирлаш шарт. Иродаси синсин. Зор йиғласин. Мусога эргашганларидан надомат чексинлар! Токи, бошқалар ҳам Мусога тобе бўлишнинг оқибатини кўрсин! Ҳозир чолга ҳам, болага нафас ростлаш имконини бер! Улар ўзларини эркин сезишлари билан бошларига мусибат ёғдирасан!"

Ғоба илжайиб қўйди. Зиндонбошининг кўзлари ерда эди, у шунинг учун бу илжайишни кўрмади. Кўрганда эди, ўз хожасининг нигоҳида ваҳшатдан у ҳам чўчиб кетарди. Тасмин эса Ғобанинг доимий ҳамроҳи. Унинг билгани шуки, хожасидан нега илжайди, нега қайғуда - сўрамаслик керак. Чунки Ғобанинг бир олами бор. У олам жуда қоронғу, унда ҳеч нарса кўринмайди.

- Зиндонбоши, жўна! У иккиси ҳақида ҳукмимни кут.

Зиндонбоши уч марта юкиниб, орқаси билан юриб чиқиб кетди.

- Тасмин, аёлнинг тақдири нима бўлди? - сўради ҳоқим.

- У эсдан оғибди, жанобим. Чўчқалар ичига кириб кетди. Чўчқаларни боқяпти, улар билан гаплашяпти. Йиғлайди. Бутун устидан чўчқа ахлати ва пешобини тўкяпти.Баъзида чўчқаларнинг балчиғи ичида юряпти. Унга яқинлашиб бўлмаяпти. Жуда ҳам сасиб кетди, - деди Тасмин.

Ғоба мамнун бўлди.

- Айла қишлоғида яшаган Яҳудо болаларидан бир гуруҳини маймунга айланиб кетган, дейишади. Буларда ҳайвонга айланиш одати бор экан-да. Уни ҳам қўй. Тайёргарлик тугадими?

- Тугади, жанобим. Беш минг кишилиқ лашкар подшоҳимиз Жолут ҳузурига сизнинг ортингиздан боришга шай!

Олтинчи боб

Чўчқахонага чўчқабоқар ўлароқ юбориларкан, Ашианинг қалбида жаннатга кетаётгандек бир туйғу бор эди. У Роббисидан душманлар ҳужумидан сақланмоқ учун мустаҳкам бир қўрғон сўраётган эди. Ларзага тушган қалби чақмоқ уриб парчалаган тошдек парчаланди. Бу тош қаъридан гўё ҳаёт суви отилди. Қафасда кетаркан, кўзидан ёш дувилларди. Тиззасини кўксига босиб ўтираркан, кирланган, лойланган сочлари унинг юзини, вужудини бир парда каби ёпди. Унга боққанлар бир алвастини кўргандек сескандилар. Ҳолбуки, бу вужуд ичидаги руҳ Роббисига тавба қилар эди.

Ашиа чўчқахона унинг учун бир иффат қалъаси бўлишига амин эди. Зоҳирини жирканчлик ила қоплаб, бу жирканчлик ичида номусини, иймонини сақламоқни қасд этди.

Ашиа буткул оламдан узилди. У мансуби бўлган ҳақиқат оламини туйқус идрок этаётганди. Ўтмиши бу мусибат шамолида ғубордек кўтарилиб, онгини қамради. Кўз ўнгида бутун ҳаёти тирилди.

Бобоси Муассар ҳоким эди. Отаси Аслам ҳокимга бир ворис эди. Улар Мусонинг тобелари эдилар. Уйларида Таврот ўқиларди. Муассарнинг маслаҳатчиси Устоз уларга Тавротдан таълим берарди.

- Оламларни яратган Зот ёлғиз Аллоҳдир! Фақат У ибодатга лойиқдир! Мусо унинг бандаси ва пайғамбаридир! - бу сўзларни Устоз ҳар куни ҳар суҳбатнинг аввалида такрорларди. - Аллоҳдан қўрқинг! Биз охири замон пайғамбари, Аллоҳнинг сўнги элчиси, барча набийларнинг султони Аҳмадга

иймон келтирамиз. У инсоният халоскоридир. У Ер юзида энг буюк адолатни ўрнатади! Билинг, Таврот бизга шуни таълим берди!

Ашиа ёш қизалоқ эди. Шаҳар зодагонларининг болалари билан Устознинг бу дарсларини ёд олишарди.

Ашиалар туғилганда ҳаёт мунаввар эди. Улар бу калималар маъносини билмасдилар. Улар бу калималарга ҳали эҳтиёж сезмасдилар, зотан, ҳаётни танимаган гўдак сўзларнинг қудратини қайдан билсин! Улар, ҳозирча, ота-она, нону сув сўзининг кучини яхши билишарди, холос.

Ашиа улғайиш ёшларида, ўсмирлик йилларида, кўзгуга қараб, ҳусни ила фахрлана бошлаган вақтларида ўз шаҳрида содир бўлаётган кўп ўзгаришларни идрок этганини яхши эслайди.

Устоз одамларни кўчаларда, уларнинг саройи олдида, майдонда тўплаб, баланд овозда гапирарди.

- Эй одамлар! Ўтмишингизни унутманг! - дер эди у кўпинча. Ашиа дугоналари билан ҳокимнинг эрка невараси ўлароқ бозорга, карвонсаройларга ўзига зеб-зийнат олгани кетаётганда Устознинг куйиб-пишаётганини кўриб, бу ваъзларни қизиқиш ила тингларди. Очиғи, ваъзлар жуда ёқимли эдию, қизалоқ уни эртак эшитгандек эшитарди. Устознинг гаплари уни қанчалик мутаассир этмасин, бирор қонундек қабул қилмасди. Бу фақат Ашиага эмас, ҳамма одамларга хос эди. Улар Устозни зерикканда тинглашарди. Устознинг гапидан жуда таъсирланишса, "Ҳақни айтди! Нутқи гўзал! Илми теран!" - деб мақташардию, ўз ишларидан қолмасдилар. Гўё Устоз уларни завқлантириш учун сўйлаётгандек, ҳолбуки, ундай эмасди. Устоз ёниб гапираркан, ўз нутқини тугатиб, йўл четида йиғлаб ўтирарди. Кўпчилик, айниқса, зодагонлар унга садақа қилишни хуш кўришарди. Устознинг пойини бойлик билан тўлдиришарди. У эса бадтар ҳўнграрди, кейин тинчланиб, фақат ҳиқилларди. Сўнг яна ўрнидан туриб ҳайқирарди:

- Эй одамлар! Ўтмишингизни унутманг! Ўтмишни унутмоқдасиз! Хорлик сари кетяпсиз! Эй одамлар! Аллоҳдан қўрқинг! Сизлар Одам ва Ҳавводан тарқалдингиз. Иброҳимнинг икки ўғли бор эди. Бир Исмоил, бири Исҳоқ. Сиз Исҳоқнинг зурриёдисиз. Ёқуб Исҳоқнинг насли эди. Ёқубни Исроил дердилар. Исроилнинг ўн икки ўғли сизларнинг оталарингиздир! Эй одамлар! Ёқуб ўлди. Сизларга Юсуф, сўнг Яҳудо бош бўлди. Ўтмишни унутманг! Қибтийлардан фиръавн Рамзес бошингизга не кунларни солди! Эрларни қул, хотинларни чўри қилди. Ўғил чақалоқларимизни сўйди, қизларни тирик сақлади! Эй одамлар! Ўтмишни унутманг! Мусо туғилди! У Аллоҳнинг пайғамбари эди. У фиръавни хонадонида улғайди. Вақт етиб, акаси Ҳорун ила фиръавнни ҳидоятга чақирди. Фиръавн кофир бўлди. Мусони қувди. Мусо Яҳудо болалари ила қочди. Яҳудо болалари! Боболарингизнинг жиноятлари ёдингиздами? Ҳайҳот! Тавротда Аллоҳ буюрдикки, якка Аллоҳга ибодат этинг! Ота-онанга яхшилик қил! Қариндошга, етимга, мискинларга яхшилик қил! Одамларга гўзал сўзла! Намозни қойим қил! Закот бер! Бир-бирингизни ўлдирманг, ўзаро қасдлашманг! Бирингиз иккинчингизни ўз юртидан қувиб чиқармасин! Минг надоматлар бўлсин! Эй одамлар, шўрингиз қурияпти! Сиз бугун нима иш қиляпсиз! Аллоҳга ибодат қилмаяпсиз, унга шерик топяпсиз. Ота-онани қаровсиз ташладингиз. Қариндошлар ила алоқани уздингиз. Етимларга зулм этяпсиз. Мискинларни унутдингиз. Одамларни ҳақоратлайсиз. Намоз ўқимайсиз. Закот бермайсиз. Бирингиз бошқангизни бойлик талашиб ўлдирасиз, бирингиз иккинчингизни ўлкангиздан, Ватандан қувиб чиқарасиз, уларга азоб бериш учун бошқангиз унинг сирларини сотасиз, бошқангиз уни азоблайсиз, душманга асир тушса, товон тўлаб қутқарасиз, буни меҳр деб, бутун оламга кўз-кўзлаб мақтанасиз! Аслида, уларни қувиб солган ўзингиз эдингиз. Азоблаган ўзингиз эдингиз. Бу ишингиз қандай беҳаёлик бўлди! Тавротни Аллоҳнинг каломи дейсиз, аммо ярмига амал

қиласиз, ярмини эса менсимайсиз. Сиз Аллоҳнинг сўзини ўйин қиляпсизми? Аллоҳнинг сўзини масхара қиляпсизми? Ҳайҳот! Доду фарёд! Бу ишларингиз учун бу дунёда шарманда бўламиз! Охиратда жаҳаннамда ёнамиз! Эсингизни йиғинг! Гуноҳни тўхтатинг! Аллоҳнинг йўлига ўтинг! Аллоҳнинг пайғамбарига, Унинг Китобига эргашинглар!

Устоз шу сўзларни бор овози ила айтарди. Кўпчилик жим тингларди. Бироқ тинглаб бўлиб, одамлар ўз йўлида кетаверарди: кимдир ўғирлик қилади, кимдир фоҳишахонага боради, кимдир зулм қилади.

Устоз эса яна нола қиларди:

- Эй Исроил болалари! Мусо

даврида Аллоҳ устимизга Тур тоғини олиб келганда, тоғнинг тагида қолмайлик деб, ҳамма илоҳий амрларни қабул этдик. Бугун илоҳий амрларга амал этмасак, ҳолимизга маймунлар йиғлайди...

Ҳоким Муассар табиатан кўнгли бўш одам эди. Унинг бичилган қули Сақиф Ғоба ҳокимга кўп таъсир ўтказарди. У Устозни ёқтирмасди. Сақиф Ғоба Муассарга бир гапни бениҳоя кўп айтди:

- Соҳибим, қари Устоз шаҳримиз тинчини бузаяпти. У қаердаги ваҳима гапларни тарқатаяпти. Кўчада соатлаб вайсайди. Одамлар, натижада, сизнинг ҳокимиятингизга шубҳа ила қараяпти. Устоз ҳокимиятни истаяпти, шекилли. У Таврот ҳукмини етказяпман, деб, илм тарқатяпман, деб, ўрнингизни эгаллашни исташи аниқ.

Муассар бу гапларга, даставвал, эътибор бермади. Бироқ Ғоба ўз ишидан тўхтамади. Муассар Ғобанинг гапига кирди ва Устозни зиндонга ташлади. Ашиа Устозни кўргани тезда зиндонга борди. Зиндон ичида Устоз изтироб ичида шундай деди:

- Қизим, шаҳарни гуноҳкор босиб кетди.

Ашиа кўзини катта-катта очди.

- Устоз, - деди у олиб келган тугунини Устознинг олдига қўйиб. - Мен сизнинг ҳамма гапларингизга тушуна олмайман. Аммо тўғри сўйлаётганингизга аминман.

Устоз қайғу ила табассум қилди.

- Вақт келади, ҳамма сўзларимни тушунасан. Сен тўғри сўйлаётганимга покиза қалбинг ила аминсан, тақдир эса сени бу сўзлар устида яшатади, қизалоғим. Сен бу сўзларга суюнибгина, дунё ва охиратда нажот топиш мумкинлигини ўз кўзларинг ила кўрасан. Чунки мен бу сўзларни ўйлаб топиб, кейин гапирмаяпман. Бу Тавротнинг таълими, Мусонинг ўғитларидир. Эшит, қизим. Биз Мусо пайғамбарнинг умматимиз, сўнги пайғамбар Аҳмаднинг уммати эмасмиз. Нега бундай деяпман, биласанми?

- Билмайман, Устоз, - елкасини қисди Ашиа.

- Унда, билиб ол! - Устоз қатъий таъкидлади. - Аллоҳ бизга бериладиган жазони асло кечиктирмайди. Мусо яшаган замонда гуноҳкорларнинг уйлариининг эшиклари эрталаб ўз эгаси гуноҳ қилганини эълон қиларди. Яъни эшикда "Фалончи мана бундай гуноҳ қилди" деган ёзув пайдо бўларди. Аллоҳ мунофиқларнинг юзини сарғайтириб юборарди. Денгиз бўйида Айла деган қишлоқ бор эди. Ўша қишлоқда биздан бир қавм яшаган. Аллоҳ уларга шанба куни балиқ тутишни таъқиқлади. Бу бир синов эди. Қавмимиз эса шанба куни денгиз соҳилида жуда кўп балиқ бўлишни билиб қолишгач, бир ҳовуз кавлашди. Балиқлар шанба куни ҳовузга қамалиб қоларди, якшанбада эса уни айлаликлар осон тутишарди. Бу оламлар Роббиси Аллоҳга ҳийла эди. Аллоҳ ғазабланиб, айнан шу қишлоқда яшайдиган ҳаммани хунук, одамлар ёқтирмайдиган маймунларга айлантирди. Роббимизнинг жазоси кечикмади. Тасаввур қиляпсанми? Кечқурун одам бўлиб ухлайсан, тонгда маймун бўлиб уйғонасан. Бу эса гуноҳлар учун бир жазо эканлигини бутун олам билади. Бундан катта шармандалик борми?

Ашианинг эти жунжикди. Ўзини, отасини, бобосини, қулларини, одамларни маймун қиёфасида кўз ўнгига келтириб, қўрқиб кетди.

- Эшит, болам, - Устоз эса давом этди. - Биз шундай умматмиз: гуноҳимизга жазо кечикмайди. Охири замон Аҳмаднинг уммати эса доимо бир муҳлат устида бўлади. Улар Аллоҳнинг йўлида собит ва холис турганларида бутун Ер юзига ҳукм берадилар, нафс ва шайтонга эргашганларида бутун Ер юзининг кофир қавмлари уларга ҳукм беради. Бу уларга жазо эканлигини камдан кам идрок этади. Аммо уларда ҳалок бўлишдан аввал тавба қилиш, яна иззатга эришмоқ имкони, бир муҳлат бўлади. Бизда-чи, Ашиа? Ундай эмас! Биз яна ҳаддимиздан ошдик! Хорлик жуда яқин. Қирқ йил олдин орамиз Мусо бор эди. Ҳорун бор эди. Атиги қирқ йилда биз уларнинг таълимини унутдик. Аллоҳнинг амрини тескари ушладик, тўғри ушламадик. Яқин-орада ҳаммамиз хорланамиз. Шунини Муассарга айт! Эси борида этагини ёпсин! Бутун шаҳар Мусо давридагидек, йиғилиб Аллоҳга тавба этсин! Аллоҳ бирор пайғамбарни юбориб, бизни гуноҳдан покласа!

Устознинг ҳузуридан чиқиб Ашиа бобосининг қошига борди. Ҳаяжонланиб, ҳамма эшитганларини бобосига сўзма-сўз айтди. Бичилган қул Сақиф Ғоба шу ерди эди.

- Соҳибим, - у ерга йиқилиб, фарёд урди. - Устоз ёш ва гўзал маликамизни қўрқитибди. У билан учрашишни ман этмоқ лозим. Маликамиз бу васвасалар оғушида ухлай олмай чиқадилар. Кейин касал бўлиб қоладилар.

- Йўқ, мен касал эмасман! - жаҳли чиқди қизалоқнинг. - Бобожон, устозим тўғри гапиряпти.

- Қайсарлик қилма, Ашиа, - деди бобоси мулойим оҳангда. - Бор, дугоналаринг билан ўйна. Бундай гаплар ила бошингни қотирма. Улуғларимиз бор, биз бор, бу бизнинг ишимиз. Сен қайғурма!

... Шу воқеадан ўн кун ўтмай Муассар невараси Ашиани бир зодагоннинг ўғлига мажбурлаб эрга берди. Қули Сақиф Ғоба шуни маслаҳат берган эди.

Бир тонгда Муассар жанг чорлови овозидан уйғонди. Сарой томига шошиб чиқиб қарадию, эси оғай деди: шаҳар дарвозалари очилган, ёв қўшини бутун оламни

эгаллаб олгандай эди. Одамлар талвасага тушиб боши оққан томонга югурарди. Шаҳар дарвозаларини душманга ким очиб бергани Муассарга қизиқ эди. У хоинни аниқлаб, бор қўшин билан тезда ҳужумга ўтишни истади. Аммо ортига ўгирилиб, бўғзига қадалган тифни кўрди. Қаршисида Сақиф Ғоба турарди.

- Муассар, давринг битди. Сен буюк подшоҳ Жолутга топшираман! - деди у дадил.

- Хоин! - Муассар шундай деб ҳайқирдию, ишнинг ҳақиқатини бир онда англади. У шаҳарда фоҳишахоналарни кўпайтирган, жиноятчи тўдаларни сарой ичида қўллаб-қувватлаган, уни Жолутга сотган, Устозни қаматган айнан қўйнидаги илон - Сақиф Ғоба эканлигини тушунди. Энди жуда кеч эди. Сақиф Ғоба ўз ҳожасини занжирлади ва пастга олиб тушди. Саройдаги ҳамма асир олинган эди. Жолут лашкари саройни талон-тарож этарди. Муассар бор-будидан ажраганини билди. Беихтиёр оҳ тортди. Сақиф Ғоба эса илжайди. У ўз ишидан мамнун эди. У бутун сарой аҳлини занжирлаб, Жолутни кутгани чиқаётган эди.

Оламни бир зумда зулмат босди. Лаззат ичидаги лаззатини, иззат ичидаги иззатини унутди. Шаҳарда Жолут лашкарининг сурони кўкка ўрлар, аёлларнинг фарёди, гўдаклар чинқириғи, гуноҳкорлар ноласига аралашиб кетди. Босқин ваҳшати жониворлар тинчини ҳам бузди: итлар вовиллар, моллар мўрар, қўйлар барарди.

Мушибат ўлим шамолидек келди, бу шамол ҳаммани беҳаловат этди. Жон қайғуси мол қайғусини даф этиб юборди.

Аксар одамлар қўлига қурол олиб душманга қарши урушмоқ ўрнига қочиб қутулиш васвасасида эди. Аллоҳ уларнинг гуноҳлари сабаб қалбларидан ҳамият, жасорат ва мардликни олиб, ўрнини қўрқоқлик, заифлик ва сотқинлик ила тўлдирганди. Аллоҳнинг элчиси уларни кўп огоҳлантирган эди, улар, одатига кўра, кўрлик қилиб, яна бир таҳқирга учрадилар.

Сақиф Ғобанинг одамлари зиндондан Устозни олиб чиқишаркан, у зот чор-атрофда ана шу ҳақиқат манзарасини кўраётган эди.

... Шаҳар майдонига ёшу қари, эркаку аёл, бою камбағал, аёну фуқаролар ҳайдаб келинди. Ҳамманинг кўзи жавдирайди. Зодагонлар, бойлар бир неча туяларини қулларига етаклатиб олишган. Туяларга катта сандиқлар юкланган. Жолут лашкари тўрт томонни қора булутдек қоплади. Уларнинг бўйи баланд, ўзлари бақувват, тишидан тирноғигача қуролланган. Итоатсизлик қилган одамни ким эканига қарамасдилар, чопиб ташлардилар. Кўчаларда қон жилғадек оқди, қон кўлмаклари пайдо бўлди.

Аксари кишилар дағ-дағ титрайди. Оналар боласини бағрига яширишга тиришади. Ҳомиладорлар азобдан инграйди. Кимдир кимгадир таскин ҳам беради.

Тўсатдан янграган баланд ва зулмкор овоз ҳаммани жалб этди: шаҳар ҳокими Муассар, ўғли Аслам, невараси Ашиа, невара куёви ва Устозни қамчилаб сазойи ҳолда майдонга олиб келаётган эдилар. Оломон сўзсиз қотди. Умидлар буткул сўнди. Халқнинг ишончи синиб, парчаланди, балки кукунга айланиб, сочилди. Ҳамма нафасини ютди. Одамлар орасидан қамчилаб олиб ўтилган шаҳар ҳукмрон оиласи майдоннинг қоқ ўртасида, тепага янги ўрнатилган тахт қаршисига тиз чўктирилди.

Ашиа дам отасига, дам эрига, дам бобосига жавдиради. Бобоси қўрқувдан тош ютгандек жим, узун оқ соқоли титрар, сочлари елкасида бетартиб ёйилган, либосида қон изи. Отаси ҳам, эри ҳам шу алфозда эдилар. Ёлғиз Устоз хотиржам, балки, бошини тик тутиб, на юзида, на ҳаракатида бир қўрқувни сездирмади.

Оломоннинг ажабланганнамо овози янгради: майдондаги тахт ёнида ҳашамдор либосда Муассарнинг бичма қули Сақиф Ғоба пайдо бўлди.

У қўлини ҳокимона кўтариб, жим бўлинг, дегандек ишора қилди. Одамлар шуурсиз равишда жим бўлдилар. Сақиф Ғоба бор овози ила бақирди:

- Подшоҳлар подшоҳи, юртимизнинг янги, адолатда тенгсиз, қудратда чексиз ҳукмдори Жолут ҳазратлари келмоқдалар!

Довуллар қоқилди. Отлар кишнади. Сақиф Ғоба эса яна кучаниб чинқирди:

- Тиз чўк ва бош эг, халойиқ!

Еттинчи боб

Кўпчилик тараддудда туриб қолди. Бичма қулнинг амрини бажариш, ҳарқалай, бироз бўлса ҳам, ҳамиятга тегаётган. Сақиф Ғоба буни сезди. Сездю, қутуриб, бўкириб юборди:

- Камончилаар!

Оломонни қуршаган Жолутнинг камончилари ёйга пайконни ўрнатдилар. Ғоба ўқ узишга ишора қилиш учун қўлини кўтарди. Ўн минглаб одамлар бир вақтнинг ўзида дувиллаб тўкилган мевадек ўзини тиззаси билан ерга ташлади. Ғоба ҳокимият қудратини идрок этиб, беҳад керилиб, ёйилиб кетди, одамларнинг қўрқувда тиз чўкишини кўриб, буни ўз қудратидан деб ўйлади ва нафаси қайтиб, бир муддат ҳаяжонланди. Сўнг улкан салтанат эгасидек ҳайқирди, шундай ҳайқирдики, овоз пайлари фавқулодда чўзилди, товуши майдоннинг ҳар бурчига етиб бора бошлади:

- Итоат қилмаган ўлдирилади! Танасини бўлаклаб, итларга ем қиламан!
Улуғ подшоҳ Жолутга шарафлар бўлсин!

Оломон орасида беихтиёр йўлак очилди.

Қора от минган, қора либос ва қора совут кийган Жолут йўлақдан кела бошлади. Жолут бошига қўндирган дубулға тожга ўхшарди. Мўйловини икки ёнга икки қаричча узун қилиб ўстириб, ўрдирганди. Қалин соқоли ҳам қоп-қора бўлиб, кўкраги тушган ва учта қилиб ўрилган, учларига эса ёқут кўзли тақинчоқ тақилган. Жолут кийимининг четларига, совутининг қирраларига олмос тошчаларга қадатганди. Этиги қора ва учи қайрилган бўлиб, унда ҳам олмос тошлар йилтирайди.

Оти, югани, сувлиғи, қамчиси, қурол-яроғлари ҳам ўта жиддият ва катта дид билан зийнатланганди. Жолут майдон ўртасида тўхтади, Сақиф Ғоба унинг оёғига тиз чўкиб елкасини тутди. Подшоҳ бичма қулнинг елкасига оёқ қўйиб, отдан тушди.

Ҳеч кимга назар ҳам солмай, ўзи учун ҳозирланган тахтга бориб ўтирди. Сўнг Сақиф Ғобага қараб, кўрсаткич бармоғи билан ишора қилди. Сақиф Ғоба бор овози билан бақирди:

- Подшоҳ рухсат этдилар: бошингизни кўтаринг!

Халқ бошини кўтариб, тахтда катта кибр, қаҳр ва бешафқатлик ила ўтирган бир мустабидни кўрди. Чўзинчоқ юзни тўлдирган чуқур ажинлар, чўтирлар, ўйиб олгудек тикиладиган кўз, сийрак қош, кенг елка Жолутдан бир кўрқинч ёғдираётгандек эди. Уни кўрган аксар одамларнинг дами янада ичига тушди.

Босқинчига ҳайиқиш ила қараётганлар орасида бир киши йўқ эди. Бу Устоз бўлиб, ерда - майдоннинг ўртасида боши ёрилиб, ўз қони ичида беҳуш ётарди. Чунки фақат у тиз чўкмаган эди, бош эгмаган эди, бир навкар унинг бошига қилични қини билан уриб, шу ҳолга солди.

Ғоба Жолутдан изн олиб, нутқ бошлади:

- Эй одамлар! Мени эшит! Балсисо қавмининг сараси, Амиқийлар подшоҳи Жолут ҳазратлари буюрадиларки, ҳаммангиз у киши учун бир қулсиз. Қул эканлигингизни унутманг!

Ғоба шу нуқтада сўзини узиб, ҳаммага бир-бирма ўқрайди. Айни шу пайт унинг қулоғи остида Қувилганнинг: "Сен энг ақлли ва қудратли ҳукмдорлари ишини бажаряпсан!" - деган илк олқиши янграган эди. Ғоба ҳокимият қудратидан маст бўлгани учун овозга аҳамият бермади, зотан, у бундан ҳам қуюқроқ бир мақтов истаётганди.

- Сиз подшоҳнинг қули ўлароқ унинг ҳамма хизматига шай бўлишингиз шарт! Подшоҳ ўл, деса, шу ондаёқ ўлинг! Тирил, деса, тирилинг! Чунки ҳукмдоримиз ўз қулларини фарзандларидек яхши кўради. Сизларга зинҳор ёмонликни раво кўрмайди! Сизлар подшоҳимизни шарафланг, мақтанг, унга итоат қилинг, уни яхши кўринг!

Ғоба шу қадар жўшиб сўйлардики, унинг нутқи одамларга таъсир қилди. Қўрқувдан қарахт оломон унинг сеҳрли нутқидан йиғлай бошлади. Туя етаклатиб келган бойлардан бири ўзини ерга отди, ерни ўпиб, овози қалтираб гапира бошлади:

- Сизга жонларимиз фидо,

Жолут ҳазратлари! Арзимас ҳадямизни қабул қилиб, бизни бахтиёр айланг!

Ғоба савол назари билан эгилиб, подшоҳга каради. Подшоҳ маъқул, дегандек бошини қимирлатди. Бой иккита катта сандиқни қулларига кўтартириб, Ғобанинг амрига кўра, Жолутдан етти қадам узоққа қўйдирди ва қопқоғини очтирди: сандиқлар тилло ва жавоҳирларга тўла эди.

Жолут қабул қилдим, дегандек бош силкиди. Бошқа зодагонлар ҳам подшоҳга ўз совғаларини майдонга тера бошлашди.

Муассар бу ишларга анқовсирагандек қараб ўтирарди. Устоз бу орада ҳушига келди. Қийналиб бўлса-да, ўрнидан турди. Тиз чўкиб, титраб ўтирган ўн мингларча одамга, кейин тахтдаги Жолутга, унинг ёнидаги Сақиф Ғобага боқиб, вужудидаги ҳамма кучини тўплаб, ҳайқирди:

- Аллоҳ Буюқдир! Аллоҳ Улуғдир! Аллоҳни унутиб, гуноҳларга машғул бўлганлар, Аллоҳ амридан бўйин товлаб, нафсига қуллик қилган худди сизлар каби бир қора ит қошида тиз чўкиб, титрайди, хор бўлади!

Бутун олам жимликка чўқди. Ҳамма сасини йўқотди. Ғоба ҳушини тўплаб, қиличини қиндан суғурди. Аммо Жолут тўхта, деб ишора қилди.

- Эй Жолут! Сенда Намруд ва қибтий фиръавннинг қиёфаси бор. Сен подшоҳликка қаноат қилмайсан. Сен ширкка қаноат қилмайсан. Сен худо бўлмоқчисан. Ёнингдаги бичма қул ҳам шуни истайди! Иккаланг билиб ол: сенларни дунёда хорлик, охиратда жаҳаннам кутмоқда! Ла илааҳа иллаллоҳ!

Бу сўзлар тиғдек Жолутга санчилди, подшоҳ ўрнидан ҳеч кутмаган чаптастик ила турди ва қиличини яланғочлаб, Устознинг олдида пайдо бўлди. Икки қўли билан Устознинг бўйнига қилич солди. Муассар дағ-дағ қалтираб, бошини ердан ололмай қолди, Ашиа қўрқувдан чинқирди, бу чинқириқ унинг отаси Асламни ҳушига келтирди. Аслам бор овози ила: "Аллоҳу акбар!" деб Жолутга отилди. Жолут бир кескин ҳаракат билан Асламни икки бўлакка бўлди. Ашиа ҳушдан кетди.

Оломон ичида ҳам кимлардир қичқириб юборди, кимлардир ерга йиқилди.

Жолут қиличини Муассарнинг бўғзига қадади. Муассар нафаси тиқилиб, бўғриқиб деди:

- Подшоҳим, мен сизнинг қулингизман. Сизнинг йўлингиздаман! Мени омон қолдиринг!

Жолут буни кутмаган эди, шекилли, кўзларини катта-катта очди, тунд юзида ажабланиш йилт этиб, йўқолди.

Подшоҳ қиличини қиндан суғуриши, икки кишини қатл этишидан ҳаммининг, ҳатто, Ғобанинг ҳам юзидан қон қочди.

Жолут тахт ёнига қайтди ва гап бошлади:

- Эй менинг қулларим! - мустабиднинг овози гулдираб чиқди. - Мен марҳаматли, қудратли ҳукмдорман. Бироқ менга тўхмат қилганларни, ёмон тилак тилаганларни, яъни, менга қаршиларни қатл қиламан. Сизнинг итоатингиз менга ёқди. Шунинг учун, ҳаммангизни ўзимга қуллик қилишдан озод этаман!

Ғоба сакраб кетди:

- Нақадар меҳрибонсиз, подшоҳим!

Оломон гуриллаб, унинг гапини такрорлади. Жолут эса салмоқланиб, давом этди:

- Собиқ ҳокимингиз менинг йўлимга ўтиб, жонини қутқарди. Оиласини қутқарди. Сизларга садоқатли қулим

Сақиф Ғоба бугундан бошлаб ҳокимдир. Унга бўйсунинг. У менинг ўнг қўлимдир!

Жолут шундай деди-да, шаҳдам юриб, отга минди. Ғоба ер ўпиб, "Сизга жоним фидо!" - деб йиғлаб қолди.

...Ашиа хотиралар оғушида манзилга яқинлаб келаётганини сезмаётганди. Димоғига чўчқанинг ачимсиқ ҳиди урилди. Ашиа эса Ғобани тахтдан туширишга ҳаракат қилиб, ўлдирилганлар ҳақида ўйлаб кетди.

Сақиф Ғоба Жолут ўз юртига қайтиши билан иккита янги фармон чиқарди: биринчи фармон одамларга шаҳардан чиқишни қатъиян таъқиқлади. Иккинчи фармон подшоҳ Жолут суратини шаҳардаги ҳамма ўйларнинг ичига чиздириш мажбурий эканлиги ҳақида эди.

Халқ, аввал, жонини сақлаганига рози эди, бу фармонлардан сўнг Ғобанинг насабсизлиги эсланди, унинг Муассарга хиёнати айтилди.

Жолут ўлдирган Устознинг ёши улў дўстлари бирор чора кўрайлик, дедилар. Улар Мусони кўп гапиришди, бир неча ҳафта ичида Ғобани ҳокимликдан олиш ҳақида якуний қарорга келдилар.

Сақиф Ғоба ўз ҳокимиятидан маст эди. Жолут унинг хизматида мингта жангчисини қолдирган эди. Бутун шаҳар Ғобага тез таслим бўлди. У зудлик билан ўзига кўрсатиладиган ҳурмат ҳақида бир неча қарорлар чиқарди: ҳокимга мурожаат қилишда ҳар ким тиз чўкиши шарт, ҳокимнинг ҳукми муҳокама этилмасин, норози кайфиятдаги ҳар ким душман ҳисобида бўлиб, уни аниқлаб, хабарини берган одамга жуда катта мукофотлар бор, шаҳар аҳолиси ичидан лашкарга одам олинади, лашкар подшоҳ Жолутнинг қўл остида урушларга чиқади.

Ғоба ҳар сафар ҳар хил амру буйруқлар, фармону фармойишлар бераркан, эскию янги қоидаларни ўрнатиб, ижросини талаб этаркан, ўзини қанотсиз парвоз қилаётган сезарди. Бу туйғу, айниқса, унинг ташрифлари асносида оломон бошини эгиб, тошдай нафас олмай қотиб қолганида, унинг ижозати билан одамлар уни олқишлашганида, қийналиб кетган бирор бечорага марҳамат кўрсатганида, қонунни бузганларни аёвсиз жазолаб ташлаганида янаям кучайиб кетарди.

"Мана мен, ким менга дахл қила олади!" - деб ичида ўйлаганларини бироз ўтмай ошкор айтишга ўтди. Сақиф Ғоба одамлар кутмаган ишларни қилишни севарди. Кишиларни мансабга тайинлаш ва бўшатишдан ҳузурланарди. Шунинг учун, шаҳарда бирор киши бирор вазифада уч ойдан ортиқ ишлолмади. Бошқарувда қобилиятли одамлар асло бу шаклда ишлашни хоҳлашмади.

Ғоба шу каби ишлари билан кўзлари юмилгудек даражада маст бўлиб юрганида нисбатан ёшроқ бир одам унинг ҳузурига келиб, тиз чўқди.

- Исмин Тасмин, - деди у. - Мусо издошлари сизни ҳокимликдан туширишмоқчи.

Тасмин ҳаммасини баён этди. Унинг ахборотига кўра, шаҳарнинг улўғлари Жолутнинг қасрига бориб шикоят қилишар эмиш. Улар насабининг тайини йўқ, наслсиз Ғобанинг ўрнига бошқа кишини, яъни аслзода, ота-онаси Ёқуб фарзандларидан бўлган, уйланган, бир неча хотинли, бола-чақали, бой бирор одамни ҳокимликка тайинлашини талаб қилармишлар.

Ғоба Тасминнинг ҳамма гапини эшитди-да, "Сенинг келажагинг порлоқ, шундай буюк ишларда давом эт!" - деб мақтади.

Тасмин кетиши билан Ғобанинг миясига қон тепди.

"Мени алмаштиришармиш!" - деб тутақди. Қувилганнинг овози эса уни даҳшатга солди: "Шаҳар аҳли Жолутга айтиб, сени ҳокимликдан олса, не

бўлади, биласанми? Сени тилкалаб ташлайдилар. Чунки сен уларга қаттиққўллик қиляпсан. Агар тадбир билан, ҳийла билан иш тутмасанг, яқинда аввалгидан-да, хор бўлажаксан!"

Сақиф Ғоба ҳокимиятдан кетишни чексиз даҳшат деб ҳис қила бошлади. Тасминни чақириб, унга бир неча топшириқ берди.

Тасмин шаҳар улуғларининг даврасига кириб бориб, уларга: "Ғобанинг устидан шикоят қилишдан олдин ўзига унинг хатоларини билдирайлик, балки, ислоҳ этар!" - деди. Қарияларга Тасминнинг гапи ёқди.

Белгиланган кунда ёши улуғлардан ўн киши Сақиф Ғоба саройига йўл олдилар. Улар саройга яқинлаб келишаркан, уларга ҳар хил одамлар бесўроқ қўшилиб, юра бошлашди. Янги қўшилганларнинг қиёфаси ёқимсиз эди. Чоллар бир кўнгилсизликни сезгандек бир-бирларига қараб қўйдилар. Одамлар эса кўпайишда давом этди. Ҳоким саройи олдига етиб келганларида ўн қариянинг ортида минг кишилик оломон бор эди. Қарияқарнинг улуғи эгилиб, сарой эшикбонига:

- Жанобимиз Сақиф Ғобанинг муборак ҳузурларига киришга изн сўраймиз!.. - деди.

Эшикбон оломонга бироз ҳадик билан қараб:

- Ҳаммангиз кирмоқчимиз? - деб сўради.

- Йўқ-йўқ, - шошиб жавоб қилди чол. - Ўн кишига изн сўраяпмиз.

Эшикбон индамай ичкарига кириб кетди.

Бир неча дақиқада сарой деворидан ташқарига чиқариб, халқ билан сўзлашиш мақсадида қурилган айвонда Сақиф Ғоба пайдо бўлди.

- Халойиқ, нима гап? - деди.

Қариялар жавоб беришга улгурмадилар, уларга йўлнинг ўртасида қўшилиб

олганлардан бири қўйнидан камон олиб, ўқлади ва Ғобага отди. Ўқ ҳокимнинг елкасига санчилди. Ўқ отган одам:

- Ҳокимга ўлим! - деб бақириб, ердан тош олди ва сарой томонга отди. Оломон гувиллаб ердан тош излашга тушди. Саройга тошлар ёғилди. Бу нарса қарияларнинг режасида йўқ эди. Улар қандай йўл тутишни билмай қолдилар, билганларида ҳам қўлларидан бир иш келмасди, шубҳасиз.

Улар фақат "Эҳ, бебошлар! Ишимиз юришмайди, энди!" - дейишарди оломон ичидан чиқиб олгани тиришиб.

Сарой тепасида юзлаб ёяндозлар кўринди. Улар оломон устидан ўқ отдилар. Одамлардан баъзилари ерга ётиб олдилар, баъзилар дуч келган томонга ўзини урди. Бироқ ким қайси кўчага кирмасин Сақиф Ғобанинг қилич яланғочлаган навкарларига йўлиқди. "Таслим бўлдим! Ўлдирманг!" деганларга ҳам раҳм қилинмади, бир текисда қирғин бошланди. Қон тупроққа қоришиб, қизғиш-қорамтир лой ҳосил бўлди, ўнлаб одамлар бу шилимшиқ лойда тойиб ерга йиқилди.

Хунрезлик ярим соатлар давом этди. Сарой олди жасад билан тўлди. Тириклар ҳам ўликка айлангандек шуурсиз гангиб турардилар. Навкарлар қолган-қутган ҳаммани ҳибсга олди, ярадорлар ўлдириб юборилди. Яна бир гуруҳ лашкар ўлик тозалашга ташланди.

... Сақиф Ғоба саройда жароҳатли елкасини боғлатаётганда Тасмин киришга ижозат сўради.

- Жанобим, сиз истагандек бўлди. Мен ёллаган одамлар ғалаённи бошлаб беришди. Буюринг!

- Жуда яхши, - ёйилиб илжайди Ғоба. - Энди тергов бошла. Мени тахтдан ағдаришга ана шу ўнта чол бошчилик қилишганини исботла. Аҳоли орасида бизга қарши одамлар бордир?! Уларни ҳам топ!

Тасмин икки кунда шаҳарнинг ҳар бир даҳасидан юзлаб одамларни ҳибсга олди. Улар Ваҳшийлар зиндонига ташланди. Аёвсиз терговлар бошланди. Учинчи кун давлат тўнтариши қилишни режалаштирган, ҳокимни алдаб халқ олдига чақирган чолларнинг жинояти "гувоҳлар"нинг сўзи ила исботланди. Улар осилди. Яна бир қанча кишилар чопиб ташланди. Юзлаб одамлар муддати белгиланмаган ҳолда зиндонларга ташланди.

Бутун шаҳарни адоқсиз қўрқув қамради. Аҳоли нафас олишга ҳайиқарди. Сақиф Ғобанинг чексиз ҳукмронлиги бошланди. Унга шу воқеалар жараёнида ғарблик бир коҳин шаҳар четида одамларни қандайдир тошларга, ҳайкалларга сиғинишга даъват қилаётгани хабарини бердилар. Ғоба дарҳол уни чорлатди, ибодатхона қуриб, динингни ёй, деб амр қилди. Аврелий Астинос шу тариқа Ғобанинг ёнида пайдо бўлди.

Собиқ ҳоким Муассар сарой зиндоида эди. Ашиа эса эри билан саройдаги қора ишларни қиларди.

Қирқ йил Сақиф Ғобанинг қон ва қўрқув устига қурилган ҳокимлиги остида ўтди. Ўн йил олдин Муассар ўлгач, Ашиа ва эрининг аҳволи қийинлашди. Ғоба уларни қулим, деб атай бошлади. Юмушларини кўпайтирди. Ашиа бир неча фарзандини тупроққа қўйди, аммо кенжаси яшаб қолди. Аёл Роқибни кўз қорачиғидек авайлади. Ғобанинг зулму зуғумларидан шу фарзанди сабабли омон чиқди.

Ҳозир у чўчқахонага кириб бораркан, "Аллоҳим, Сенга иймон келтирдим, муртад бўлганим учун Сенга тавба қиламан. Болам Роқибни Сенга омонат топширдим", - деб пичирларди.

Чўчқахона беҳад сассиқ бўлиб, бу ерда минглаб чўчқалар боқиларди. Қўлидаги кишанлари ечилиши ҳамон Ашиа ўзини чўчқалар ичига урди. Чўчқанинг најосатини олиб юзига сурди. Чўчқалар думалайдиган балчиққа тизза бўйи ботди. Айни шу лаҳза Тасминнинг икки одами чўчқахонага кириб,

жиноятчи хотинни сўрадилар. Чўчқабоқарлар бошидан балчиқ ва чўчқа пешобини қуйиб ўтирган аёлни кўрсатдилар. Бу аёлга қўл тегизиш у ёқда турсин, яқинлашмоқ мумкин эмасди. Тасминнинг одамлари аёлнинг бу аҳволига бироз қараб турдилар-да, қўпол сўкиниб ортга қайтишди.

Ашиа ҳаммасини аниқ идрок этаётганди, иффатини сақлагани учун Роббисига ҳамд айтди. Ич-ичидан бир надомат, тавба отилиб келди, аёл ўкисиниб-ўксиниб йиғлади, бу йиғи замирида ҳам истиффор, ҳам ёлвориш, ҳам умид мужассам эди. Буни тавба оловида қалби эримаган ғофиллар ҳаргиз англай олмаслар.

Саккизинчи боб

... Роқиб уч кунда кўзини очди. Тепасида ўтирган Қарияни кўрди. Қария нималарнидир пичирлаётган эди.

- Онам менга коинотнинг якка худоси бор, деб айтган эди... - Роқиб мадорсиз шивирлади. Бироқ Қариянинг ҳамон яхши эшитадиган қулоғи унинг гапини илғади.

- Онанг тўғри айтган, Роқиб, - деди унинг устига бироз эгилиб. - Бу якка илоҳ Аллоҳдир. Аллоҳдан бўлак ибодатга сазовор бошқа бирор илоҳ йўқ! Бўлиши мумкин эмас!

- Аллоҳдан бўлак ибодатга сазовор бирор илоҳ йўқ!.. Бўлиши мумкин эмас!.. - Роқиб куч билан шу калимани айтдию, қалбига ёғилган сакинат ёмғирини туйди. У йўқотган, аммо энг зарур нарсасини топганини идрок этди. Аллоҳ лафзини айтarkan, Аллоҳнинг якка илоҳ эканлигини тилда иқрор ила қалбда тасдиқ қиларкан, Роқиб ўзини ажиб ҳимоя, беҳад мустаҳкам ҳифз ичига кирганини билди. Зулм, умидсизлик, заифлик ва маъносизлик чангалидаги бир иложсиз қалб асло узилмайдиган, зинҳор завол бўлмайдиган бир арқоннинг ҳалқасини қаттиқ ушлади. Туйқус жароҳат оғриқлари бу эҳсос қошида йўқолди. Роқибнинг дунёсида оламларнинг якка Роббисини яхшироқ таниш нияти жўш урди. У ўз Роббисининг барча комил сифатларга эга, ҳар қандай нуқсондан пок Зот эканлигини қалби ила билиб, ақли ила таслим бўлиб, Унга руҳи ила талпинаётган эди. Бироқ Роқиб бу кечинмаларини сўзга эвириб тақдим этишдан ожиз эди. Аслида ҳам, бу нарсалар на изҳорга, на ишроҳга муҳтож эмасди. Зотан, бир банда ва Аллоҳ орасидаги боғланиш бегоналар кўзига сувратланадиган, сувратланиши мумкин бўлган ҳодиса эмас.

Қария эса Роқибнинг руҳониятидаги ҳар бир тўлқинни сўзсиз ва сассиз сезаётган эди. Зотан, бир қалбда мавжланган соф иймон иккинчи қалбдаги соф иймондан заррача фарқ этмагай. У яхлит нарсадир. У тавҳиддир. Юз ёшдан ошиб кетган кекса жангчи ва ўн ёшга тўлмаган бир гўдак айна шу якка нуқтада азалдан бир-бирига маҳбубу, абадий аҳбоб эди.

Қария Роқибнинг сув ичишига ёрдамлашди, ивитган нонларини тутди. Бироз тамаддидан сўнг Роқибнинг ҳолати янада яхшиланди. Жароҳат оғриғи йўқ эди. Роқиб деворга суюнди. Унинг бола юзи уч кунда улғайди, кўзларида чуқур дард порлади. Қарияга деди:

- Ҳамон Сизни қандай чақиришни билмайман...

- Исмин Атбо, - деди Қария. - Мусо алайҳиссаломга эргашиб, якка илоҳга - Аллоҳга иймон келтирган оиланинг фарзанди бўлиб туғилдим. Олти ёшимда отамга эргашиб урушга борганман. Байтил Мақдис учун жанг қилганмиз. Мен жангчиларга сув, камон ўқи ташиб юрганман. Ўшанда Мусо алайҳиссаломни кўрганман. У баланд бўйли, кенг елкали, юзи оқ ва нурли, сочи қалин, жуда бақувват одам эди. Қўлида Одам алайҳиссаломга жаннатдан олиб чиқиб берилган мўъжиза ҳасса бўларди. Уни Мусо алайҳиссаломга қайнотаси Шуайб алайҳиссалом берган.

Роқиб қария Атбонинг ҳикоясини диққат билан тингларкан, тушида кўргани - баланд бўйли, чап қўлида ҳасса тутган, ўнг қўли мармардай оппоқ кишини эслади.

- Мусо алайҳиссаломнинг ўнг қўли оқ эдимми? - деб Атбонинг сўзини бўлиб савол берди. Атбо йигитга бироз ҳайрат аралаш қаради-да, тасдиқлади:

- Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга кўплаб мўъжизалар берган. Шулардан бири у кишининг оқ қўлидир. У киши қўлини қўйнига тиқиб, кейин чиқарса, қўли оппоқ бўлиб, нур сочиб чиқарди, сен буни қаердан биласан?

Роқиб шошиб деди:

- Шунчаки, ўзим... Сиз менга Аллоҳ ҳақида кўпроқ айтиб беринг. Унинг пайғамбарини яхшироқ таништиринг, илтимос.

- Аллоҳнинг пайғамбари битта эмас, юзлабдир. Уларнинг ҳаммаси якка Аллоҳга ибодат ва итоат этишга даъват этдилар. Аллоҳга шерик топишдан қайтардилар.

- Якка Аллоҳга ибодат ва итоат этиш нима дегани? - Роқиб ўзи учун қандайдир гумон ва хаёлларга ўралган маълумот эмас, аниқ илм истаётганди. Атбо бир лаҳза тин олди ва ўта жиддият ила сўз бошлади:

- Роқиб, шуни билки, сен буюк саволни бердинг. Бу саволнинг жавобини билганингдан сўнг, сен учун мангу саодат эшиклари очилади. Сен бутун дунё устидан, шайтон ва унинг малайлари устидан, барча золимлар устидан шундай музаффариятга эришасанки, бу музаффариятни бирор инсон, бирор махлуқ тортиб ололмагай. Аммо ўзинг бундан юз бурсанг, сенга ҳеч бир кас ёрдам беролмайди. Сен ўтирган бу зиндон, сен олган у жазолар Аллоҳнинг қаҳри олдида жаннат ва жаннат неъматига ўхшаб қолади.

Атбо сўзларкан, у йигирма беш йил зиндонда қон ютиб ўтирган маҳбус эмас, улул аъзийм пайғамбар Мусо алайҳиссалом таълимини олган буюк муваҳҳид эди.

- Роқиб, шуни билки, Аллоҳга уч нарсада қатъий ишон. Аввало, коинотдаги ҳамма иш Аллоҳнинг ихтиёрида эканлигини бил. Бир дона барг Аллоҳнинг изнисиз узилмагай. Оламдаги энг майда заррадан тортиб, энг улкан юлдузгача - ҳаммаси Роббимизнинг тасарруфидадир. Юрагингнинг ҳар зарби, хаёлингдаги ҳар ўй, қалбингдаги ҳар туйғу Аллоҳнинг ишидир. Ҳар бир ишнинг Эгаси, ҳамма ишнинг Соҳиби Аллоҳдир.

Атбо бу масалада узоқ гапирди. Унинг айтганларини тушунган сари Роқиб Аллоҳнинг қудратини, ҳар қандай айбдан поклигини теранроқ ҳис эта бошлади. Ҳар иш Аллоҳнинг тасарруфида экан, бу тасарруфдан бўйин товлаш,

бу тасарруфдан ташқарига интилиш энг ақлсиз иш эканлигига идроки етиб келди.

- Қатъий ишонишинг шарт бўлган иккинчи нарса шуки, инсон фақат Аллоҳга ибодат этмоғи, Аллоҳга

итоат қилмоғи лозим. Аллоҳ бандаларига Ўзига қандай ибодат қилишни ўргатган Зотдир. Ҳар бир ишимиз Аллоҳнинг ризолиги учун йўналмоғи керак. Аллоҳ учун бир иш бажарар экансан, уни муҳаббат ила адо эт. Қўл учида эмас, мажбуриятдан эмас, Аллоҳнинг муҳаббатини, розилигини қозониш учун ўзингни фидо қилиб, ўша ишни бажар. Агар бир ибодатни ёхуд бир ибодатга оид амални Аллоҳдан бошқа кимсанинг ёки нарсанинг раъйи учун, розилиги учун, уни Илоҳ қилиш учун бажарсанг, бу ширкдир. Бу сенинг ҳалокатинг ҳисобланади.

Шу алфозда Атбо бу илмни ҳам узоқ англади. Одатига кўра, Тавротдан оятлар ўқиди, Мусо алайҳиссаломнинг сўзларини ҳужжат ўлароқ келтирди.

- Учинчи нарса ҳам борки, бу ҳам ишонишинг шарт бўлган муҳим нуқтадир. Аллоҳнинг гўзал исмлари, сифатлари бор. Уларга ҳам қатъиян ишон! Аллоҳ бандаларига беҳад меҳрибон, Аллоҳ ҳар қандай нуқсондан пок, ҳаммадан беҳожатдир. Бу уч нарса бир буюк калиманинг маъносидир. Бир куни Мусо алайҳиссалом: "Аллоҳим, Сени зикр қилишим учун бир калима ўргат!" - деб ёлворди. Аллоҳ: "Эй Мусо, Лаа илаҳа иллаллоҳ, деб мени зикр қил!" - деди. Шунда Мусо алайҳиссалом: "Мен буни биламан-ку!" - деди ажабланиб. "Ҳа, биласан, - деди Аллоҳ. - Аммо яна билки, Еру осмонларни тарозининг бир палласига, "Лаа илаҳа иллаллоҳ"ни иккинчи палласига қўйсанг, бу калима оғирроқдир!" Эй Роқиб, сен ана шу буюк калиманинг маъносини ўрганмоқдасан.

Роқиб Атбонинг ҳар бир сўзини қалбига нақшлашга интилни. Уларнинг бир бурчақда шивирлашиб ўтиришларига зиндондаги бошқалар ҳам кўниқди. Тун ва куннинг фарқини улар емак тарқатиш вақтига қараб ажратишарди.

Сақиф Ғоба ўз лашкари билан Жолутнинг хизматига кетгани учун зиндонда ҳам зулм камайди. Соқчилар аввалгидай ваҳшийлашмас, зиндон эшигидан мўралаб бўкираверишмасди.

Маҳбуслар тана қотиб қолмаслиги учун турли машқларни бажаришади. Кимдир ётиб олиб, қўлини ерга қадаганча оёқ учлари билан тик туради ва қўлини ёйиб-букади. Кимдир ўтириб-туради. Ҳаммининг қандайдир машғулоти бор, бироқ тартиби йўқ. Атбо бошқача йўл тутди: у ҳар куни ётиб, қўлни букиб-очиш ҳамда ўтириб туришнинг саноқларини назорат қилиб, Роқибга жисмоний қувватланиш сабоғини берди.

Атбо Роқибга Арш, Лавҳ, Қалам, Курсий, Одам атонинг яралиши, шайтоннинг кибри ва шу каби кўплаб мавзуларда гапирди. Аллоҳнинг исму сифатларини тушунтирди. Роқиб ҳар дарсни қунт ила ўзлаштирди. Қора зиндон Роқибга чексизлик сари бир йўлга айланди.

Беш йиллардан кейин Роқибнинг елкалари кенгайди, бўйи ўсди, овози йўғонлашди, соқол-мўйлови сабза урди, билагада, мушакларида куч ўзини зоҳир этди. Атбо унга душман ҳужумидан ҳимоя қилиш ҳақида дарс беришни бошлади. Кекса жангчи қўл жангининг бир услубини саноқсиз марта такрорлашни талаб қилади. Зиндонда зулм камайдигани учун бошқа маҳбусларнинг Атбо ва Роқибга сабабсиз адоват кўрсатиши йўқолди. Энди улар орасида ҳам суҳбатлар уйғонди. Бир неча маҳбус худди улардек ибодат қилишни истади. Атбо уларни ҳам рад этмади, яна уч кишига Мусо алайҳиссалом таълимотини етказаверди.

Яна беш йил шу тариқа кечди. Роқиб ўн тўққизини тўлдирди. Атбо эса янада кексайди. Роқиб кучга тўлиб, улғайиб,

кўркамлашгани сари Атбо кексарди. Елкалари букчайди, кўзлари янада кўкимтир тус олди, қўллари, оёқларида ўн йил олдинги куч йўқ эди, шундай бўл

са-да, Атбо бениҳоя нурли эди. Унинг юзидан таралаётган нур Роқибнинг назарида зиндонни ёритгандек туюларди, у ўн йилки, Атбони фақат зикрда кўрди. Бирор он уни ҳам ёхуд қайғуда топмади, на ўтмиш, на келажакдан хавотирланмасди, "Роббимиз сари сайр этиб бормоқдамиз, борар манзилимиз аниқ, не учун қайғу чекайлик?" - дерди гоҳ. Роқибга: "Аллоҳга таслим бўл! Аллоҳга муҳаббатли бўл! Аллоҳдан қўрқ! Аллоҳнинг раҳматидан умид узма! Таслим бўлмасанг, кибрга занжирланасан. Муҳаббатсиз маънони, завқни, шавқни, шижоатни йўқотасан, муз ва тошга ўхшаб қоласан. Аллоҳдан қўрқмасанг, ҳаддингни йўқотасан, нафсинг қутуради, умид қилмасанг, шайтоннинг одатини тутган бўласан!" - деб кўп таъкидларди.

Атбо пайғамбарларни севиб тилга оларди. "Роббимнинг элчиларига жоним фидо бўлсин! Одамлар орасида улар каби маъсум ҳеч ким йўқ. Одамлар ичида улар каби итоатга муносиб ҳеч ким йўқ. Одамлар ичида улардек севиқли ҳеч ким йўқ!" - деб, Иброҳим алайҳиссаломни мақтаб кетарди: "Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоил алайҳиссалом ила Каъбани қурган. Айнан Иброҳимга Аллоҳ таоло: "Таслим бўл!" деганда, ул зот дарҳол: "Оламлар Роббисига таслим бўлдим!" - деб айтган. Эй Роқиб, қанчалар зулм чекмайлик, биз Аллоҳнинг ваҳийси Ерга келиб турган замонда яшамоқдамиз. Охири замонда Аҳмад деган пайғамбар туғилади. У Аршга чиқади. Мусо алайҳиссалом Аллоҳ билан гаплашган. Аҳмад ҳам Аллоҳ билан кўришади, юзма-юз бўлади. Гаплашади! Ҳамма пайғамбарлар Аллоҳга: "Аҳмад билан учрашсам, унга иймон келтираман, йўлидан юраман", - деб ваъда беришган.

Мен ҳам шу улуғ пайғамбар даврига етсам, унинг йўлида жонимни берардим. Аллоҳ ҳабибим, деган зотни севмай бўлурми?"

Атбо ўзи гапириб, кўпинча ўзи йиғларди.

"Роббимнинг қошида қай ҳолда бўларкинман?" - дея шундай йиғлардики, соқоли ҳўл бўлиб кетарди, Роқиб ҳам шу ҳолга тушадиган бўлди. Аллоҳ билан юзлашajak онлар унинг ҳам фикру хаёлини оларди. Ўша пайтларда зиндонда эканлигини унутиб, қаерларгадир учгандек бўларди.

Ўн тўққиз ёшида Роқибнинг қалбида Каъбаи муаззамани зиёрат қилиш истаги янада оловланди. Мусо алайҳиссаломдан сўнг юборилган пайғамбар Ювша ибн Нун суҳбатига етишиш иштиёқи кучайди.

Атбо унга табассум ила: "Мен ҳам шуни истайман. Бироқ қадар битиги доим устун", - дер эди.

Ўн йил ўтиб, Жолут ўз пойтахтига катта ғалабалар ила қайтди. Саркардаларига ҳам ўз шаҳарларига боришга изн берди. Сақиф Ғоба ҳам шаҳарга сурон солиб кириб келди. Саховатини оламга кўз-кўзлаб, қирқ кун дастурхон ёзди. Зиндондан юзлаб маҳбусларни чиқарди, қолганларига ҳам бир неча кун яхши таомлар улашди. У қандайдир янги режа билан келганди. Буни ҳамма яхши биларди. Бу сийловлар ортида оғир азоблар келиши кундай равшан эди. Одамлар Сақиф Ғобанинг бу саховатидан заррача шодлана олмадилар. Эллик йиллик истибдод халқ онгидан ишончни, самимиятни буткул супуриб ташлаганди.

Ғобанинг "буюк" режаси бироз ўтиб, ҳаммага маълум этилди.

Тўққизинчи боб

Байтил Мақдис!

Муқаддас шаҳар. Инсоният тарихида куч-қудрат тамсили бўлмиш буюк шаҳар. Фотиҳлар, жаҳонгирлар, подшоҳу қироллар шу шаҳарни забт этиш орзусида ўтдилар. Набийлар макони, файзу футуҳ ёғилган муборак шаҳардир Байтил Мақдис.

Жолут қўшини ўн йиллик истило даврида шарқий ҳудудларнинг катта қисмини эгаллади. Бу қўшин Исроил авлодларига чексиз адоватда бўлиб, қаерга бормасин, Яҳудо болаларини қатл этишга, мол-мулкани талашга интилди. Бор-будидан айрилган Бани Исроил қавмининг зодагонлари, фақирлари, турли тоифалари милoddан аввалги тахминан мингинчи йилларда Байтил Мақдисга йиғилиб келдилар. Жолутнинг аёвсиз қирғини уларни шу жойга ҳайдади. Чунки улар Мусо алайҳиссаломдан сўнг Шамуил ибн Бали алайҳиссалом бу шаҳарда одамларни Мусонинг шариатига даъват қилаётганини эшитдилар. Мусо алайҳиссалом уларни барча балолардан қутқаргани каби ул зотнинг издоши, пайғамбар, осмондан хабар айтаётган Шамуил алайҳиссалом ҳам Жолут балосини даф қилишига умид боғлаётган эдилар.

Байтил Мақдиснинг каттаю кичиги, бою камбағали, зодагону фуқароси бир жойга йиғилиб, Шамуил алайҳиссаломни таклиф этдилар. Шамуил

алайҳиссалом айтилган вақтда келишилган жойда ҳозир бўлдилар. Бани Исроил қавми безовта эди. Одамлар тўп-тўп бўлишиб, нималарнидир муҳокама қиладилар. Ташвишманд овозлар ҳар ёқни қоплаган.

Шамуил алайҳиссалом кишилар орасидан юриб ўтиб, ўзлари учун ясаб қўйилган минбарга чиқиб ўтирдилар. У киши қўлларида Мусо алайҳиссаломнинг мўъжизакор ҳассасини ушлаб олган эдилар.

Одамлар пайғамбарнинг келганини билгач, ғала-ғовур босилди. Қавмнинг зодагон, аслзодалари Шамуил алайҳиссаломнинг қаршиларида саф тортдилар.

Аллоҳнинг пайғамбари халқ унинг сўзини кутиб, сукут сақлаётганини кўриб, гап бошлади:

- Одамларни яратган Зот якка Аллоҳнинг Ўзидир. Унинг шериги йўқ, тенги йўқ. У барча мақтов Эгасидир. Мақтов Унга хосдир. Ҳукм Уникидир. Куч-қувват Уникидир. Ибодат қилишга лойиқ ягона Зот Удир. Эй одамлар, Аллоҳга ибодат қилинг! Аллоҳдан қўрқинг! Мусо алайҳиссалом Аллоҳнинг бир оддий бандаси ва ҳақ пайғамбаридир. Мен унинг пайғамбар эканига, Таврот Аллоҳнинг Мусо алайҳиссаломга берган Каломи эканлигига гувоҳлик бераман. Мен Шамуил ибн Бали Аллоҳнинг оддий бандаси ва Унинг ҳақ пайғамбариман. Мен Мусо алайҳиссалом шариатига ўз қавмимни даъват этиш учун пайғамбар қилиндим. Охири замон пайғамбари, Аллоҳнинг ҳабиби, халили Аҳмад мен яшаётган замонда келса, унга иймон келтираман, унга эргашаман, унинг йўлида жанг қиламан. Эй Исроил болалари! Эй менинг қавмим! Сизларни ана шу айтганларимга чақираман! Қабул қилинг! Қабул қилганингизни айтинг ва мен сизларнинг сўзларингизни эшитаман. Сўзланг!

Шамуил алайҳиссалом ваъзни тугатгач, одамлар гуриллади:

- Эй Шамуил! Сенинг ҳамма сўзинг ҳақ! Аллоҳдан бўлак илоҳ йўқ! Сен Аллоҳнинг бандаси ва ҳақ пайғамбарисан!

Шамуил алайҳиссалом уларнинг ижобатини диққат ила тингладилар ва осмонга қараб дедилар:

- Оламларни яратган Роббим Аллоҳ! Қавмим иймон келтирди. Мен гувоҳлик бераман. Сен ҳам гувоҳ бўл!

- сўнг одамларга деди: - Қандай саволингиз бор, сўзланг!

Зодагонлардан бири баланд овозда сўз бошлади:

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари! Бизга бир подшоҳ тайин қил! Биз унинг қўл остида Аллоҳ учун жанг қилайлик!

Шамуил алайҳиссалом бу сўзни айтган одамга диққат билан қарадиларда, нигоҳларини одамларга бурдилар:

- Жанг қиласизларми?

- Жанг қиламиз! Жанг қиламиз! Жанг!

Шамуил алайҳиссалом қошларини чимириб, ўйчан оҳангда дедилар:

- Аллоҳ сизларга урушни фарз қилса, балки урушмасиз? Чунки сиз ваъдасини тез унутадиган қавмсиз. Тез қарор қилиб, ундан тез воз кечадиган халқсиз. Бир нарсага иймон келтириб, унга жуда кўп шубҳа қилувчисиз. Жасоратни даъво қилиб, қўрқоқликдан сира уялмайсиз. Ўзингизни мақтайсиз, ҳолбуки, ўзингиз айтган сифатларнинг биттасига ҳам эга эмассиз. Йўқ нарсани бор деб айтасиз, бор нарсани тан олмайсиз. Оқни қора, қорани оқ дейишдан ҳаё этмайсиз. Ўзингизни алдаб, овутиб юраверасиз. Жонингизга хатар келиб, ўлим билан юзлашмагунигизча жойингиздан қимирламайсиз. Эсингизни йиғмайсиз. Ўтмиш хатоларингиздан хулоса чиқармайсиз. Жуда кўп гапирасиз. Жуда кўп ухлайсиз. Жуда кўп кўнгилхушлик қиласиз, ҳақ сўзга тоқатингиз йўқ. Сабот ва субут сизга бегона. Зулмдан бошқа нарса сизни меҳнатга мажбурлай олмайди. Хорлик ботқоғига чўкиб борасиз, аммо ўзингизни катта тутасиз. Шунча иллатингиз бўла туриб, Аллоҳ йўлида урушмоқчисиз. Тафаккур қилинг, Аллоҳ сизларга урушни фарз қилса, балки, урушни истамай қоларсиз?!

Одамлар жим бўлиб қолдилар. Шамуил алайҳиссаломнинг бирор сўзига эътироз этолмадилар. Чунки пайғамбари улар ҳақидаги айна ҳақиқатни айтди. Аммо зодагонлар ўз сўзларида қатъий туришди:

- Эй Шамуил! Эй Аллоҳнинг пайғамбари! Сен тўғри айтдинг. Бироқ бугун вазият бошқа. Жолут бизнинг юртимизни босиб олди. Болаларимизни ўлдирди, қул қилди, бизни ўз юртимиздан қувиб чиқарди. Бани Исроилдан кимни тутса, қатл қиляпти, қулликка мажбурляпти. Жолут тўккан қонлар дарё бўлди. Агар уни тўхтатмасак, ер юзидан бизнинг қавм қирилиб кетиши мумкин. Биз уруш қиламиз! Бизга орамиздан бир подшоҳ тайинла, эй Аллоҳнинг пайғамбари!

Шамуил алайҳиссалом қавмнинг шовқини босилиши билан ўрнидан турди:

- Мен Роббимга дуо қиламан. У хоҳласа, подшоҳни қандай топишни менга ваҳий этади. Сўнг сизларни чақираман.

Шамуил алайҳиссалом минбардан тушиб, келган йўлларида ортга қайтдилар. Одамлар: "Уруш қиламиз!" "Қачонгача зулмга тоқат қиламиз!", "Биз Ёқуб пайғамбар қавмимиз, бизни ҳеч ким енголмайди!", "Аллоҳ бир подшоҳ юборса эди! Бизнинг ҳам подшоҳимиз бўлса, Жолутнинг таъзирини берар эдик!" деган гаплар билан тарқалишди.

Эрта тонгда Байтил Мақдис аҳолиси орасида: "Ҳамма Шамуилнинг минбарига йиғилсин!" Бугун бизга подшоҳ танланар экан", деган хабар тарқалди.

Ҳеч ким подшоҳ қай йўсинда танланишини билмасди, бироқ, ўша танланиш ичида бўлишни истаётганлар кўп эди. Бир соатга бормасдан Шамуил алайҳиссаломнинг минбари атрофи мингларча одамлар билан тўлди. Подшоҳ уларга, албатта, катта шараф, куч-қувват келтиришига ҳамма ишонаётган эди. Раҳбарликка ҳарис бўлган кишилар минбарни ўраб олдилар.

Подшоҳ қай йўсинда танланишини ҳеч ким билмасди, бироқ, ўша танланиш ичида бўлишни истаётганлар кўп эди.

"Шамуил келяпти!", "Аллоҳнинг пайғамбарига йўл беринглар!" - деган шовур кўтарилди. Шамуил алайҳиссалом одамлар орасидан шошмай юриб келиб, минбарга чиқдилар. Сукут чўкди.

- Эй одамлар! Аллоҳ ибодатга лойиқ ягона Илоҳдир. Аллоҳдан қўрқинг. Аллоҳнинг азоби қаттиқдир. Сизларни Аллоҳнинг азобидан огоҳлантираман! Аллоҳнинг пайғамбарларига эргашиг! Билингки, Аллоҳ дуоимизни ижобат этди. Аллоҳ менга шу қавм ичида бир подшоҳ борлигини билдирди. У Аллоҳдан қўрқадиган, Аллоҳга итоат этиб, Унинг элчисига эргашадиган бир инсондир. Аллоҳ ўша подшоҳни Ўзи истаган вақтда, Ўзи хоҳлаган жойда бизга танитади. Подшоҳ кимлиги аниқ бўлгач, унга Аллоҳ йўлида итоат этиш зиммангиздадир. Сизлар Аллоҳ танлаган подшоҳга итоат этасизми?

- Итоат этамиз! - ҳамма бир овоздан жавоб берди.

- Подшоҳликни орзу этаётганлар менинг олдимга навбати ила келсин! - Шамуил алайҳиссалом шундай деб, қўлларидаги ҳассани минбарга текис қилиб суюдилар. - Отамиз Одам алайҳиссаломга Аллоҳ иноят қилиб берган ҳассага қаранг! У ҳассани Шуайб алайҳиссалом куёви Мусо алайҳиссаломга берди. Бу ҳасса дарё устида кўприкка айланади, фиръавн сеҳргарларининг сохта илонларини аждаҳо бўлиб ютиб юборди. Бани Исроилнинг ўн икки уруғи сув сўраганида Мусо алайҳиссалом Аллоҳнинг амри ила ҳассани тошга урдилар, тошдан ўн иккита булоқ отилиб чиқди. Ҳамон ўша сувлардан ичиб келяпмиз. Аллоҳ менга: "Эй Шамуил, шу ҳассага бўйи тенг одамни подшоҳликка танла!" - деб ваҳий этди. Ким подшоҳликни истаса, бўйини шу ҳассага тенгласин, агар бўйи ҳасса ила тенг бўлса, шу ондаёқ уни подшоҳ, деб тан оласиз. Розимисиз?

Талабгорлар сафи жуда узун эди. Ҳамма розилик билдирди. Ҳар бир одам хаёлан ҳассани бўйига мослаб кўриб, ичида "Аллоҳ подшоҳликка мени танлагандир", - деб ўйлади.

Энг биринчи бўлиб бўйини ҳассага тенглаган одам подшоҳ талаб қилган зодагон бўлди. Аммо ҳасса ундан ярим қулоч баланд чиқди. Шу тариқа ҳасса билан бўй ўлчаш бошланди. Шамуил алайҳиссалом Аллоҳни зикр қилган кўйи вазиятни кузатиб ўтирди. Қуёш тик келганда қалбида подшоҳликка заррача орзу бўлган инсонларнинг барчаси ҳасса билан ёнма-ён туриб кўрди, ҳеч кимнинг бўйи мўъжиза ҳасса билан тенглаша олмади.

Одамлар толиқди. Баъзилар умидсизланди. Баъзилар ҳайратга чўмди.

- Эрта тонгда яна йиғилинг, - деди Шамуил алайҳиссалом. - Подшоҳни орангиздан яна излаймиз.

Иккинчи ва учинчи кун биринчи кун каби бесамар ўтди. Кишиларнинг айримлари: "Бу иложсиз иш!", "Бизга подшоҳ ҳам, уруш ҳам керак эмас!", "Байтил Мақдисни Аллоҳнинг ўзи қўриқлаб олади", - дейишгача етиб борди. Шамуил алайҳиссалом шундай деди:

- Ҳукмдорликка қалбида муҳаббати борларни Аллоҳ хушламади. Улар подшоҳликка танланмадилар. Эрта субҳда Байтил Мақдиснинг ёшу қари эрларини чорланг. Ҳамма ўз бўйини ҳасса билан ўлчайди. Подшоҳликни эмас, Аллоҳнинг ризоси ва муҳаббатини истаган бандани Роббимиз бизга подшоҳ қилиб танлашига зарра қадар шубҳаланманг!

Тўртинчи кунги танловда ҳам ҳасса ҳеч кимга бўй бермади. Бўйини ўлчатмаган бирор одам қолмади.

- Ким келмади? - деб сўрадилар Шамуил алайҳиссалом.

- Бир чўпон келмади, - деди Шамуил алайҳиссаломнинг мусоҳибларидан бири. - Қўйи болалабди. Шунга кела олмади.

- Чақиринг, мен кутаман, - деди Аллоҳнинг элчиси.

Ярим соатлар ўтиб, келбатли, кучи мушакларидан тошиб турган, бўйи тик ва баланд, соч-соқоли қора ва узун, кўзлари йирик-йирик, юзида бир сакинат нури порлаган, аммо либоси фақирона бўлган чўпон йигитни бошлаб келдилар. Шамуил алайҳиссалом бу йигитни юзини эсладилар. Ҳамма ваъз-насиҳатларида олдинги сафда туриб, сидқидилдан тинглаётганини кўп кўрган эдилар. Йигит қўлида янги туғилган қўзичоқни кўтариб олган эди. Орқасидан

эса она қўй югуриб келяпти. Шамуил алайҳиссалом ичларида: "Шу йигит қавмимизнинг подшоҳи бўлса, не ажаб, иншаАллоҳ!" - деб ўйладилар.

- Кел, эй чўпон! - дедилар меҳр ила. - Исмингни айт. Кимсан?

- Сизга Аллоҳнинг саломи бўлсин, эй Аллоҳнинг пайғамбари! - деди чўпон йигит тавозе ила.

- Сенга ҳам Аллоҳнинг салом ва раҳмати ёғилсин! - дедилар Шамуил алайҳиссалом ҳам қалблари, ҳам чеҳралари яшнаб.

- Исмин Толут, бир фақир чўпонман, - деди йигит.

- Эй Толут, нега янги туғилган қўзичоқни кўтариб келдинг? Онаси билан қолдирсанг бўларди, - деди Аллоҳнинг элчиси.

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, бу қўзичоқ бир оз олдин туғилди, оёғи чўлоқ эди. Шундоқ қолдирсам, озорланади. Сиз чорладингиз, кўтариб келавердим. Қолдириб келгани кўзим қиймади, - деди Толут қўзичоқнинг жингалак бошини, жажжи қулоқларини қашиб.

- Сен бир заиф махлуққа раҳм қилибсан, Роббим сенга доим раҳм қилсин, - деб дуо қилдилар Шамуил алайҳиссалом. - Бўйингни шу ҳасса билан ўлчаб кўр.

Толут Шамуил алайҳиссаломнинг қўлларидадан ҳассани олиб, бўйига тенглади. Ҳасса унинг бўйи билан баб-баробар бўлиб, узун ҳам эмасди, калта ҳам эмасди. Бунга тўпланиб турган ҳамма гувоҳ бўлди. Бироқ айрим зодагонларнинг ранги гезарди.

Шамуил алайҳиссалом минбарга Толутни етаклаб чиқиб, дедилар:

- Эй Бани Исроил! Аллоҳдан қўрқинг ва Унинг амрларига сўзсиз бўйсунинг! Аллоҳ орангиздан бир кишини подшоҳ деб танлади. Кўпчилигингиз тахтга ҳавасманд эдингиз, аммо Аллоҳ танлаган подшоҳ ундай эмас. У, албатта, Аллоҳнинг амрига итоат этади ва сизларга подшоҳлик қилади. Унинг исми Толутдир!

Аслида, бу онларда Аллоҳга такбир, тасбиҳ айтилиши керак эди. Бироқ ундай бўлмади. Подшоҳ талаб қилган зодагонлардан бири эътирозини эълон қилди:

- Эй Шамуил! Биз бу чўпон подшоҳ бўлишига рози эмасмиз! У жуда қашшоқ, биз эса бой ва бадавлатмиз. Подшоҳликка биз лойиқмиз! - деди.

Шамуил алайҳиссалом ғазабландилар. Юзлари қизариб кетди:

- Эй ғофиллар! - деб ҳайқирдилар. - Сизларга айтдимки, сизлар нодон қавмсиз. Қасамини унутувчи халқсиз! Аллоҳ подшоҳ юборса, унга эргашамиз, деб онт ичдингиз, бироқ энди ўз одатингизга кўра, исён этияпсиз!

- Эй Шамуил! - зодагонлардан яна бири овозини кўтарди. - Бизни ҳақоратлашни бас қил! Подшоҳни Аллоҳ эмас, сен танладинг! Сенинг ҳассанг танлади! Аллоҳ бизга Толутни ўзи танлагани ҳақида бир белги берсин!

- Ҳолингизга вой, эй Бани Исроил! Аллоҳнинг пайғамбаридан ёрдам сўраб келасиз, унга иймон келтирасиз, аммо унга ишонмайсиз! - дедилар Шамуил алайҳиссалом. - Мусо алайҳиссаломга ҳам шундоқ муомала қилар эдингиз! Билингки, Аллоҳ кимни хоҳласа, ўшанга мулк беради, подшоҳлик беради. Фазл мол-дунёда эмас, фазл илмдадир. Толут сизлардан кўра илмли ва жисман паҳлавондир. Аллоҳ иззат, илм ва карам Эгасидир! У Толутни сизларга подшоҳ қилиб танлади, тез орада бир илоҳий белги юбориб Толутнинг подшоҳ

эканлигини кўзингизга кўрсатади. Аммо бундан сиз ютмайсиз, шуни яхши билинг! Ҳаммангиз тарқалинг, эрта субҳда келинг, Аллоҳнинг мўъжизасини кўрасиз!

Шамуил алайҳиссалом шундай деб, минбардан тушиб ўз уйларига жўнадилар. Одамларнинг баъзилари зодагонлар қилган бемаъни қилиқлардан афсусланди, баъзилари қўрқди, баъзилари эса умуман таъсирланмади.

Ўнинчи боб

Сақиф Ғоба ўз шаҳрига юзлаб асирлар, туяларда бир қанча ўлжалар билан кириб келди. Хаёлидаги режалари унга сира тинчлик бермас, ҳаловатини ўғирлаганди. Йўл-йўлакай шаҳарнинг вайрона тусига кириб қолганини идрок этди. Кўчалар бениҳоя ифлосланган, шаҳар бўйлаб оқадиган анҳорлар ахлатга тўлган; одамлар ҳам савдойига ўхшайди: жуда кўпчилик хамрга ружу қўйган, маст бўлмаган одамни топиш маҳол. Машшоқлар, қўшиқчилар, раққосу раққосалар, шоир ва сергаплар кўпайган. Бирор

меҳнатга бўйни ёр бермай қолган ва ҳаётда маъно-мазмун топмаётган оломон шаҳарнинг ҳар жойида тўдалашиб ичади, машшоқларга куй чалдириб, раққосларни ўйнатади, орада сергаплар ўртага чиқиб, ҳар хил тутуриқсиз гапларни айтиб, одамларни кулдирмоқчи, қарсак чалдирмоқчи бўлади.

Сақиф Ғоба шу манзара ичидан ўтиб бораркан, мамнун эди. Айниқса, одамлар уни кўрганларида тиз чўкишларидан лаззатланади, ўн йиллик жангу жадалда олган улушини оломонга кўз-кўзларкан, ичида: "Мусо бу нарсалардан нафрат этарди. Лекин одамлар яхши кўради! Хурсандчиликка нима етсин!" - деб ўйлади.

Саройга келгач, қирқ кунлик байрамга амр берди. Шаҳарнинг асосий кўчаларини таъмирлашни буюрди. "Бошқа жойлар шарт эмас, халқ қандай хоҳласа, шундай яшасин. Мен юрадиганим йўллар, борадиганим жойлар ораста бўлиши шарт", - деди у. Ғобанинг бу сўзига кўра, фақат у борадиган, фақат у кўрадиган жойлар обод қилинадиган бўлди.

Шаҳарни машшоқлар шовқини, хонандалар хониши, шоирларнинг мадҳлари қамради. Ҳамма ҳокимнинг марҳаматидан маст эди. Одамлар рақс тушиб, башаралари тиржайиб, ҳокимни мақтасалар-да, ичларидаги ҳадик портлагудек эди. Эллик йиллик даврида Сақиф Ғобадан бир рўшнолик бўлмади, энди бу саховати ортида у нимани истаяпти?!

Бу пайт ҳоким саройда ички жосуслар ахборотини ўрганиш билан банд эди. Тасмин унга шаҳарнинг ҳар кўчаси ҳақида жамланган махфий маълумот тахтачаларини тутди. Уларни ўқиркан, ҳоким деди:

- Ҳукмронлигимизга қарши бирор куч бўлмаслиги керак. Бу ерда ёзилишича, кўчага деярли чиқмайдиган, чиқса бировга эл бўлмайдиган, байрамларга бормайдиган одамлар бор экан? Ким улар?

- Жанобим, бу тоифа худди йўқликка ўхшайди. Суврати бор, жисми бор, бироқ бир ҳаракати йўқ. Тирикчилигини қилади, уйига кетади. Бола-чақаси ҳам шу. Уларнинг олди-бердиси ўзаро бўлади. Улар сизнинг мулкингизда қонунларингизни бузмайдиган, лекин ўз қонунлари асосида яшайдиган одамлардир.

Ғоба бир лаҳза ўйга ботди. Қулоғи ичида Қувилганнинг товуши янгради: "Эй Ғоба! Сенинг қонунинг ила яшамас экан, улар сенинг душманларингдир! Улар сен хоҳлагандек яшашлари шарт!"

- Тасмин, - деди хоким. - Улар менинг байрамларимда қатнашмайдиларми?

- Қатнашмайдилар, жанобим, - деди Тасмин.

- Улар менинг фуқароларим каби ўйин-кулги қиладиларми? - яна ҳам қизиқди Ғоба.

- Улар ўйин-кулги, кайфу сафони хушламайдилар, жанобим, - тавозе билан жавоб берди хоким ёрдамчиси.

- Мен қурган ибодатхонага борадиларми?

- Зинҳор бормайдилар.

- Мен ҳақимда, сиёсатим ҳақида норози бўлиб гапирадиларми? Ёки менга қарши бирор иш қиладиларми?

- Йўқ, жанобим. Улар сизни ёмонламайдилар ҳам, мақтамайдилар ҳам. Сиёсатингизга қаршилик билдиришмайди ҳам. Бироқ маъқуллашмасликларида, аниқ.

- Кўрдингми, Тасмин, ана шулар энг хавfli душманларимдир. Илондек сассиз судраладилар, сен, ҳатто, уларнинг кимлигидан, мақсад-муддаосидан беҳабарсан. Улар эса менинг мулкимда дахлсиз, хавфсиз яшаб, менга қарши тиш қайрайдилар!

- Жанобим, бу гумоннинг бир далили йўқ...

- У ҳолда, топ. Уларни яхшироқ назорат қил. Мен томонда бўлмаган одам, менинг йўриғимдан юрмаган киши, менинг ноғорамга рақс тушмаган инсон, шуни билки, эй Тасмин, менинг душманимдир! Анави писмиқларнинг ҳаммасини қама. Буюк режани амалга ошмоқ

фурсати беҳад яқин қолди. Амримни эшит! Жолут ҳазратларини худо деб тан олишга биз тайёрмиз. Ўрдун водийсида бир улкан ибодатхона қурамиз. Қадим подшоҳлар Бобилда осма боғ қилдилар. Фиръавнлар эса ўзлари, оиласи учун эҳром қурдирдилар. Буюк иморатлар ҳукмдорлар қудратига бир рамздир. Жолут ибодатхонасини қуриш учун шаҳардаги ҳамма зиндонни бўшат: маҳбусларнинг ҳаммасини ишлат! Берган нонимни оқласин улар. Қолаверса, буюк иш билан гуноҳларидан покланишсин. Янги қамаладиган писмиқларни зиндонда ушлаб тур. Маҳбуслар қурилишда ўлиши бор, касалланиши бор, кейин ўрнига келтирасан. Унгача булар калтак еб, нима иш буюрсанг, бажараман, дейдиган бўлади. Уқдингми?

- Уқдим, жанобим! - таъзим қилди Тасмин.

- Асирлар ичида алоҳида авайлаб олиб келганимиз - шарқлик муҳандисларга яхши шароит қилиб бер. Улар Ўрдун водийсига бориб, ҳаммадан олдин жойлашсинлар. Қурилиш жойини белгиласинлар. Керакли хом-ашёни топиш ҳаракатида бўлсинлар!

- Хўп бўлади, жанобим!

- Шоҳона аравамни ҳозирлат, ибодатхонага бораман.

... Ибодатхонага кириб, Ғоба ажабланди. Бу ер ўликхонадек совуқ эди. Ибодатгўйлар ҳам кўринмасди. Бир-икки хизматкор қандайдир маъбуд ҳайкалларини артиб-суртиб юришарди.

- Ҳой, Астинос қани? - деб улардан бирини чақирди Сақиф Ғоба.

Хизматкор югуриб келиб, тиз чўкди:

- Устозимиз узоқ вақтдан буён хоналаридан чиқмаяптилар, - деди.

Ҳоким ҳайрон бўлди. Сўнг:

- Мени унинг хонасига бошла! - деди.

Хизматкор сакраб ўрнидан турди-да, олдинга тушиб, чопқиллаб йўл кўрсатиб, Ғобани ибодатхонанинг тагига олиб тушди. Коҳиннинг хонасини кўрсатди. Ҳоким хизматкорга кетавер, деди-да, ичкари кирди. Коҳин ерда ўтириб, Таврот ўқир эди. Ғобани кўриб, бир сескандию, лекин ўрнидан жилмади.

- Коҳин ҳазратлари, мени кутиб олиб, эҳтиром кўрсатмайсизми? Ўн йилдан буён кўришмадик, - деди Сақиф Ғоба бу ҳолдан ғижиниб.

- Сени кўрмаган ўн йилим энг яхши йилларим эди, - деди Астинос.

Ғобанинг устидан бир челақ муздек сув қуйиб юборилгандек бўлди.

- Нима? Нима деяпсан, эй исқирт чол?! - деб Астиноснинг ёқасидан ушлаб, даст кўтарди.

- Эй кофир! - Ғобанинг қўлидан чиқишга тиришиб, ҳайқирди Астинос. - Сен мендан Тавротни ўзгартиришни сўрадинг. Аммо Аллоҳ Таврот ила мени ўзгартирди! Аллоҳдан бўлак илоҳ йўқ, деб гувоҳлик бераман! Мусо унинг бандаси ва элчиси деб гувоҳлик бераман!

Ғоба чўчиб кетди. Астиносни қўйиб юбориб, ортга чекинди.

- Эсингни еб қўйдингми? - деди белидаги қиличини қиндан суғураркан.

- Менинг эсим жойида. Сен эсингни йиғ, эй кофир! Сен бу дунёда хорлик, охиратда оловли жаҳаннам кутяпти!

Ғоба ўзини тута олмади. Қиличини бор кучи билан Астиноснинг кўксига санчди. Астинос эса, негадир, жилмайди, оғзидан қон отиларкан, Сақиф Ғоба эшитадиган даражада деди:

- Аллоҳдан бўлак илоҳ йўқ!..

... Астиносни ўлдириб, саройга қайтган Сақиф Ғоба охирги эллик йилда биринчи марта қайғуга тушди. Юраги тор бўлиб, тушкунлик чангалидан чиқа

олмай қолди. Миясида эса Қувилганнинг овози шанғиллар, аммо Ғоба унинг маъносини илғай олмаётган эди.

... Маҳбуслар кўзларига ишонмасдилар. Улар бир неча узоқ йиллик зулматдан сўнг, нурга чиқдилар. Оёқларида, қўлларида занжир бўлса-да, бахтиёр эдилар.

Роқиб ҳам осмонга, қуёшга боқаркан, вужуди ёруғликнинг ҳар заррасидан ҳузур топаётганини сизди.

- Аллоҳга ҳамд бўлсин, У ҳар қандай нуқсондан покдир, - деди Атбога. - Устоз, Роббимиз бизни зулматдан қутқарди.

Атбо ўйчан эди. У бир неча кунки, бир тушни қайта-қайта кўрди. Тушида Мусо алайҳиссалом: "Роқибни ол-да, зиндонни тарк эт!" - дер эди.

- Роббим хайрли этсин, Роқиб, - деди Атбо. - Зиндонда дунё ҳавасидан озод эдинг, қалбинг Роббинг билан мудом боғланган эди. Энди эса дунё зийнати, орзуси сени Аллоҳдан тўсади. Бу имтиҳонларнинг каттасидир. Бу зиндондан кўра оғир синовдир. Шунинг учун, Роббингни доим зикр қил! Бирор имтиҳонни катта ё кичик санама. Ҳар бири сени ё азиз, ё залил қила оладиган имтиҳондир улар.

... Занжирли ҳолда маҳбуслар бир ойда Ўрдун водийсига етиб бордилар. Дарҳол иш бошланди.

Шарқдан келтирилган муҳандисларнинг бўйи ерли одамлар бўйидан бироз паст, кўзлари қийиққа мойил эди. Улар ўз ишларини пухта билишларини кўрсатишди: водийнинг энг хавфсиз - сув тошмайдиган, селда қолмайдиган жойи танланди, пойдевор учун ерни ўйиш бошланди. Пойдевор тошлари бу ердан икки юз чақирим узоқда, Шарқ томондаги тоғдан кесиб келинадиган бўлди. Беш юз маҳбус тош кесгани танланди. Уларнинг ҳаммаси бақувват ва дароз эди. Роқиб уларнинг ичига тушди. Атбо кексалиги учун унга

диққат қаратилмади. Эрта тонгда маҳбуслар тоққа йўл олиши ва улар бу оқшом йўл тадоригини кўриб қўйишлари буюрилди.

Қуёш ботди.Шом қоронғуси қуюқлашди. Роқиб устозидан айрилаётганидан бениҳоя маҳзун эди. Атбо, аксинча, хотиржам кўринади. Роқиб, табиатан ўз туйғуларини айтавермагани учун ичидаги дард юзига балқиб чиқди. Атбо шогирдини ўн йилдан буён бирор марта шу аҳволда кўрмаганини ўйлади. Ишларини тугатиб, олов атрофида берилган

шилдир шўрвага қотган нонни ботириб, тамадди қилиш асносида Атбо паст овозда, бегона эшитмайдиган даражада деди:

- Роқиб, бугун бу ердан кетамиз. Зийрак ухла.

Роқиб устозига ҳайрон боқди.

- Шундай қилишимиз керак. Тушимда бир ойдан бери Мусо алайҳиссалом: "Роқибни Байтил Мақдисга кузатиб қўй!" - деяптилар. Агар бугун кетмасак, сени Байтил Мақдисга эмас, Албурс тоғларига кузатишимга тўғри келади. Тайёрлан. Буларни ҳамма ухлаганда кийиб ол.

Атбо Роқибнинг олдига бир тугунчани секин қўйди.

... Маҳбуслар уйқуга кетдилар. Атрофда ўнларча соқчилар тинимсиз айланади. Маҳбуслар ётган текисликка устунлар ўрнатилиб, машъала ёқилган. Ёруғлик ҳар бир ҳаракатни кўриш учун кифоя қилади.

Роқиб бошига қўйиб ётган тугунни олиб очди: соқчилар кийими ва совути!

Ётган жойида кийим совутни кийди. Сўнг нафасини ютиб, устози Атбонинг ишорасини кута бошлади. Тилидаги бир дуо қалбида ҳам жарангларди: "Аллоҳим, устимиздан сабр ёмғирини ёғдир! Қадамларимизни собит эт! Бизни кофирлар устидан ёлиб қил!"

Унга бу дуони зиндонда Атбо ўргатган эди. Атбо ўтмиш пайғамбарлари, уларнинг кофирларга қарши урушлари ҳақида ҳикоя қилиб, "Аллоҳ ўз изни ила

тавҳид йўлидаги кичик қўшинларга куфрнинг катта лашкари устидан ғалабалар ато этган. Ўшанда Аллоҳга таслим қўллар: "Аллоҳим, устимиздан сабр ёмғирини ёғдир, қадамларимизни собит қил, кофирлар устидан ғолиб эт!" - деб дуо қилишган", - деганди. Ҳозир ҳам Роқиб бу дуо ила Роббисига ёлворар эди. Шу пайт соқчилардан бири у ётган жойга кела бошлади. Роқибнинг юрак уриши тезлашди. "Соқчи" яқин келиб, унга буюрди:

- Маҳбус Роқиб, ортимдан!

Бу устоз Атбо эди. Роқиб ҳам тезда туриб, унга эргашди. Атбо Роқибга пичирлаб:

- Шошилма! Довдирама! Худди соқчилардек маҳбусларни санаб юр! - деди. Сўнг қўшимча қилди: - Анави дарахт ортига ҳожатинг қистаб қолгандек бўлиб ўт. Сал нарида эгарланган от турибди. Миниб, дарага туш. Ўша ерда кўришамиз.

... Дара ичига тушиб, Роқиб атрофга аланглади. Осмонда ой кўринмайди. Енгил шабада эсади. Узоқдан шағирлаб оқаётган сой овози эшитилади.

- Роқиб!

Атбо ҳам етиб келди.

- Кетдик!

Икковлари дара ичидан ғарб томонга отни елдириб кетишди. Тонгга яқин дарадан чиқишгач, дашт бошланди. Тупроқ оқ ва қум аралаш эди. Янтоқ, исириқ, саксавул, жинғил каби бутасимонлар ўсиб ётарди.

Машриқ ёриша бошлаганда орқада отлиқлар тўдаси кўринди. Улар икки маҳбуснинг йўқолганини сезиб, отнинг тўёғи изидан келишаётган эди.

Устоз ва шогирд отларини янада ниқташди. Бир соатларда қуёш чиқди. Отлиқлар жуда олисда бўлса-да, қувишдан тўхташ нияtlари йўқ эди. Атроф яйдоқ бўлиб, кўзга кўринмай кетиш маҳол эди.

Атбо тўхтади. Роқиб ҳам отнинг юганини тортиб, устозига саволомуз қаради.

- Менга Мусо алайҳиссалом: "Роқибни кузатиб қўй!" - дедилар. Бирга бор, демадилар. Болам, Байтил Мақдис шу тарафда. Уни, албатта, Аллоҳимнинг ёрдами ва изни ила топиб борасан, мен шу ерда қоламан. Менинг сафарим тугади, - деб Атбо отдан тушди.

Роқиб ҳам ерга сакради.

- Устоз!

- Менинг отимни ўзинг билан ол! - деди Атбо отининг жоловини Роқибга тутқазаркан. - Чарчаганда алмаштириб минасан. Қурол-яроғингга доим диққат қарат. Аллоҳнинг зикридан ғофил бўлма. Байтил Мақдисда қиладиган ишингни Аллоҳнинг Ўзи сенга билдиради. Бор!

- Сизни қандай ташлаб кетаман! - Роқибнинг кўзидан ёш дувиллади.

- Роббимнинг ҳузурига борадиган вақтим етди, шекилли. Сен мени Роббимизга қолдириб кетяпсан. Бор! - деди Атбо.

Роқиб умрида биринчи марта устозини бағрига қаттиқ босди-да, шарт ўгирилиб, отига сакраб минди ва:

- Аллоҳ мўминларга раҳм қилгувчидир! Ундан бўлак илоҳ йўқ! - деб ҳайқирди-да, қамчисини ҳавода ўйнатди.

... Роқибнинг ортидан кулиб қараб қоларкан, Атбо камонини олиб ўқлади-да, қувиб келаётганларга ўгрилди.

Ўнбиринчи боб

... Байтил Мақдис халқи Шамуил алайҳиссаломнинг йўлига кўз тикмоқда. Ваъда қилинган мўъжиза ҳар ким учун беҳад қизиқ.

Қуёш икки найза бўйи кўтарилганда йиғилган одамлар бир неча юз мингга етди. Ёқуб алайҳиссаломнинг кенжа ўғли Бинямин авлодидан чўпон Толутнинг подшоҳликка танланганлигининг шов-шуви бир кечадаёқ ҳамма жойга тарқалди. Толутнинг подшоҳлиги Аллоҳнинг бир мўъжиза белгиси орқали исботланиши хабари энг дангаса одамларни ҳам бу ерга оҳанрабо каби тортди.

Шамуил алайҳиссалом Толут ва асҳоблари ила кириб келдилар. Баландликка кўтарилиб,

- Эй Бани Исроил! - дедилар. - Аллоҳ Толутни сизларга подшоҳ этиб танлади. Бунинг исботини, албатта, Аллоҳнинг изни ила, кўражаксиз.

Шундан кейин Шамуил алайҳиссалом кўзларини осмонга қаратиб, Аллоҳга ҳамд ва тасбиҳ, такбир ўқий бошладилар.

Осмонни кучли овоз қамради. Қарсиллаган, чарсиллаган товушлар бир неча бор янгради. Куппа-кундузи атроф янада ёришиб кетди.

Одамлар қий-чув кўтариб, ерга йиқилди. Шамуил алайҳиссаломдан бошқа йиқилмаган бирор киши қолмади. Осмондан келаётган даҳшатли овоз ҳамманинг оёғидан қувватни суғурди. Ҳамма қочишни истарди, бироқ оёқларда мадор йўқ эди.

Овоз тинди. Одамлар қўрқа-писа бошларини кўтардилар ва қалбларидаги титроқ зиёда бўлди: осмондан улкан сандиқ тушиб келаётган эди. Сандиқнинг икки томонидан икки нурли хилқат кўтариб олган эди.

Сандиқ пастлагани сайин нур шунчалар порладикки, ҳеч ким бошини кўтара олмай қолди. Ўртада тик турган Шамуил алайҳиссаломнинг:

- Сизларга Аллоҳнинг саломи бўлсин, эй Аллоҳнинг солиҳ бандалари! - деб хитоб қилганлари эшитилди. Жавобан:

- Сизга ҳам Аллоҳнинг саломи ва раҳмати бўлсин, эй Аллоҳнинг пайғамбари! - деган гулдираган товуш янгради.

- Бизларга нима келтирдингиз, эй Аллоҳнинг фаришталари? - дея савол бердилар Шамуил алайҳиссалом.

- Роббимиздан сакинат келтирдик. Ушбу сандиқда Сиз истаган нарсалар бор, - деган қудратли сас келди қулоқларга.

Бироздан кейин Шамуил алайҳиссалом:

- Бошингизни кўтаринг, эй Бани Исроил! - дедилар. Ҳамма ҳадик ила бошини кўтарди. Одамлар эгниларини чанг-чунгдан тозалаб ўринларидан туриб, назар солиб Шамуил алайҳиссаломнинг ёнларида турган улкан сандиқни кўрдилар.

- Бу Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломнинг нарсалари солинган сандиқдир. Аллоҳ буни Толутнинг подшоҳлигини тасдиқлаш учун туширди. Буни инкор этувчилар орангизда борми? - деб сўрадилар Аллоҳнинг элчиси. Ҳамма сукут сақлади. Бир неча лаҳза олдинги қўрқув ҳали қалбларни буткул тарк этмаган эди.

- Аллоҳдан келадиган ҳамма нарсага рози бўлинг. Бу сизларга дунё ҳаётида иззатни, шарафни, қудрат ва буюкликни, охиратда жаннатни берадиган ишдир, - дедилар Шамуил алайҳиссалом. Сўнг Толутга буюрдилар: - Эй Толут! Сен шу ондан эътиборан Бани Исроилнинг подшоҳисан. Қавмингга насиҳат қил. Уларнинг додларига ет. Жароҳатларига малҳам кўй. Аллоҳ сени буюк иш учун, буюк имтиҳон учун танлади. Аллоҳдан қўрқ!

Толут Шамуил алайҳиссаломнинг ёнларига чиқиб, сўз бошлади:

- Эй Бани Исроил! Аллоҳга ҳамд бўлсин! Фақат У мақтовга лойиқ Зотдир. Аллоҳдан қўрқинг, фақат У қўрқишга муносиб Зотдир!

Бани Исроил ўз қаршида чўпонни эмас, забардаст бир подшоҳни кўрди. Толут давом этди:

- Адолат ҳар нарса ўз ўрнида бўлишидир. Зулм бир нарсанинг ўз ўрнидан бошқа жойга мажбуран кўчирилишидир. Подшоҳ ўлароқ менинг икки ишим бор: ҳар нарса, ҳар ким ўз ўрнида бўлишни таъминламоқ ва юртни босқинчидан ҳимоя этмоқ.

Эй Бани Исроил! Мени улуғламанг. Менга таъзим қилманг. Мени мақтаманг. Ўз ҳаддингизни билинг. Ҳамма ўз ишини билиб қилсин. Жиноятчи ичимиздаги босқинчидир. Мен уларни, албатта, жазолайман. Аллоҳнинг элчиси Шамуил алайҳиссалом йўлбошчимиздир, у кишига, шубҳасиз, эргашаман, итоат қиламан. Ҳар ким ҳалол нарсани касб этсин, ҳаромдан тийилсин. Сизлардан мени еб-ичиришни сўрамайман. Сизлардан ҳалол еб-ичишингизни талаб қиламан. Ўзаро меҳрибон бўлинг. Қўпол бўлманг, бефаросат бўлманг. Ёлғон гапирманг. Рост сўзланг. Бирингиз иккинчингизни қўрқитманг. Бирингиз бошқангизни калтакламанг. Бир-бирингизни ўлдирманг. Бир-бирингизнинг устингиздан ҳукм чиқарманг. Бир-бирингизни сотманг. Ҳукм бериш учун Аллоҳнинг элчиси ва ижро этиш учун подшоҳингиз бор. Билинг, ҳеч ким бир-биридан терисининг ранги, бойлиги, мол-мулк сабабли афзал эмас.

Аллоҳнинг наздида ҳамма тенг. Фазлни Аллоҳ беради. Инсонлардан ким афзал эканлигини Аллоҳ ҳал этади. Ўз ноқис ақлингиз билан гапирманг. Ҳасадгўй бўлманг. Ҳасад ортидан бир-бирингизни шарманда қилманг, ўлдирманг. Қўрқоқ бўлманг. Аллоҳдан қўрқинг. Аллоҳдан қўрқингки, У сизни ҳимоя этгай! Пок бўлинг. Аллоҳ покликни севади. Гўзал бўлинг. Аллоҳга гўзаллик хуш келади. Поклик айни гўзалликдир. Гўзал нарсаларнинг ҳаммаси покдир. Бировни айбламанг. Айбни ўзингиздан изланг. Роббимизнинг қадарига таслим бўлинг. Бахт ана шундадир. Хиёнаткор бўлманг! Эй Бани Исроил! Яхшиликнинг мукофоти бор бўлгани каби ёмонликнинг ҳам жазоси

бордир. Адолатда иззат ва шараф бўлгани каби зулмда хорлик ва ҳалокат бор. Жасоратда омонлик бўлгани каби қўрқоқликда ҳаловатсизлик ва хатар бор.

Ўзаро дўстлашмоқда қудрат бўлгани каби адоватда заифлик бор. Бир-бирингиз билан дўстлашмоққа яхши сабаблар изланг, душманлашмоқ учун ёмон сабаб изламанг! Душман зулмига сабр этмоқдан ота-онанг, қариндошларинг, дўстларинг нуқсонларига сабр этиш яхшироқдир. Яқинларингга сабр этсангиз, улар ислоҳ бўлади, ин шаа Аллоҳ.

Эй Бани Исроил! Мен сизларга мўл ризқ ваъда этмайман. Зотан, ризқни Аллоҳ беради. Мен сизларга мўл ризқ топиш ва уни сақлаб қолишнинг йўлини кўрсатаман. Огоҳ бўлинг, мўл ризқ ҳалол меҳнатдадир. Ризқнинг мўллиги унинг миқдорида эмас, баракасидадир. Барака эса доим қорнинг тўқлигида эмас, кўнгил тўқлигида. Сиз овқат талабида, мол-мулк талабида эмас, ҳақ талабида, ҳалоллик талабида ва саховат талабида бўлинг. Ризқ худди ёмғирдек устингиздан ёғилади.

Ҳақни ботилга алмаштирсангиз, ҳалолни ҳаром билан йўқотсангиз, саховат ўрнига бахилликни, ҳасисликни одат тутсангиз, билингки, ейсиз, аммо тўймайсиз, киясиз, аммо исинмайсиз, ичасиз, аммо чанқоғингиз қонмайди, бойликка кўмиласиз, аммо ҳаловат топмайсиз! Эй Бани Исроил! Ҳамиша юрт ҳимоясига шай туринг! Ватанга душман келса, ҳаммангиз урушга шай туринг! Эй Бани Исроил! Билинг, адолатингизга розиман, зулмингиздан норозиман. Билганим ва кўрганимнинг устидан ҳукм қиламан, мендан яширганингиз Аллоҳга ҳавола. Мазлумнинг кўзёшидан кўрқинг! Ночорни эзишдан кўрқинг! Заифни азоблашдан уялинг! Ҳаддингизни билинг! Агар бу ишларни қилсангиз, Аллоҳ сизларни ё менинг қўлим ила, ё бошқа бир йўл ила, албатта, жазолайди! Эй Бани Исроил! Аллоҳга ибодат қилинг! Бутларга ибодат қилманг!

Менинг насиҳатим шу.

Бу насиҳатга амал қилсангиз, Аллоҳ бизга фазлни зиёда қилади. Бу насиҳатни назарга илмасангиз, менсимасангиз, сизнинг аҳволингиз оғир, демак, қалбингиз ғафлат чангалида ҳалок бўлибди. Келажагингиздан ҳалокат кутинг. Бу насиҳатни қабул этсангиз, Ер юзида иззат ва шараф, халқлар, қавмлар ичида куч ва қудрат, обрў ва юксаклик топасиз, охиратда эса, Аллоҳнинг изни ва марҳамати ила жаннатга киражаксиз!

Билингки, Жолут, албатта, Байтил Мақдисга келади, аммо у келмай туриб, унинг устига биз борамиз. У билан ҳисобли ишларимиз бор. Тарқалинг. Эртага яна йиғилиб шу масалада сўзлашамиз, иншаАллоҳ!

... Бани Исроил подшоҳнинг нутқидан мутаассир бўлди. Улар қаршиларида бир подшоҳни кўриб, унда ҳокимият қудрати ва адолат қатъиятини ҳис этдилар ва ўзларини мард, ҳамиятли, ҳимматли ва собит сеза бошладилар. Қалбларида подшоҳларига бир муҳаббат ва итоат уйғонди.

Йилларки, давом этиб келаётган саргардонлик, бечурдлик, субутсизлик ниҳоя топгандек эди. Ҳеч ким тингламайдиган мазлум фарёдининг бир эшитувчиси келган эди. Ҳеч ким раҳм этмайдиган бечораларнинг жароҳатига марҳам қўювчи марҳаматли подшоҳ қошларида салобат-ла тургандек эди. Эгилган бошлар кўтарилди, эзилган қадлар ростланди. Шу баробарда одамлар подшоҳнинг қандай тартибда ишлашини ҳали билмасдилар, бироқ халқнинг жуда катта қисми Аллоҳ ато этган подшоҳга таслим бўлиб, унинг амрларини бажаришга тайёр эди.

... Толут эрта тонгда Байтил Мақдис кўчаларидан юриб, Шамуил алайҳиссаломнинг уйларига келаркан, шаҳарни ҳар кунгидан тоза ва пок эканлигини билди.

Одамлар ўз уйларини, кўчаларини тонгдан тозалашган эди.

- Жолут билан жанг оғир бўлади, - деди Толут Аллоҳга ҳамд айтгач.

-Урушга жисмонан бақувват, матонатли, қурол ишлата оладиган, қўрқмас кишилар борадилар. Агар кимнидир урушдан қайтарсам, бу уни қўрқоқ, матонатсиз деганим эмас, унинг хизмати Байтил Мақдис ичида кўпроқ керак, деганимдир. Урушда лашкарни мен бошқараман. Ҳар бир жангчи менга сўзсиз бўйсунуши шарт. Қол, десам, ўлим келса ҳам, жойида қолсин. Қоч, десам, олтиндан тоғ кўрсатсалар ҳам қочсин! Акс ҳолда, бизнинг лашкаримиздан манфаат йўқдир! Эй одамлар! Мени эшитинг! Уруш бу чексиз машаққатдир, унда ҳордиқ йўқ, лаззат йўқ, сурур йўқ. У қатлдир. У чарчоқдир. У ҳаловатсизликдир. Урушга, аввало, яшашдан, ҳаётдан умидни узиб, кейин борилади. Агар яшайман, деб борсанг, сен, сенинг халқинг душманга мағлуб бўлади. Ўлимга тик борсанг, у сендан чекинади. Яъни, сен ўлим қўрқувини енгасан. Шунинг учун, лашкарга кирадиган ҳар одамни оғир тайёргарликлар кутяпти. Лашкар ичида иссиқ тўшак, қайноқ овқат йўқ. Тўшагинг тошли ер, овқатинг машаққатдир. Шу нарсаларга рози бўлганлар Байтил Мақдиснинг шарқий деворлари остидаги майдонга тўплансин! Бир соат ичида мен лашкар олиш синовини бошлайман.

... Шамуил алайҳиссалом билан бирга майдонга борган Толут бўлажак жангчиларнинг маҳоратини текиширишни бошлади.

... Лашкар учун саралаш бир ой давом этди. Ҳар куни Толут саралашдан ўтганларни бир бўлинма шаклида шаҳардан ташқарига, ўзларининг ичидан бир одамни бош қилиб, ҳарбий машғулотлар учун чиқариб юбораверди. Энг уста темирчилар ҳарбий қароргоҳларга ўз устахоналарини ўрнатиб, қурол-яроғ яшашни бошладилар. Бани Исроил катта жўшқинлик ичида эди. Уларга туганмас барака ёғилаётгандек эди. Одамларнинг қўли қўлига тегмайди. Бозорлар қайнайди. Ҳамма Жолут билан жанг ҳақида ўйлар, бутун қавм шуни олий бир мақсад билиб, бирлашган эди.

Бир ойда ҳамма талабгорлар сараланди. Толут саксон минг кишилик лашкарни бир неча бўлинмаларга ажратиб, Байтил Мақдисдан ташқарига жойлаштириб бўлди. Жангчилар қилич, камон, найза, ойболта, ханжар ва бошқа қуроллар билан машқ қилишга киришдилар.

Лашкарга уруш ва қоидаларни тушунтириш учун Толут чодирдан чиқаркан, икки ёш йигит синовдан ўтиш учун келганини айтишди. Толут Шамуил алайҳиссаломга савол назари ила қаради. Шамуил алайҳиссалом:

- Уларни сина ва лашкарга ол, - дедилар.

Чодир олдида икки ёш йигит турган эди.

- Исмларингни айтинглар, - деди Толут уларга.

- Исмим Довуд ибн Ийшо, - деди жингалак сочли, юзи думалоқдан келган, бироз озғинроғи. У елкасига бир халта осиб олган эди.

- Мен Роқиб ибн Асламман, - деди оқ-сарикдан келган, олтинранг сочи елкасига тушган, нисбатан гавдали ва бақувватроғи.

Иккисидан ҳам бир ихлос ва ғайрат ёғиларди.

- Лашкардан икки киши танлаймиз. Кураш тушасизлар, - деди подшоҳ.

Ўниккинчи боб

Сақиф Ғоба Жолут ибодатхонаси қурилишига аҳолини даъват қилди.

- Худолар олдидаги масъулиятингизни ҳис қилинг, - деди у. - Ўлиб кетган ота-боболаримизнинг руҳлари шу ибодатхонада қўним топадилар. Бу ибодатхонани қуришда севги ва ғайрат ила қатнашмоқ ҳар бирингизнинг бўйнингизда қарз ва мажбуриятдир.

Даъватдан сўнг ақли борлар ўз ихтиёри билан қурилишга жўнади, ақлсизлар эса уйига ғобанинг навкарлари бостириб киргач, назорат остида йўл олдилар. Ҳарқалай, ғоба шундай деб ўйлади.

Кеча Жолут бир мактуб йўллади. Унда: "Ҳозирлан! Оламлар қудрати кенгашига сен ҳам борасан!" деб ёзилганди. Ғоба бу кенгаш ҳақида узунқулоқ гаплар эшитган. Бироқ бу гаплар эртакнамо бўлиб, кўпроқ гумон эди. Подшоҳнинг кенгашга чорлаши ғобани ҳаяжонга солди. Демак, у катта мавқега эришди. Демак, у улкан кучга мансуб бўлмоқда!

Айтилган вақтда буюрилган жойга етиб келган ғоба манзил тоғ бағридаги бир ғор эканини кўрди. Ғорнинг оғзи жуда катта эди. Жолут лашкарлари ғорнинг ичи ва ташилини тўлдириб турибди.

Ғобани ғорга олиб киришди. Қоронғу ва намчил йўлакдан узоқ юришди. У деярли ҳеч нарсани кўрмас, фақат қўлида машъала тутиб йўл бошлаб кетаётган пакана ва букри коҳинни кўрарди. Шу қадар йўл юрдиларки, оёқлар оғрий бошлади, ҳаво камайди, машъала ўчди, зулмат қуюқлашди, "Қўрқма, тез юр!" - деди букри йўлбон.

Тўсатдан атроф ёришгандек бўлди, нафас олгулик ҳаво ҳам етиб келди, улар жуда кенг, шифтлари баланд хонага кириб қолган эдилар. Хонанинг ўртасида олов ёнади, сочлари патила-патила ўсган одамлар оловга сажда қилади, хонанинг деворлари турфа сиймоларни акс эттирган ҳайкалларга тўла. Бу ҳайкалла ўта ғайритабиий эди: баъзилари шохдор, баъзилари уч кўзли, баъзилари қўлсиз ва ҳакозо.

Туйқус қий-чув кўтарилди, қандайдир чилдирма, дўмбира овозлари янгради, ҳамма пала-партиш тиз чўқди, кейин пешоналар ерга қўйилди.

- Бошингизни кўтаринг! - деган амр бўлди. Ҳамма бошини кўтарди. Жолут кекса ва жуда ҳам хунук чол билан суҳбатлашиб келаётган эди. Чол саксовулга ўхшайди, ёноқлари туртиб чиққан, боши кал ва яккам-дуккам сочлари ўсиб кетган, кўса, оёқлари қийшиқ ва буришиқ бўлиб, япалоқ ва бармоқсиз эди, бироқ худди товуқникидек бир неча тирноқлари бор.

Улар олов ёнидан ўтиб, тахтга чиқишди. Тахт кенг бўлиб, икки кишини бемалол сиғдира олади.

Ҳамма Жолут ва ҳамроҳининг оғзига тикилди.

- Бу зот менинг устозим. Жинлар ва девлар салтанатининг султони! У киши менга бир умр ҳамроҳ бўлди. Ўз лашкари ила менга ҳамиша ёрдам берди.

Чол тиржайиб бош силкиди. Хонада саноқсиз жинлар, девлар ва шайтонлар пайдо бўлди.

Ғоба ҳам қўрқди, ҳам мамнун бўлди.

- Мақсадимиз - Ер юзида чексиз ҳукмронлик ўрнатишдир, - деди Жолут.
- Одамларнинг ҳаммаси бизга бўйсунсин, бизга ибодат қилсин, бизнинг қонун билан яшасин. Бироқ бизга қаршилик қилиб келаётган бир куч бор. Бу ўзини Аллоҳнинг пайғамбари, деб атайдиган одамлардир. Улар ишимизни доим чиппака чиқардилар. Энди ундай бўлмайди. Буни бизга шайтонлар султони айтади.

Чол хиринглаб кулди.

- Менга қурбонлик қани? - деди.

Шу ондаёқ тахт яқинида ўтирган бир коҳинни шайтоннинг оёғи остида бўғизлашди. Ғоба эса овозни таниди! Овоз Қувилганнинг овози эди! У ҳаяжондан ўрнидан туриб кетишига бир баҳя қолди.

Шайтон эса қурбонликнинг қони билан олтин косани тўлдирди. Бир хўплаб, Жолутга узатди:

- Ич!

Жолут ҳам бир хўплаб, шайтонга қаради.

- Яна ич! - деди иблис. Жолут косадагини ютоқиб ичиб тугатди. Лабига, соқолига томган қонни артди.

- Лашкарларим! Бу сизларга! - деди шайтон жин ва девларга қурбонликнинг жасадини кўрсатиб. Жин ва девлар ётиб олиб, жасаднинг қонини сўришга, ялашга киришди. Улар хуриллар, хириллар ва хишиларди.

- Ҳақиқатни билинлар! - деди шайтон. - Одамзодни ўз йўриғимиздан юргизиш олий мақсадимиздир. Бу ишдан асло ортга қайтмайман! Менга ёрдам берганларни худо мақомига кўтараман. Ер юзида унга ҳамма бўйсунди. Жолут шу шарафга эришди! Одамларни бўйсундириш ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги - уни алдай оламиз. Қийинлиги - одамлар якка Аллоҳга ибодат қилсалар, уларни енгишда машаққатга учраймиз. Ҳозиргача менда яхши натижалар бор! - шундай деб шайтон қўйнидан папирусга ўхшаб букланган ёзувларни олиб, ўқий бошлади. - Одамларнинг ичини гумон билан тўлдирдим. Уларга ўз аксларини гўзал кўрсатиб, расмлар чиздирдим. Бу расмларга улар ибодат қилишни бошладилар. Одамлар орасида фаҳшни ёйдим. Эр ёки аёл - фарқи йўқ - ҳаммасини ҳирсга қул қиялман.

Шайтон шу жойда тўхтаб, кибр билан ҳаммага қаради-да, давом этди:

- Одамларга ёлғонни ўргатдим. Мансабга қизиқтирдим. Хаёлини чалғитдим. Сен ҳаммадан яхшисан, деб ишонтирдим. Аёллар табиатан заифдир, уларни алдаш осон. Улардан кўп фойдаландим. Сизлар менинг лашкаримсиз. Мен билан бирга ортга қайтилмайдиган йўлдасиз. Бу сизларга нима беради? Ер юзида истаган ишингизни қилинг. Хаёлингизга келган нарсани бажаринг. Ўзингизни қафасда сақламанг! Хоҳласангиз, одам

Ўлдилинг! Хоҳласангиз, одамларни қўрқитиб ишлатинг! Шаҳватингизни тийманг! Сизга нимаики, ёқса, албатта, уни қўлга киритинг. Бўшанглик қилиб, бой берманг. Бутун оламга қандай қудратли, қандай кучли, қандай гўзал эканлигингизни намойиш қилинг. Одамлар сиздан қўрқсин, олқишласин, яхши кўрса ҳам, майли. Сиз ҳеч қачон бировнинг раъйига, кўнглига қараманг. Ўз истакларингизга боқинг. Бу истак хушмуомала бўлишни талаб этса, албатта, хушмуомала бўлинг.

Қаҳрни талаб этса, қаҳр кўрсатинг. Бировнинг истагига ўзингизни қурбон қилманг. Аввало, мен, денг. Сен менинг истагимни бажаришда восита бўлсанг, сен билан келишаман, денг. Йўқса, рад этинг. Сизга восита бўлмайдиганларни йўқ қилинг, улардан воз кечинг, ўлдилинг!

Шайтон берилиб гапирди. Унинг нутқи Ғобага жуда ёқди.

- Шамуил деган бир пайғамбар Толут деган қўйбоқарни подшоҳ қилиб тайинлабди. Толут Жолут билан жанг қиларкан. Толутнинг лашкарини қириб ташлаш шарт, вассалом. Шамуилни ҳам қатл этинг. Бизнинг истакларга ғов бўлганнинг аҳволини бутун олам кўрсин!

Ҳамма қарсак чалди. Шундай чапак чалиндики, унинг шамоли оловни қимирлатиб юборди. Шайтон чапак овозидан, қарсак гулдуросидан лаззатланди ва яна жўшиб давом этди:

- Бизнинг Ер юзидаги ҳукмронлигимизни, одамзодни бошқаришимизни истамайдиган битта куч бор. Бу пайғамбарлардир. Уларнинг ҳаммаси инсониятни осмонга боғлашга интиладилар. Осмондан хабар олиб келишади. Биз пайғамбарларга, улар олиб келаётган ҳамма нарсага душманмиз! Улар ўрнатадиган ҳамма конунни синдилинг, йўқ қилинг! Одамзодни само билан боғланишига йўл қўйманг!

Шайтон лашкари бир овоздан бақирди:

- Ҳа! Ҳа! Ҳа!

- Шундай! - деди шайтон мамнуниятдан кўзи қисилиб. - Одамларни бирдан бўйсундира олмайсиз. Уларга уларнинг севимли тарафидан келинг. Фарзандни севса, фарзанд билан таҳдид этинг. Аёлни севса, аёл билан алданг. Жонини яхши кўрса, жонини олиш билан қўрқитинг! Нима қилсангиз, қилинг, инсонни бўйсундиринг.

Ростгўй одамни ростгўйлиги билан чалғитинг. Жасоратли одамни жасорати билан кўзини бойланг.

Одамларни кибр билан заҳарланг. Ҳаволантиринг. Ва қалбларини ўлим қўрқуви билан тўлдиринг. Шунда уларни бемалол ўз йўлингиздан олиб кетаверасиз!

- Ҳа! Ҳа! Ҳа! - деб чувиллади лашкар.

- Сеҳр бизнинг энг яхши қуролимиздир. Сеҳр билан аксар қалбларни ҳалок этишимиз мумкин. Орангизда катта-катта сеҳргарлар бор, фолбинлар бор, уларга бириктирилган жинлар бор. Улар ҳамиша бизнинг хизматимизда.

Шайтон яна олқишлар оғушида ҳузурланди. Сўнг ибодат маросими бошланди. Келганларнинг барчаси шайтон амрига кўра бутларни улуғлашди, оловдан ёрдам сўрадилар, қон аралашган шаробларни ичдилар...

Ушбу маросим Ғобага куч бағишлагандек эди. Энди у ўзини чексиз эрк қучоғида сизди, ибодатхона қурилиши ва Толутга қарши икки юз минг кишилиқ қўшин таъминоти ишларига шўнғиб кетди.

Жолут қўшини Ўрдун водийсига жамланди, ҳарбий машқлар бошланди.

- Шамуилнинг ўлими, Толут лашкарининг Ер юзидан йўқотилиши бизга катта қудрат беради, - деди Жолут Сақиф Ғоба билан лашкар ичида айланаркан. - Жинлар, девлар биз томонда. Бизда жуда катта бойлик, уруш тажрибаси, саноксиз қурол-яроғ, юзлаб ҳийлалар бор. Шайтон ҳамиша маслаҳатга шай. Лашкарнинг истаганини берамиз. Улар бизнинг истагимизни бажаради. Ҳукмронлик зинҳор қўлимиздан кетмасин. Сен ҳамиша менга

бўйсун. Агар хаёлингда бошқа ўй бўлса, воз кеч. Сен мендан кучлироқ бўлишга интиланган онингда ҳалок бўласан.

- Асло бундай гумон қилманг, ҳукумдорим, - деди Ғоба.

- Сиз мен учун худосиз. Менинг худойим сизсиз. Мен сизнинг қулингизман. Сиз мени тарбияладингиз. Йўл кўрсатдингиз. Куч-қудрат бердингиз. Сиз энди Ер юзига худо бўласиз!

Жолут хурсанд бўлди.

- Бир он қатъиятни бой берма. Қўл остингдагилар назоратингдан чиқиб кетмасин. Доим уларни қўрқит. Сенсиз ҳаёт йўқ, деб ўйлашсин. Йўқолиб қолсанг, қандай яшаймиз, деб додлашсин. Шундай ишлар қилки, сендан одамлар калтак есин, лекин сени яхши кўришсин. Тепикингни ҳам неъмат санашсин. Зулмга уларни итни гўштга ўргатгандек, ўргат. Зулм бўлмаса, зулмни, калтакни, зарбни ўзлари қўмсашсин. Сенга бош эгиб, сендан ҳақорат эшитиб, ҳузурланишсин. Сенинг муштингни буюк бахт, деб билсин. Бунга эришиш учун одамларнинг ҳаётини шовқинга тўлдир. Қўшиқчилар қўшиқ айтсин, машшоқлар машқини чалсин, шоирлар шеърини ўқисин, кимларнидир қандайдир жиноятлар ила айбла, жазола, қатл эт, кези келганда афв эт. Ҳеч кимга ёлғиз қолиб, сен хоҳлагандан бошқа нарсани ўйлаши ёки тасаввур этишига йўл берма!

Одамлар сен истаган нарсани ўйласин, сен истаган нарсани орзу қилсин, сен истаган нарсани кўрсин ва гапирсин. Тушларини ҳам сен хоҳлагандек кўрсинлар. Уларни шу қадар чангалда қаттиқ ушла! Кимдир сен белгилаган ҳудуддан чиқса, душман, телба, мажнун, жиноятчи, деб сазойи қил. Бирор одам сенга исён қилиш, сенинг тасарруфингдан чиқишни хаёлига келтира олмасин! Уқдингми, Ғоба? - деб сўради Жолут.

Ғоба бу насиҳатлардан тўлқинланиб кетди.

- Уқдим, ҳукмдорим! - деди бутун вужуди қалтираб.

- Яхши, - Жолут шогирдидан қониқди. - Бу худо бўлишнинг шартидир. Мен худо бўлиш учун келганман, сен худонинг ёрдамчиси бўлиш учун туғилгансан!

Ғоба тиз чўкиб, ўкраб йиғлаб юборди ва Жолутнинг этагини ўпа бошлади.

Ўнучинчи боб

Янги келганларни синаш учун Толут икки кишини чақирди. Ўзини Довуд ибн Ийшо деб танитган йигит курашга шайланиб, елкасидаги халтани ерга қўйди. Халтада оғирроқ нимадир борлиги билинди. Шамуил алайҳиссалом айнан шу халтага диққат билан қараб қўйдилар. Довуд рақибини узоқ чўзмасдан мағлуб қилди, ҳолбуки, курашга чиққан одам ўз жамоасининг кучлиларидан эди.

Исмини Роқиб деб айтган йигитнинг ҳам қаршисида рақибни пайдо бўлди. У ҳам курашчилиги, қиличбозлиги билан ном қозонганлардан эди. Улар бел олишдилар. Олишув бир неча дақиқага чўзилди. Рақибни Роқибнинг маҳоратли устоздан яхши таълим олганлигини йигитнинг ҳимоя ва ҳужумига

қараб тезда фаҳмлади. Роқиб олишаркан, қаршисидан тажрибали ва бақувват жангчи чиққанини сизди.

Рақиб би бир қанча ҳужум услубларини қўллади, Роқиб ўзини етарлича ҳимоя қилди, музорибида чарчоқ аломати пайдо бўлиши ҳамон ҳужумни кучайтирди ва ғолиб бўлди. Янги келган икки йигит ўзларини лашкарга муносиб эканликларини ҳаммининг кўз ўнгида исботлади. Толут уларни бўлинмалардан бирига бириктирди.

Йигитлар кетаркан, Шамуил алайҳиссалом:

- Эй Довуд ибн Ийшо, бу ёққа кел, - дедилар. Довуд келиб, салом берди. Аллоҳнинг элчиси сўрадилар. - Халтангдаги нима?

- Тошлар, - деди Довуд.

- Нега тошни овора бўлиб кўтариб юрибсан? - дедилар Шамуил алайҳиссалом.

- Йўлда келаркан мана бу тош гапирди, - деб одамнинг бошидан келадиган бир тошни кўрсатди Довуд. - Тош: "Эй Довуд, мен билан Иброҳим алайҳиссалом бир золим мушрикни ўлдирган, мени ол", деди. Олдим. Яна бу иккитасидан бири Ҳорун алайҳиссалом, буниси эса Мусо алайҳиссалом душманини мен билан қатл этди, мени олиб кет, деди. Олиб, халтага солдим.

- Бу тошларни қачон ишлатишни биласанми? - деб савол бердилар Шамуил алайҳиссалом.

- Билмайман, - деди Довуд.

- Тошларингни қачон ишлатишни сенга ўзим айтаман, унга қадар уларни эҳтиёт қил, - деб тушунтирдилар Шамуил алайҳиссалом.

Орадан уч кун ўтди. Толут лашкари қўзғалди. Саксон минг кишилиқ қўшин суворий ва пиёда жангчилар аралаш ҳолда саҳронинг ичига йўл олди. Қўшин чанг-тўзон кўтарди. Бу қадар қудратли қўшинда бирлашмаган Бани Исроил қалбида ғурур жўш урди. Ўз салобатига, ҳашаматига маҳлиё бўлган

жангчилар беҳад мамнун эди. Баъзилар терисига сиғмайди. Ғалабага ҳамма ишонади, кучлари билакдан тошади, қиличларнинг ўзи учиб бориб, ғанимнинг юрагига санчиладигандек, гўё. Ўзини, бир-бирини мақташ қўшин ичида авж олди. Емак етарли, сув кўп, туяларга мўл таъминот юкланганидан барчанинг кўнгли хотиржам эса-да, Толут беҳаловат бўлиб, лашкар катта синовга дуч келишини ички ҳис ила сезаётган эди.

Етти кун тўхтовсиз юриш ила лашкар саҳронинг ўртасига етиб келди. Қуёш кутилмаганда қиздирди, тўрт томон қум барҳанларидан иборат эди, лашкарнинг ташналиги ортди, сувни ҳар кунги меъёрдан ортиқ ича бошладилар. Ўн кунда чарчоқ, жазирама ва ташналик чангалида қўшинда асабийлик пайдо бўлди. Совутлар, қилич ва найзалар иссиқдан қизиб, улар кўтариб юриш малол келади. Толут сувни меъёрдан кўп ичишни таъқиқлади. Жангчилар сув талашиб, жанжаллашишни одат қилди. Сув ўғирлаётганлар бир неча бор ушланди, афв этилди, такрорлангач, Толут жазо тайинлашга мажбур бўлди. Насиҳат ҳеч кимга таъсир этмай қўйди, икки марта ғалаён бўлди. Учинчи марта ўн минг киши сувнинг ҳаммасини олиб, кечаси қочиб кетди. Қочоқлар соқчи бўлинма билан келишгани учун бу воқеа тонгда маълум бўлди. Лашкарни парокандалиқдан қутқаришнинг йўли қолмади. Ҳамма бир-бири билан олишар, сўкишар, ҳатто, қилич яланғочлаганлар бор эди.

Ўн-ўн беш кун аввалги кўтаринкилидан асар ҳам қолмади. Лашкарнинг бир қисми қочоқларни қувиб етишни талаб қилди, бир қисми ортга қайтишни сўради. Толут ўз атрофидаги ўн минг лашкар ҳимоя чораларини кўришга мажбур эди. Исёнкорлар сони кўп эди.

Исёнкорлар, аслида, бирлашмаган эдилар, улар ҳам ўзаро ихтилоф қилиб, бўлак-бўлак ҳолда саҳронинг турли тарафларига сочилиб кетди. Толутнинг қошида яна беш минг киши ҳақ талаб қилиб қиличини қиндан суғурди.

- Эй Бани Исроил! - деди Толут. - Сизларга не бўлди? Қулоғингизга том битдими? Нечун насиҳатни эшитмайсиз? Мендан ажраб кетганларнинг бирортаси нажот топмайди, ҳаммаси саҳрода ҳалок бўлади. Сизлар итоат қилишингиз шарт эди. Ташна бўлган биргина сизмисиз? Аллоҳнинг пайғамбари Шамуил алайҳиссаломнинг муборак юзлари, лаблари чанқоқдан ёрилиб кетди. Ҳаммамиз қуёшда қуритилган узум каби бўлдик. Сув бўлмаса, мен уни қаердан оламан?!

Одамлар иссиқдан сўзга ҳам ҳолсиз эди.

- Аллоҳ шарафга, иззатга, ўз раҳматига лойиқ бўлганларни ана шундай саралайди. Сизлар бетоқат бўлманг! - деб сўзида давом этди Толут. - Ўзингизни бесабрлик ила шарманда қилманг! Эй қўшиним! Яна уч кун йўл босамиз ва Ўрдун дарёсига етиб оламиз. Бу дарё Аллоҳнинг синовидир. У дарё сувини қониб ичишни хаёлингизга келтирманг. Бир ҳовуч, фақат бир ҳовуч ичса, мумкин. Акс ҳолда, сувдан тўйиб ичганлар лашкардан чиқади! Огоҳ бўлинг! Сўзларимни унутманг!

Подшоҳнинг гапи қўшинда тарқалди, биров қабул қилди, биров дарёга ўзимни отаман, деди.

Уч кун ўтиб ерда бутасимон ўсимликлар кўринди. Дарё қушлари кўринди. Бироз ўтиб, дарё ҳидини олиб шабада келди. Судралиб келаётган қўшин дарёга югурди. Толут тулпорига миниб қўшин ичида: "Дарёдан сув ичманг! Дарёдан сув ичманг! Дарёдан сув ичманг!" - деб юрди. Ўн беш минг киши ичида буни билмаган ҳеч ким қолмади.

Дарё олдидаги тепаликка Толут жойлашди, минглаб одамлар дарёга ўзларини ташладилар, одамлар хохолаб кулар, чўмилар, сувни симириб ичардилар. Толутнинг атрофида мингга яқин жангчи қолди. - Сабр, сабр, сабр, - деди Толут. Унинг ёнида Шамуил алайҳиссалом, Довуд ва Роқиблар жой

олдилар. Қолган содиқ кишилар ҳам сабр ила дарёда сув ичаётганларга қараб ўтирдилар.

Дастлаб, бирор ҳодиса содир бўлмади. Сувдан қониб ичганлар тепадагиларга шодон ва ғолибларча боқиб, чодир ўрнатишга киришдилар. Сўнг, ваъда қилинган воқеа рўй берди: одамларнинг бир қисми эсларини йўқотиб, ўз ҳаракатларини назорат этолмай қолдилар, бошқа одамлар қоринларини чангаллаб йиқилди, баъзилар шу ондаёқ ўлди. Санокли сонияларда дарё бўйида тик турган бир кимса қолмади.

Толутнинг ёнидагилар аянчли манзарани гувоҳи бўларканлар, қўрқув ичида айтган сўзлари "Ла илаҳа иллаллоҳ" бўлди.

- Бугуноқ дарёдан ўтамиз, - деди Толут. Лашкарнинг бир гуруҳи сол яшашга, бир гуруҳи сувнинг кечувини аниқлашга, бир қисми юкларни қайта тартиблашга киришди.

- Эй Аллоҳнинг элчиси, - деди Толут. - Бизнинг қўшинимиз минг кишига ҳам етмайди. Жолут дарёнинг нарига томонида икки юз минг жангчи билан бизни кутмоқда.

- Эй Толут, - дедилар Шамуил алайҳиссалом. - Исроил болалари Аллоҳ йўлидаги урушни истадилар. Бироқ уларнинг аксари бу ниятини бузди. Улар мол-дунё ва обрў учунгина жангга киришни хоҳлаб қолди. Ҳикмат соҳиби бўлган Роббимиз сенинг ёнингда фақат Аллоҳ учун қилич кўтарганларни қолдиради. Шуни билки, бундай одамлар Ер юзининг ҳамма жангчиси кофир бўлиб, уларга қарши келса, душманларининг юрагини даҳшатга тўлдирадилар. Чунки уларни қудратли ва катта қўшинга урушга бошлаган фақат Аллоҳнинг муҳаббати ва ризосидир. Аллоҳ уларни Ўзининг кўринмас лашкарлари ила доим қўллайди.

Толут Шамуил алайҳиссаломни диққат ва ихлос ила тингларди.

- Эй Толут, шуни билки, сенинг қўшининг орасида Жолутни ўлдирадиган бир пайғамбар бор. Сени Аллоҳ асло ёлғиз қолдирмайди. Сен тушкун бўлма. Қалбингга шубҳани киритма. Сенинг бу жангинг шундай жанг бўладики, инсоният халоскори, Аршнинг меҳмони бўладиган зот, пайғамбарлар султони Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кофирларга қилажак илк уруши худди сеники каби бир қўшини ила бўлади, ўшанда Муҳаммаднинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, издошлари сени ва лашкарингни эслайди, бир ибрат ўлароқ зикр этиб, сенга берилган нусратдан умид қиладилар. Аллоҳ таоло бизни умидсиз қолдирмаганидек, уларни ҳам умидсиз қўймайди!

... Шу куни кечгача қўшин дарёдан ўтиб, водийга жойлашди ва тонгни шу ерда оттирди. Водийда булоқлар, жилғалар кўп эди, ҳамма чанқоғини қондириб, Аллоҳга ҳамд айтди.

Лашкар уч кун нафас ростлаб, яна олға юрди.

Водийдан чиқдилар ва машриқни булутдек қоплаган Жолут қўшинини кўрдилар. Икки лашкар улкан текислик устида бўлиб, ораларида минг чақирим масофа бор эди.

Жолут бу пайт машқ билан банд эди. Кекса подшоҳ бир ўзи энг бақувват ва жанговар жангчиси билан жанг тайёргарлигини ўтказаетган эди.

Бутун қўшин подшоҳларининг урушга моҳирлигидан ҳайратда эди. Жолут қиличбозликда, найзобозликда чапдаст ва тезкор бўлиб, ёяндозликда тенгсиз эди. У ҳамма жангларда жанг майдонида бўлиб, лашкарни руҳлантириб келди. Душманлар Жолут исмини эшитсалар, тасаввурларида, енгилмас жангчи пайдо бўларди. Подшоҳ кўп вақтини машқларга сарфлайди. Лашкарига жуда ғамхўр ва қаттиққўл.

Унга Толут қўшини дарёдан кесиб ўтганини айтдилар. Жолут жангни тўхтатди ва махсус маёққа чиқди. Бир ҳовуч лашкар чодир тикаётган эди. У кулгидан ўзини тўхтата олмай қолди.

- Эй Сақиф Ғоба, анавиларни кўр! - деди қаҳ-қаҳ отиб.

Неча йилки, хизматкор, қул, аъёнлардан ҳеч ким Жолутнинг бу қадар кулганини кўрмаган. Подшоҳнинг кулгисидан ҳадиксираб, ўз душманларига қарадилар. Улар эса жуда кўп қўшинни кўрди. Буни подшоҳга айта олмадилар. Чунки Жолут бошқа ўйда эди. У саксон минг кишилик лашкарни кутиб, ўта пухта тайёрланди. Лашкарнинг ҳужуми режасини тунлари ухламай тузди, суворийлар ҳужуми, камончилар ҳужуми, қиличбозлар уруши ва пистирма ҳақида фикрлади, саксон йил тахтда ўтириб, бирор урушга бу қадар жиддий қарамаганини ўзи яхши эслайди. Шайтон ҳам: "Қаршингда Ер юзидаги энг катта душманинг туради", - деган эди. Шу жангни Жолут ўз тарихининг энг машаққатли жанги бўлишидан қўрқиб, ўзи ҳам охириги пайтлар жуда кўп машқ қилди. Ҳозир эса уни хавотирга солган қўшиннинг бир ҳовучлигидан ҳам кулди, ҳам ғазабланди. "Бу аҳмоқларнинг қаршисига шунча қўшин тортиб чиққанганимни қара! Ахир, ҳаммасини бир ўзим енгиб қўяман-ку!" - деб ўйлади.

Толут қўшинида норозилик бошланди. Олти юзга яқин одам урушмай таслим бўлиш ёки ортга қочишни истади. Улардан бир вакил Толутнинг олдига келди.

- Эй Толут, - деди у. - Биз сенга осмондан сандиқ тушмасдан аввал эргашдик. Саҳрода ташна қолдик, лекин эргашдик. Дарёда сув ичма, дединг. Ичмадик. Энди эса сендан талабимиз бор.

Толут унга хотиржам боқиб деди:

- Ўзингни шарманда қиладиган талабни айтма.

- Бу талаб, - деди келган вакил. - Энг тўғри талаб. Оқил одамнинг талаби.

- Ундай бўлса, бутун лашкар ичида айтасан, - деди Толут ва қўшинни сафлантириб, ичига кирди.

- Эй Бани Исроил қўшини! - деди у. - Мана бу одам ўз подшоҳидан нимадир талаб қилишни истаётган экан. Мен унга шармандали нарсани талаб

қилма, дедим. У менга талаби энг тўғри талаблигини айтди. Мен эса ундан бутун лашкар ичида талабингни баён эт, дедим. Мана у! Гапир, балки сен каби талаби бор бошқалар ҳам жим ўтиргандир, сен орқали дардларини баён қилишар! Сўзла!

Талабгор аксари ҳорғин ва умидсиз турган лашкарга қараб олди-да, баланд овозда гап бошлади:

- Эй Толут! Сени Аллоҳ танлаган подшоҳ эканлигинга ҳаммадан аввал ишондик. Саҳрода ташна бўлсак-да, ёнингда қолдик. Дарёдан сув ичмадик. Яъни, ҳамиша сенинг итоатингда бўлдик. Тўғримми?

- Тўғри, - деди Толут унинг гапини тасдиқлаб. - Менга бўйсуниб, зарар кўрдингми? Шикаст едингми?

- Йўқ, мен зарар кўрмадик, шикаст емадик, омон қолдик. Шу пайтга қадар сенинг айтганинг бўлди, энди бизнинг айтганимизни қил!

- Сен нимани истаяпсан? - сўради Толут.

Талабгор нафас ростлаб олиб, мақсадини айтди:

- Биз Жолутга қарши уруша олмаймиз, тоқатимиз етмайди. Бизни ортга олиб, қайт!

Жимлик чўқди. Толут талабгорга қаттиқ тикилди ва қўшинга ўгирилди:

- Шу нарсани хоҳлаётганлар лашкардан чиқсин ва мана бу томонга сафланинг!

Бир неча дақиқада қўшиннинг учдан икки қисми урушни истамаслигини билдириб, сафдан чиқди.

Толут Шамуил алайҳиссаломга қаради. Шамуил алайҳиссалом туясини ниқтаб, ўртага чиқдилар ва Аллоҳга муносиб мақтовни айтганларидан сўнг, сўз бошладилар:

- Эй Бани Исроил! Сиз Жолут билан Аллоҳ йўлида урушамиз, бизга бир подшоҳ тайинла, дедингиз. Мен сизларга, балки урушни истамай қоларсиз,

дедим. Сиз эса оёқ тираб туриб олдингиз. Аллоҳ Толутни подшоҳ қилиб танлади, сиз эса рад этдингиз. Аллоҳ осмондан бир далил туширгач, Толутга бўйсундингиз. Қўшинга кирдингиз. Кўпчилигингиз саҳрода ташналикка дош бермай исён этдингиз. Қолганингиз огоҳлантиришга қарамадингиз. Дарёдан сув ичиб, ўлдингиз. Энди эса Жолутнинг қаршисида қўрқувдан эсингизни йўқотиб, ортга қочамиз, дейсиз. Сизнинг Аллоҳ учун деб талаб қилганингиз уруш шуми? Ё сизлар Аллоҳ йўлида шундай урушасизларми? Ваъда ва аҳдингизда нақадар ёлғончисиз! Аллоҳга иймон келтирдим, дейсиз, аммо Унинг муҳаббатини қозонмоқ ҳақида уйламайсиз!

Шамуил алайҳиссаломнинг овозлари чақмоқдай бўлиб қулоқларга етиб борарди.

- Агар фойда топсангиз, Аллоҳ йўлидан юрасиз. Фойда кўрмасангиз, тескари буриласиз. Жонингиз омон қолса, бирор хатар бўлмаса, хавфдан холи бўлсангиз, Аллоҳ йўлидаман, деб кўкрак керасиз, жонингизга хатар етиши билан аҳдингизни унутиб, ортга бурилиб қочасиз. Қаршингизда бир пайғамбар турибди, хизматингизда Аллоҳ танлаган подшоҳ турибди, лекин сиз қўрқоқларча қочасиз? Роббингизга юзлашмоқ ҳақида уйламайсизми? Модомики, бундай синовларга дош бермас экансиз, нима учун даъво байроғини кўтардингиз? Нима учун уруш қиламан, деддингиз? Ҳаддингизни билиб гапирсангиз, бўлмайдими? Йўқ, сиз ҳаддингизни билмайсиз! Сиз ваъдабоз ва сергапсиз. Ҳаммангиз жанг майдонидан йўқолинг. Охирги нуқтада ниятингиз бузилди, охирги паллада қалбингиздаги мараз ўзини фош қилди, энди сизга бу майдонда ўрин йўқ! Кетинг!

Ортга қайтишни истаганлар титрашди. Улар гумон ва иймон орасида эдилар. Қайси ишнинг ҳақлигини ҳамон билмас эдилар. Бироқ ҳукм ўқилди, майдонда қолиш имконсиз эди. Рад этилганлар майдондан бошларини эгиб

чиқиб кетдилар. Уларнинг охиргиси чиққач, Шамуил алайҳиссалом қолганларга юзларини қаратдилар.

Ўнтўртинчи боб

- Кетадиганлар, кетди, - дедилар Шамуил алайҳиссалом. - Сизлар нима дейсиз?

Лашкар ичидаги Роқиб олдинга чиқди.

- Эй Аллоҳнинг элчиси! Ўтмишда ҳам Аллоҳга иймон келтирганлар ва куфр аҳли ўртасида кўп жанглар бўлди, - деди Роқиб. - Аллоҳ Ўз изни ва марҳамати ила, Ўз хоҳиши ва иродаси ила катта қўшинлар устидан кичик қўшинларга нусрат ва ғалаба берган! Бизни йўлга бошланг! Биз бошимизни Роббимиз қошида ерга қўямиз: "Ё Роббимиз, устимиздан сабр ёмғирини ёғдир, қадамларимизни собит қил ва кофирлар устидан бизга нусрат ҳамда ғалаба бер!" - дея ёлворамиз. Аминмизки, Аллоҳ Ўзига иймон келтириб, таслим бўлган қулларини ёрдамсиз ташлаб қўймайжак!

Шамуил алайҳиссалом мамнун бўлдилар ва дедилар:

- Яна бир марта амин бўлинг, Сизларга Аллоҳнинг нусрати келади. Роббимиз бизни ташлаб қўймайди! Эй Аллоҳнинг лашкари! Аллоҳдан сабр, собитлик ва нусрат сўранг!

Лашкар тиз чўкди, айтилганидек, дуо қилди. Ҳамманинг руҳи тетиклашди. Чарчоқ кўтарилди. Қўрқувдан асар ҳам қолмади. Жангчилар буюк иш қаршисида эканликларини очиқ-ойдин билдилар.

Шамуил алайҳиссалом Довуд ибн Ийшони топиб:

- Эй Довуд, - дедилар. - Йўлдан топган тошларинг қаерда?

Довуд алайҳиссалом елкаларидан халтани дарҳол тушириб, ичини очиб, тошларни кўрсатдилар.

- Эй Довуд, бил, - дедилар Шамуил алайҳиссалом. - Шу тошлар билан Жолутни сен қатл этажаксан. Жолутга қарши ким яккама-якка урушга чиқади, деб сўралса, иккиланма ва урушга чиқ!

... Толут қўшини эртаси кун тонгда Жолут қўшини қаршисида саф тортди. Саф юз кишидан уч қатор эди. Биринчи юз кишига Толут, иккинчи юз кишига Довуд алайҳиссалом, учинчи юз кишига Роқиб раҳбар эди. Толутнинг ортидаги жангчилар жами уч юз ўн киши эди. Рўпарада эса икки юз минг кишилик лашкар турар, Жолут ўзининг баланд қилиб ўрнатган тахтида шароб ичиб ўтирарди.

"Икки юз минг одамим бир вақтда ўқ отса ҳам, булардан бир киши омон қолмайди, - деб ўйлади Жолут. - Қайси ақл билан Шамуил ва Толут менинг лашкарим қаршисида саф тизди? Бу қандай ҳақорат!"

Жолут бу иши учун Толутни қандай жазолаш ҳақидагина хаёл қилди. У бир нарсдан ғофил эди. У ўз лашкари кўриб турган нарсани кўрмади. Аллоҳ Толут қўшинини Жолутдан бошқа ҳаммага бениҳоя кўп ва улкан қилиб кўрсатди, Жолут эса уч юз кишини ўттиз киши, деб ҳам ҳисобламади.

Ўрнидан туриб, тахтдан тушди, отини келтиришди, минаркан, деди:

- Эй қўшим! Билинги, бир ўзим анави аҳмоқларни енгаман!

Шу ондаёқ Сақиф Ғоба тиз чўкиб, ер ўпди:

- Подшоҳим, изн беринг, биз ҳужум қилайлик! Улар қиличингизни қиндан чиқаришингизга-да, арзимамайди.

Жолут Ғобага қараб турди-да:

- Кут! - деди. Майдонга от чоптириб кириб, Толут қўшинига бақирди:

- Эй аҳмоқлар қўшини! Қайси биринг мен билан яккама-якка жанг қила оласан?

Шамуил алайҳиссалом дарҳол Толутга дедилар:

- У сенинг қўлингда ўлмайди. Лашкарга Жолут ўлдирган одамга қизингни бериб, ўзинга ворис деб эълон қилишингни айт!

Толут от ўйнатиб лашкарига юзланди:

- Эй жангчилар! Ким шу кофирни ўлдирса, яккаю ягона қизимни унга бериб, ўзимдан сўнг тахтни қолдираман. Чиқинг!

Қўшиндан Довуд алайҳиссалом чиқиб:

- Жолутни Аллоҳнинг изни ила мен ўлдираман! - дедилар.

- У ҳолда, бор! - деди Толут. Довуд алайҳиссалом халтасидан бир дона тошни сапқонга жойлаб, Жолутга қараб пиёда югурдилар. Жолут ўзига югуриб келаётган ёшгина жангчини кўриб, янада ғазабланди. Найзасининг учини унга мўлжаллаб, от солди. Икки томон нафасини ютиб қараб турарди. Деярли ҳамма Жолут найзаси ёш жангчини ўлдиришини тахмин қилди. Лекин кутилмаганда Довуд алайҳиссалом отган муштдай тош Жолутнинг ўнг елкасига тегиб, уни отдан учуриб юборди. Жолут ўзини ерда ётганини кўриб, бўқирда ва отилиб ўрнидан турди.

Ўнг елкасидаги оғриққа қарамай ердаги найзасин олиб, Довуд алайҳиссаломга отиш учун ташланди. Бироқ яна бир муштдай тош унинг чап елкасига тегиб, суюгини синдирди. Жолут ихраб, тиз чўкиб қолди ва найзасига

суянди. Довуд алайҳиссалом энди нақ калладай келадиган тошни сапқонга жойлади. Бу тош Жолутнинг қоқ пешонасига бориб тегди ва шайтон жойлашиб олган бошни тарвуздай ёриб, мажақлаб юборди. Қонга беланган Жолут юзтубан ерга йиқилди.

- Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!

Толут лашкарининг такбир айтган овози жанг майдонини қўпориб юборди, гўё. Майдондаги ҳар бир зарра тупроқ, қум ва чанг ҳам "Аллоҳу акбар!" деб такбир айтаётгандек эди. Жолут лашкари қўрқувдан ортга қараб қочди. Ит эгасини, мушук бекасини танимай қолди. Ҳамма қий-чув кўтарарди. Бироқ Сақиф Ғоба ақлини йўқотмади. Бироз ҳаяжонланса-да, ўзини босиб, қўл остидаги шахсий минг кишилик бўлинмаси билан Толут томон юрди.

Толут Роқибга буюрди:

- Ҳужумга ўт ва Аллоҳ номи ила уни янчиб ташла!

Роқиб ўз лашкари билан Сақиф Ғоба устига ўқдек отилди. Ғобанинг лашкари ўзларига келаётган қўшинни кўриб, эсдан оғиб қолгудек бўлиб, ортга қоча бошлади. Жангда ёлғиз Сақиф Ғоба қолиб кетди. Ана шу онда Ғоба қўрқди. Бироқ қаршисида унга қилич ўқталиб келаётган ёш жангчини танигандек бўлди ва эслаб:

- Сен Муассарнинг авлодимисан? - деб бақирди. Роқиб бир зарб ила Ғобанинг қўлини узди. Иккинчи зарб золимнинг оёғини "чўрт" кесиб ташлади. Ғоба гапиришга ҳоли қолмай қонига беланиб йиқиларкан, тепасида шайтон пайдо бўлди:

- Ўрнингдан тур! Йиқилма, - деди.

Унинг овози Ғобага куч бергандек бўлди. Бир амаллаб бошини кўтарган эди, Роқибнинг қиличи уни чопди. Мустабиднинг калласи ерга думалаб, тупроққа қорилди.

Бошидан айрилган Ғоба уни даҳшатли одамлар оловга судрашаётганини ҳис этиб, додлади. Шунда у қочиб кетаётган шайтонни кўриб қолди.

- Ҳой, менга ёрдам бер! Мени қутқар! Мени шу йўлга сен бошладинг! - деди. Шайтон эса унга заҳарханда қараб:

- Сени ҳеч нарса мажбурламадим! Ҳаммасини ўзинг қилдинг, жаҳаннамда куйиб кул бўл! - деб кўздан ғойиб бўлди.

... Роқиб чўчқахонани топиб борди. Онасини шу ерда дейишган эди. Ҳақиқатан, Ашиа шу ерда экан. Роқиб чўчқахона ёнидаги бир уйда ётган онасининг олдига кирди. Ашиа касал эди.

- Она, она, келдим, - деди Роқиб.

- Болам? - Ашианинг юмуқ кўзлар "ярқ" этиб очилди. - Келдингми, болажоним? Келдингми?.. Роббимга чексиз ҳамдлар бўлсин! Иймон келтирган бандаларини азиз этган, уларга марҳамат кўрсатган Аллоҳимга ҳамдлар бўлсин!..

Ашиа ўтирган бу хона жаннатдан бир нур тушгандек ёруғ, жаннат райҳони ифори сепилгандек хушбўй эди.

Хотима

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 246 - 252-оятларида шундай хабар берган:

"Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Сиз Бани Исроилдан бўлган, Мусодан кейинги бир жамоатнинг ҳоли - хабарини билмадингизми? Улар ўзларининг пайғамбарларига: "Биз учун бир подшоҳ тайинлагин, биз у билан бирга Аллоҳнинг йўлида жанг қилайлик", - дейишди.

"Агар сизларга уруш фарз қилинса, эҳтимол, урушмассиз", - деди пайғамбар.

Улар айтдилар:

"Диёримиздан ҳайдалиб, болаларимиздан ажралиб турибмиз-ку, нега Аллоҳ йўлида урушмас эканмиз?"

Энди уларга уруш фарз қилинганда оз кишидан бошқа ҳаммалари урушдан бош тортдилар. Аллоҳ ўз аҳду паймонида қайтиб, ўзларига зулм қилгувчиларни билгувчидир.

Пайғамбарлари уларга айтди:

"Албатта, Аллоҳ сизларга Толутни подшоҳ қилиб тайинлади".

Улар:

"У қаёқдан бизга подшоҳлик қилсин, ахир, биз подшоҳликка ундан кўра ҳақлироқмиз. Қолавеса, унга катта мол-давлат берилмаган-ку!" - дедилар.

Пайғамбар айтди:

"Албатта, Аллоҳ уни сизларнинг устингиздан подшоҳ қилиб танлади. Ва унга илмда ва жисмда қувватни зиёда қилди.

Аллоҳ подшоҳликни Ўзи истаган кишига беради".

Аллоҳ фазлу карами кенг, Билгувчидир.

Пайғамбарлари уларга айтди:

"Унинг подшоҳ бўлиб сайланганлигининг аломати сизларга бир сандиқ келишидирки, унда Роббингиз томонидан хотиржамлик, Мусо ва Ҳорун оилаларидан қолган мерос жо қилинган. Уни фаришталар кўтариб турадилар. Агар чиндан иймон эгалари бўлсангиз, бу воқеада сизлар учун оят - аломатлар бордир.

Толут аскарлари билан чиққач, айтди:

"Албатта, Аллоҳ, сизларни бир дарё билан синайди. Ким ундан ичса, менинг лашкаримдан эмас, ким ундан ичмаса, у мендандир. Фақат қўли билан бир ҳовуч олса, мумкиндир".

У дарёдан оз кишилардан бошқа ҳамма сув ичди. Толут иймон келтирган кишилар билан бирга дарёдан ўтгач, аскарлар:

"Энди бу кун Жолут ва унинг лашкарларига кучимиз етмайди", - дедилар.

Аллоҳга рўбарў бўлишларига ишонадиган зотлар:

"Қанчадан қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба

қилган.Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир", - дедилар.

Улар Жолут ва унга кўринганларида айтдилар:

"Роббимиз, устимиздан сабр-тоқат ёғдиргин, қадамларимизни собит қил ва Ўзинг бизни бу кофир қавм устига ғолиб қил!"

Аллоҳнинг изни билан уларни енгдилар. Ва Толутнинг аскарларидан бўлган Довуд Жолутни ўлдирди. Аллоҳ Довудга подшоҳлик ва пайғамбарликни ато қилди ҳамда унга Ўзи хоҳлаган нарсаларидан таълим берди.

Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб турмаса, шубҳасиз, Ер юзи фасодга учрайди. Лекин Аллоҳ барча оламлар устидан фазлу карам Соҳибидир!"

(Ушбу оятларнинг маъно таржимаси шайх Алоуддин Мансурнинг Тошкентда 2019 йил нашр этилган "Қуръони азим мухтасар тафсири"дан олинди.)

ШУКРОНА СЎЗИ

Абдулла Қодирий бундан юз йил аввал янги замон учун янги қиссалар айтишга ўзида мажбурият сезишини "Ўткан кунлар"нинг сўзбошисида ёзган. Бу мажбурият ўз бурчини англаган ҳар бир адибга хосдир.

Янги замонга замон воқеалари билан эмас, ўтмиш воқеалари ила гапириш ҳам мумкин. Буюк ёзувчимиз ҳам, шу сабабли, ўз рўмони учун мавзуни "Ўтмишнинг кирли ва қоронғу кунлари"дан танлаган бўлса, ажаб эмас.

Худодан ажралган адабиёт ўлимга маҳкумдир. Адабиётнинг ўлими - унинг ўқилмай қолишидир. Бизда ўзбек адиблари ХХ асрда нима учун жаҳон миқёсида танилмагани ҳақида ўйлайдиганлар бор. Жавоби оддий: даҳрий тузум уларни худодан ажратди. Улар ёзган асарларда худо йўқ эди ва бу асарларни истибдод ичидаги халқимизгина мажбуран ўқиди. Эркин халқлар эса мутлақо қизиқмади. Қизиқмайди ҳам, албатта.

Жаҳоннинг барча мумтоз асарлари илоҳият ва одам масаласини ёритган. Масалан, Данте, Шекспир, Гёте, Толстой, Достоевский, Маркес ва ҳоказо. Совет тузуми иймон-эътиқодни таъқиқлагани учун онги бичилган адабиёт бу ҳақда ҳис этиш тугул, ўйлашга қодир эмас эди.

Бугун моҳиятга қайтиш фурсати келди. Миллат ўзлигини танишга интиларкан, албатта, Худони танишга мажбур. Каминанинг "Жангчи" қиссаси шу йўлда бир тажрибадир.

Бу қисса Аллоҳдан ёрдам сўраган ҳолда ёзилди. Унинг китобхонга етиб боргани муаллиф учун буюк неъматдир.

Аллоҳим, ушбу қиссани ҳаммамизга ҳар томондан манфаатли эт!

Сўзларимизни гўзал этганинг каби ният ва ўйларимизни, амал ва ишларимизни гўзал ва Ўзингга мақбул айла!

Акром Малик,

Тошкент, 2020.